

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР  
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ -  
МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
“ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ” ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИНИ  
ЎҚИТИШДА ИЛҒОР ХОРИЖИЙ  
ТАЖРИБАЛАР”  
модули бўйича**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Тошкент-2018**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлигининг 2018 йил \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_-сонли буйруғи  
билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

Тузувчи: **Мирзаева Сайёра Рустамовна**-“Ўзбек тили,  
педагогика ва психология” кафедраси ўқитувчиси

*Ўқув-услубий мажмуа Тошкент давлат аграр  
университети Кенгашининг 2018 йил \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_-сонли қарори  
билан на ширга тавсия қилинган.*

**МУНДАРИЖА**

<b>I.ИШЧИ ДАСТУР.....</b>	<b>4</b>
<b>II.МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....</b>	<b>12</b>
<b>III.НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....</b>	<b>22</b>
<b>IV.АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....</b>	<b>100</b>
<b>V.КЕЙСЛАР БАНКИ.....</b>	<b>135</b>
<b>VI.МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....</b>	<b>156</b>
<b>VII.ГЛОССАРИЙ.....</b>	<b>157</b>
<b>VIII.АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>162</b>

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Мазкур дастур ривожланган хорижий давлатларнинг олий таълим соҳасида эришган ютуқлари ҳамда орттирган тажрибалари асосида Қишлоқ хўжаликнинг барча қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши учун тайёрланган намунавий ўқув режа ҳамда дастур мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Бу эса ўз навбатида мутахассисларнинг касбий компетентлигини шакллантиришга хизмат қилувчи узлуксиз таълим мазмунини янгилаш, ўқитишнинг инновацион шакл ва методлари, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, ўқитишда илғор хорижий тажрибаларни амалиётга кенг жорий этиш заруратини шакллантирди. Шу асосда, бугунги кунда олий таълим муассасаларида таълим сифатини оширишга, таълим босқичларининг ўзаро узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, олий таълим муассасаларидаги ўқув-тарбия жараёнини модернизациялаш, педагог мутахассислар тайёрлаш тизими сифат даражасини оширишда ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш, уларни соҳага оид замонавий илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш, касбий билим, малака ва кўникмалар билан қуроллантириш, илмий-техник инновациялардан мустақил равишда ижодий фойдаланиш ҳамда истиқболли вазифаларни ҳал қила олиш кўникмаларини ривожлантириш муҳим вазифалардан саналади.

Ушбу “Қишлоқхўжалик фанларини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар” модули дастури ривожланган давлатларнинг ўқитиш тизимида фойдаланилаётган педагогик технологиялар ҳамда илм-фан ютуқлари, адабиёт маълумотлари асосида, чет эл мутахассислари билан ҳамкорликда яратилган бўлиб, мақсади тингловчиларни ҳозирда мавжуд бўлган илғор хориж тажрибалар билан таништириш ва ана шу замонавий ёндашувлардан маҳорат билан фойдаланиш малакасини шакллантиришдир.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари.**

“Қишлоқ хўжалик фанларини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар” модулининг мақсади:

-педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий тажрибалар, замонавий ёндашувлар, замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар:

-модулли-кредит тизими, case study (кейс стади), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар, эвристик методларни ўзлаштириш, жорий этиш, таълим амалиётида қўллаш ва яратиш кўникма малакаларини таркиб топтириш.

“Қишлоқ хўжалик фанларини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар”  
**модулининг вазифалари:**

- ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий тажрибаларни ўзига хосликлари ва қўлланилиш соҳаларини аниқлаштириш;

- тингловчиларда модулли-кредит тизими, case study (кейс стади)лардан самарали фойдаланиш кўникма ва малакаларини ривожлантириш;

- тингловчиларда замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий таълим технологияларини лойиҳалаш ва режалаштиришга доир лаёқатларини ривожлантириш.

- таълим-тарбия жараёнида модулли технологияларни қўллашнинг афзалликларини ёритиш ва тингловчиларда улардан фойдаланиш маҳоратини шакллантириш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар.**

“Қишлоқ хўжалик фанларини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий тажрибалар;

- замонавий ёндашувлар, замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар: модулли-кредит тизими, case study (кейс стади), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар, эвристик методларни;

- замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий таълим технологияларини қўллашнинг педагогик-психологик ва методик шарт-шароитлари ҳақида **билимларига эга бўлиши;**

**Тингловчи:**

- модуль блокларини тайёрлаш;
- кейс-технологиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- модулли ва Кейс-стади таълим технологияларига асосланган ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва бошқариш;
- назорат жараёнини тез ва самарали ўткази олиш;
- назоратнинг турли шаклларида самарали фойдаланишни олий таълим амалиётига самарали татбиқ этиш **кўникмаларини эгаллаши;**

**Тингловчи:**

- ўқитишда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш асосида ўқув жараёнини “жонли”, ижодий ташкил этиш;
- инновацион тафаккур юритиш орқали таълим жараёнида ижодий муҳитни яратиш;
- талабаларнинг мустақил амалий фаолиятни ташкил этиш;
- инновацион таълим технологияларини оқилona танлаб олиш;
- мутахассислик билан боғлиқликда инновацион таълим технологияларини реал амалиёт билан уйғунлаштиришга эришиш;
- инновацион характердаги назорат усулларини ишлаб чиқиш **малакаларини эгаллаши;**

**Тингловчи:**

- модулли ёндашув асосида ўқув жараёнини ташкил этиш;
- инноватор, тьютор, модератор ва фасилилаторлик фаолиятини самарали амалга ошириш;
- замонавий ва инновацион таълим муҳитини бошқариш;
- талабаларнинг изланишли-ижодий фаолиятга жалб этиш **компетенцияларни эгаллаши лозим.**

**Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар.**

“Қишлоқ хўжалик фанларини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар” модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Модулни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотлар жараёнида техник воситалардан, кейс, ассесмент технологияларини, тест сўровлари, ностандарт тестлар, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

**Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги.**

“Қишлоқ хўжалик фанларини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар” модули бўйича машғулотлар ўқув режасидаги “Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик” субмодуллари, “Қишлоқ хўжалик фанларини ўқитишда мультимедия тизимлари ва масофавий таълим методлари” ва “Махсус фанлар” модулининг барча соҳалари билан ўзвий боғланган ҳолда педагогларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади ҳамда ўқув модули билан узвий алоқадорликда олиб борилади.

**Модулнинг олий таълимдаги ўрни.**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар қишлоқ хўжалик фанларини ўқитишда замонавий ва инновацион хорижий таълим технологияларини ўзлаштириш, жорий этиш ва амалиётда қўллашга доир проектив, креатив ва технологик касбий компетентликка эга бўладилар.

**Қишлоқ хўжалик фанларини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар модули бўйича соатлар тақсимооти.**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юклараси, соат				
		ҳаммаси	Аудитория ўқув юклараси			мустақил таълим
			жами	жумла дан		
				назарий	амалий машғулот	
1.	Қишлоқ хўжалиги фанларини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар: модулли-кредит тизими.	2	2	2		
2.	Замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар: Кейс-стади.	3	2	2		1

3.	Қишлоқ хўжалик фанларини ўқитишда модулли ёндошувни амалга ошириш йўллари.	2	2		2	
4.	Талабалар билимини баҳолаш ва назорат қилиш бўйича хориж тажрибаси.	2	2		2	
5.	Қишлоқ хўжалик фанларини ўқитишда стандарт ва ностандарт ўқув топшириқларидан фойдаланиш	3	2		2	1
6.	Таълим олувчиларнинг мустақил фаолиятини ташкил этиш бўйича хориж тажрибаси.	2	2		2	
	<b>Жами:</b>	<b>14</b>	<b>12</b>	<b>4</b>	<b>8</b>	<b>2</b>

### **НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАРМАЗМУНИ**

#### **1-мавзу: Қишлоқ хўжалик фанларини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар: модулли-кредит тизими.**

Жаҳон қишлоқ хўжалиги. Қишлоқ хўжалик фанларини ўқитиш жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий тажрибалар, замонавий ёндашувлар. Модулли таълим моҳияти. Модулли таълим тамойиллари. Модул блоклари. Модулли-кредит тизими моҳияти. ECTS кредитлари. ECTSнинг асосий тамойиллари. ECTSнинг хусусиятлари. Кредитларни тақсимлаш ва ECTS ўқув режаларига ўтиш методикаси.

Замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар: blended learning (аралаш ўқитиш), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар, эвристик методлар ва бошқ. Замонавий таълимда тьюторлик, супервизорлик ва модераторлик фаолияти. Педагогик фасилитация – таълимда натижавийликни таъминлашдаги муҳим омил сифатида.

#### **2-мавзу: Замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар: Кейс-стади.**

Қишлоқ хўжалик фанларини ўқитишда кейс-стадини таълим жараёнига кенг татбиқ қилишнинг ижтимоий-педагогик шарт-шароитлари. Кейс-стади: масала тарихи. Кейс-стадини таълим жараёнига кенг татбиқ қилишнинг долзарблигини белгиловчи омиллар. Кейс-стадининг умумий



тавсифномаси. Асосий категориялар ва тушунчалар. Кейс-стадининг моҳиятли белгилари ва дидактик ўзига хос хусусиятлари. Кейс-стадининг таълимдаги функциялари. Кейслар типологияси. Кейсларни ишлаб чиқишнинг процессуал тизими. Таълимнинг кейс-технологиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Таълимнинг кейс-технологиясини лойиҳалаштириш ва режалаштириш.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-амалий машғулот:**

#### **Қишлоқ хўжалик фанларини ўқитишда модулли ёндошувни амалга ошириш йўллари.**

Модул блоклари, модулнинг таркибий қисмлари, модулли ёндашув тамойиллари. Блум таксономияси бўйича ўқув мақсадларини шакллантириш ва эришилган даражани баҳолаш тизими, курснинг ишчи дастури асосида модуллар ва унда талаба эгалланиши назарда тутилган билим, кўникма ва малакаларни таҳлил қилиш, талабалар томонидан эгалланиши лозим бўлган мазкур билим, кўникма ва малакаларни Блум таксономиясига мувофиқ курс юзасидан ўқув мақсадларига айланттириш.

### **2-амалий машғулот:**

#### **Талабалар билимини баҳолаш ва назорат қилиш бўйича хориж тажрибаси.**

Тест назорати ва ўзига хос жиҳатлари. Талабалар билимини назорат қилиш шакллари, технологик ёндашув асосида ўқув жараёни ташкил этилган ҳолатда назорат жараёнига қўйиладиган талаблар тизими. Рейтинг тизими. Тест назорати, унинг турлари ва шакллари, мураккаблик даражасига кўра таснифлаш. Тест назоратини ишлаб чиқишга қўйиладиган талаблар тизими. Ассесмент, Блок назорат услуги. Тестнинг турли шаклларига ишлаб чиқилган намуналар таҳлили.

### **3-амалий машғулот:**

#### **Қишлоқ хўжалик фанларини ўқитишда стандарт ва ностандарт ўқув топшириқларидан фойдаланиш.**

Таълим-тарбия жараёнида тескари алоқани амалга ошириш йўллари. Таълим самарадорлигини орттиришда таҳсил олувчиларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолашда назорат турларини хилма-хиллаштириш, гомоген ва гетероген тест

топшириқларини тайёрлаш йўллари. Таҳсил олувчиларларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш ва баҳолашда стандарт ва ностандарт тест топшириқларидан фойдаланиш йўллари. Ностандарт тестлар ва уларни амалиётга тадбиқ этиш.

#### **4-амалий машғулот:**

#### **Таълим олувчиларнинг мустақил фаолиятини ташкил этиш бўйича хориж тажрибаси.**

Аудиторияда ва аудиториядан ташқарида талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этишда хориж тажрибаси.

Модулли ёндашув концепцияси ва талабанинг мустақил фаолияти. Мустақил фаолиятни ташкил этиш қоидалари, турлари. Мустақил фаолият мазмуни. Аудиторияда мустақил фаолиятни ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатлари. Мустақил фаолиятни ташкил этишда органайзерлардан фойдаланиш зарурати. Интерфаол услублар ва органайзерлар асосида мустақил фаолиятни ташкил этиш ва натижаларни таҳлил этиш. Аудиториядан ташқарида талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этиш (Кейс-стади).

#### **Дастурнинг информацион-услубий таъминоти.**

Модулни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий услублари, педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш кўзда тутилган. Тақдимот материаллар, замонавий интерфаол усуллар, электрон дарсликлар ва кўргазмали плакатлардан фойдаланилади.

#### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларида фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра суҳбатлари (мутахассисликка оид кейс вазиятлар яратиш, ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (кейслар яратиш ҳамда ечими бўйича далиллар ва асосли далиллар тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

- таълим жараёнида иштирок этаётган тингловчиларнингмикдорига кўра ўқитиш гуруҳли шаклда ташкил этилади.

**БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

№	Баҳолаш турлари	Максимал балл	Изоҳ
1	Кейс	1.5	Тингловчи мутахассислик фанидан кейс вазият яратади ҳамда кейс ечимини мустақил таълим учун реферат шаклида топширади.
2	Мустақил таълим	1,0	Мутахассислик фанларидан ностандарт тестлар тузиш.
<b>Жами: 2.5 балл</b>			

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни ўқувчиларга етказиб бериш асосида маълум фаолият кўникма ва малакаларни шакллантириш, фаолиятини назорат қилиш, улар томонидан эгалланган назарий ва амалий билимлар даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳоратни, таълим жараёнига нисбатан янгича ёндашувни талаб этади.



*1-расм*

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда талабаларнинг ўқув ва ижодий фаолликларини оширувчи, таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини кафолатловчи педагогик технологияларни қўллашга доир катта тажриба тўпланган бўлиб, бу тажриба асосини интерфаол методлар ташкил этмоқда.

Бу каби методлар ўз моҳиятига кўра таълим олувчиларда ўқув-билиш фаоллигини ошириш, уларни кичик гуруҳ ва жамоада ишлаш, ўрганилаётган мавзу, муаммолар бўйича шахсий қарашларини дадил, эркин ифодалаш, ўз фикрларини ҳимоя қилиш, далиллар билан асослаш, тенгдошларини тинглай олиш, ғояларни янада бойитиш, билдирилган

мавжуд мулоҳазалар орасидан энг мақбул ечимни танлаб олишга рағбатлантириш имкониятига эгаллиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Таълим ва тарбия жараёнида ўқитувчи (педагог)лар томонидан интерфаол методларнинг ўринли, мақсадли, самарали қўлланилиши таълим оловчи (ўқувчи, талабалар)да мулоқотга киришувчанлик, жамоавий фаолият юритиш, мантиқий фикрлаш, мавжуд ғояларни синтезлаш, таҳлил қилиш, турли қарашлар орасидаги мантиқий боғлиқликни топа олиш қобилиятларини тарбиялаш учун кенг имконият яратади.

### **“Синквейн” методи**

**Методнинг мақсади:** “Синквейн” сўзи французча сўздан олинган бўлиб, “беш мисрадан иборат шеър” таржимасини беради. Амалиётда “Синквейн”: мураккаб ахборотларни синтезлаш қуроли ва тушунчалар заҳирасини баҳолаш воситаси, ижодий ифодалилиқ воситаси сифатида жуда фойдалидир. “Синквейн” таянч касбий тушунчалар ва ахборотларни рефлексиялаш, синтезлаш ва умумлаштиришда тезкор восита ҳисобланади.

### **“Синквейн” тузиш қондаси қуйидагича:**

- биринчи қаторда бир сўз билан мавзу ёзилади - одатда от туркумидаги оид сўз билан;
- иккинчи қаторда мавзу икки сўз билан таъсвирланади - сифат туркумига оид икки сўз билан;
- учинчи қаторда ушбу мавзу бўйича хатти-ҳаракатлар уч сўз билан таъсвирланади;
- тўртинчи қаторда мавзуга алоқадорликни кўрсатувчи тўртта сўздан иборат гап ёзилади;
- бешинчи қатор мавзу моҳиятини такрорловчи бир сўздан иборат синоним шакллантирилади.

## **МОДУЛ СЎЗИГА ТУЗИЛГАН “СИНКВЕЙН”**

- **МОДУЛ**
- **АНИҚ, МОСЛАШГАН**
- **ТЎПЛАЙДИ, ЎРГАТАДИ, ЯНГИЛАЙДИ**
- **ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ЎҚИТИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИ**
- **ПАКЕТ**

**“ФСМУ” мантиқий фикрлашга ўргатувчи технология**

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда, бахс-мунозаралар ўтказишда ёки ўқув-семинари якунида (тингловчиларнинг ўқув семинари ҳақидаги фикрларини билиш мақсадида), ёки ўқув режаси асосида бирон бўлим ўрганиб бўлингач қўлланилиши мумкин, чунки бу технология тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда бахслашишга, шу билан бир қаторда ўқувчи талабаларни, ўқув жараёнида эгаллаган билимларини таҳлил этишга, қай даражада эгалликларини баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятига ўргатишга хизмат қилади.

**Технологиянинг мақсади:** иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хулосалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хулосалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Мазкур методдан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзунини сўрашда, уйга вазифа беришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

**Технологияни амалга ошириш тартиби:**

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хулоса ёки ғоя таклиф этилади;


- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:

- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гуруҳий тартибда тақдимот қилинади.

ФСМУ таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

## ФИКР.МУЛОҲАЗА.ИСБОТ

### ■ ФСМУ



- **Ф** – Фикрингизни баён этинг
- **С** – Фикрингизни баёнига сабаб кўрсатинг
- **М** – Фикрингизга мисол келтиринг
- **У** -Фикрларингизни умумлаштиринг, хулосаланг

### «ФСМУ» мантиқий фикрлашга ўргатувчи технологиядан фойдаланиш жараёнининг босқичлари

#### 1-босқич

Талабаларга «ФСМУ» технологиясининг моҳияти ва ишлаш тартиби тушунтирилади ҳамда муҳокама этилувчи масала (маълумот) ўртага ташланади.

#### 2-босқич

Талабалар якка ёки жуфтликда ўртага ташланган масалани муҳокама қиладилар ва «ФСМУ» жадвалини тўлдиради.

#### 3-босқич

Кичик гуруҳларга бирлашадилар ва ўз фикрларини баён этадилар, қарорнинг сабабларини аниқлайди ва мисолларга таянган ҳолда хулоса ясайдилар. Барча гуруҳ аъзоларининг фикрлари инобатга олинади.

#### 4-босқич

Гуруҳ ичида муҳокама қилиб ягона хулосага келадилар. Катта қоғозга «ФСМУ» жадвалини тўлдириб тақдимотга тайёрланади.

**«ФСМУ» технологиясини қўллашга оид намуна**

”Ҳар бир университет қошида психологик ташхис марказини ташкил этиш керакми?”

<b>Ф</b>	<b>Фикрингизни баён этинг</b>	Бугунги кунда ҳар бир таълим муассаси қошида психологик ёрдам ёки психологик ташхис марказини ташкил этиш лозим.
<b>С</b>	<b>Қарорнинг сабаби</b>	Сифат ўзгаришлар даврида ижтимоий ўзгаришлар, иқтисодий қийинчиликлар ёшлар рухиятида зўриқиш вужудга келтиради. Зўриқиш ҳолатидан чиқиб кетишга мутахассис ёрдам беради.
<b>М</b>	<b>Мисол</b>	Кўпдан-кўп талабалар ”Педагогика ва психология” кафедрасига ёрдам сўраб мурожат этадилар.
<b>У</b>	<b>Хулоса</b>	Психологик ташхис маркази тарбияланувчиларни психологик зўриқиш ҳолатидан чиқиб кетишида ва психологик коррекцияни ташкил этишда муҳим ўрин эгаллаганлиги сабабли уни ташкил этиш зарур.

**Мавзу юзасидан берилган топшириқга намунага асосланиб жавоб беринг?**

**Муҳокама учун савол**

**Мустақил таълим талаба учун керакми?**

<b>Ф</b>	<b>Фикрингизни баён этинг</b>	
<b>С</b>	<b>Қарорнинг сабаби</b>	
<b>М</b>	<b>Мисол</b>	
<b>У</b>	<b>Хулоса</b>	



**SWOT-таҳлил” методи**

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

**НАМУНА**

**Муаммоли таълим методига SWOT – таҳлил**

<b>S</b>	Кучли томони	- муаммоли таълим асосида талабалар билимларни фаол ўзлаштирадilar - мустақил ва ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради - мавзунинг моҳиятини чуқур тушунишга ёрдам беради
<b>W</b>	Ожиз томони	-кўп вақт талаб этади -алоҳида тайёргарлик талаб этади -кўп куч талаб этади
<b>O</b>	Имкониятлари	-талабалар сони чекланган бўлиши лозим -барча мавзуларни муаммоли таълим асосида ўрганиш имкони йўқ, педагогдан махсус тайёргарликни талаб этади
<b>T</b>	Тўсиқлар	-белгиланган вақт оралиғида муаммонинг ечими топилмаслиги мумкинбарча талабалар фаол иштирок этмаслиги мумкин

*Келтирилган намунадан фойдаланиб SWOT – таҳлил методи асосида модулли таълим ҳақидаги фикрларингизни билдиринг.*

<b>S</b>	<b>Кучли томони</b>	-
<b>W</b>	<b>Ожиз томони</b>	-
<b>O</b>	<b>Имкониятлари</b>	-
<b>T</b>	<b>Тўсиқлар</b>	-

**“Тушунчалар таҳлили” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод талабалар ёки қатнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

**Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;
- ўқувчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);
- ўқувчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

**Намуна: “Модул мавзусига оид таянч тушунчалар таҳлили”**

Тушуна чалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Модуль		мазмуний ва мантиқий якунга эга бўлган, дидактик жиҳатдан ишлаб чиқилган, натижага қаратилган, кириш ва чиқиш назоратларидан иборат бўлган
Масофа таълим		масофада туриб ўқув ахборотларини алмашиш воситаларига асосланувчи таълим. Махсус ахборот таълим муҳити ёрдамида таълим хизматлари тўпламидан

Кредит (зачет бирлиги)		ўлчов бирлиги бўлиб, талабанинг аудиторияда ва мустақил ўқув фаолиятини, баҳолайди (ўқув юкламасини).
Деонтология		касбий этика
Андрагогика		катталар таълим-тарбияси билан шуғулланувчи ғоя.
Компетент-лик		фаолият талабларига яроқлилик, мос келиш, лаёқатлилик.
Модератор		янгилик яратувчи, ташаббускор шахс

**Изоҳ:** Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади.

### Т – ЧИЗМА

“Т - жадвал” технологиясининг таркиби қуйидагилардан иборат:

“Т - жадавал” 1та концепциянинг жиҳатини ўзаро солиштириш ёки (“ҳа/йўқ”, “ҳа/қарши”) танкидий мушоҳадани ривожлантириш мақсадида ишлатилади.

1. Жуфтликда ишланади.
2. Маълумот берилади.
3. Т чизилади. “Т”нинг чап томонига сабаб ёзилади. Ўнг томонига қарама-қарши ғоялар ёзилади.
4. Жадваллар жуфтликда таққосланади.
5. Барча ўқув гуруҳи ягона “Т” тузади.

Намунага асосланиб Модул таълим технологиясини “Т – чизма” методи асосида афзаллик ва камчиликларини топинг?

НАМУНА: Т- ЧИЗМА “Тест назорати”

Афзалликлари	Камчиликлари
<p>Ватқни тежалиши.                      Фронтал ҳолда иш олиб бориш имкони.                      Мантиқий фикрни ривожлантириш.                      Баҳолаш қулай.</p>	<p>Нутқнинг ривожланмаслиги.                      Мулоқотни йўқлиги.                      Ҳамкорликда фаолиятнинг йўқлиги.                      Педагогик муносабатнинг йўқлиги.</p>

## БЛОК СИНОВ

<p>1. Технологик ёндашув ва репродуктив ёндашувни таққосланг ҳамда фарқини топинг</p>	<p>2. “Модул” тушунчасига бағишланган кластер яратинг</p>
<p>3. Бир мавзунини танланг ва модул натижаларини ишлаб чиқинг</p>	<p>4. Модулли ёндашув назорат жараёнига қандай талаблар қўйишини аниқланг</p>

Бугунги кунда хориж тажрибасида ассесмент назорат методи, блок сўров методлари ҳам кенг тарқалмоқда. **Блок сўров** методи ҳам талабаларни гуруҳларда фаол қатнашишларини талаб этувчи, ижодкорликни ва мустақил фикрни ривожлантиришга қаратилган назорат туридир.

Қуйида келтирилган блок синов топшириғини бажаринг?

**Ассесмент** сўров методи назоратни соддадан мураккабга қараб даражалаб боришни талаб этади. Қуйидаги тузилишга эга.

### “Ассесмент” методи

**Методнинг мақсади:** мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташхис қилинади ва баҳоланади.

### Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент”лардан маъруза машғулотида талабаларнинг ёки қатнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.


**Намуна.** Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 баллгача баҳоланиши мумкин.

"Ассесмент" техникаси (Ассесмент (assessment) – ўз-ўзини тақдимот қилиш, маълум бир синовдан ўтиш).	
 <p><b>ТЕСТ</b> Таълим жараёнида қайси тест туридан фойдаланилади? А. Педагогик В. Психологик С. Социологик</p>	<p><b>МУАММОЛИ ТОПШИРИК</b></p> <p>Мутахассислик фанини ўқитишда модул таълим технологиясидан фойдаланишнинг қандай тўсиқлари мавжуд деб ўйлайсиз, мисоллар орқали изоҳланг?</p>
<p><b>СИМПТОМ</b> Кейс бу -...</p> 	<p><b>АМАЛИЙ КЎНИКМА</b></p> <p>Саволли кейс ва топшириқли кейсни фарқини изоҳланг ҳамда мутахассислик фанини ўқитишда қандай кейс туридан кўпроқ фойдалана сиз?</p> 

“Давра суҳбати” методи – айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим олувчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.

“Давра суҳбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир таълим олувчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра суҳбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра суҳбатида таълим берувчи мавзунини бошлаб беради ва таълим олувчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган таълим олувчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар

тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса таълим олувчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.




**Белгилар:**  
1-таълим олувчилар  
2-айлана стол

2-расм

### Давра столининг тузилмаси

Ёзма давра суҳбатида ҳам стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим олувчига конверт қоғози бериледи. Ҳар бир таълим олувчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва “Жавоб варақаси”нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди. Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади. Конвертни олган таълим олувчи ўз жавобини “Жавоблар варақаси”нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим олувчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йиғиб олиниб, таҳлил қилинади. Қуйида “Давра суҳбати” методининг тузилмаси келтирилган

### “Давра суҳбати” методининг тузилмаси



**“Давра суҳбати” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:**

1. Машғулот мавзуси эълон қилинади.
  2. Таълим берувчи таълим олувчиларни машғулотни ўтказиш тартиби билан таништиради.
  3. Ҳар бир таълим олувчига биттадан конверт ва жавоблар ёзиш учун гуруҳда неча таълим олувчи бўлса, шунчадан “Жавоблар варақалари”ни тарқатилиб, ҳар бир жавобни ёзиш учун ажратилган вақт белгилаб қўйилади. Таълим олувчи конвертга ва “Жавоблар варақалари”га ўз исми-шарифини ёзади.
  4. Таълим олувчи конверт устига мавзу бўйича ўз саволини ёзади ва “Жавоблар варақаси”га ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди.
  5. Конвертга савол ёзган таълим олувчи конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади.
  6. Конвертни олган таълим олувчи конверт устидаги саволга “Жавоблар варақалари”дан бирига жавоб ёзади ва конверт ичига солиб қўяди ҳамда ёнидаги таълим олувчига узатади.
  7. Конверт давра столи бўйлаб айланиб, яна савол ёзган таълим олувчининг ўзига қайтиб келади. Савол ёзган таълим олувчи конвертдаги “Жавоблар варақалари”ни баҳолайди.
  8. Барча конвертлар йиғиб олинади ва таҳлил қилинади.
- Ушбу метод орқали таълим олувчилар берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини қисқа ва аниқ ифода эта оладилар. Бундан ташқари ушбу метод орқали таълим олувчиларни муайян мавзу бўйича баҳолаш имконияти яратилади. Бунда таълим олувчилар ўзлари берган саволларига гуруҳдаги бошқа таълим олувчилар берган жавобларини баҳолашлари ва таълим берувчи ҳам таълим олувчиларни объектив баҳолаши мумкин.

**“Давра суҳбати” методининг афзалликлари:**

- ўтилган материалнинг яхши эсда қолишига ёрдам беради;
- барча таълим олувчилар иштирок этадилар;
- ҳар бир таълим олувчи ўзининг баҳоланиши масъулиятини ҳис этади;
- ўз фикрини эркин ифода этиш учун имконият яратилади.

**“Давра суҳбати” методининг камчиликлари:**

- кўп вақт талаб этилади;
- таълим берувчининг ўзи ҳам ривожланган фикрлаш қобилиятига эга бўлиши талаб этилади;



### III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

#### 1-мавзу: Қишлоқ хўжалик фанларини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар: модулли кредит тизими

##### Режа:

- 1.1. Жаҳон қишлоқ хўжалиги.
- 1.2. Хорижий мамлакатлар таълим тизими.
- 1.3. Модулли таълимнинг аҳамияти ва моҳияти.
- 1.4. Модулли-кредит тизими моҳияти.
- 1.5.Замонавий таълим шакллари: blended learning (аралаш ўқитиш), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар, эвристик методлар.
- 1.6. Хориж тажрибасида педагогик ёрдамнинг турли кўринишлари.

**Таянч иборалар:**Замонавий таълим, илғор тажрибалар, модул, модулли ўқув ахборотлар, модул блоklar, модулли-кредит, ECTS кредитлари ECTS ўқув режалари, Болонья декларацияси, талабанинг меҳнат сарфи, кредитлар миқдори, transferancy, agreement, Credits-hots, Credits-Post, transcript, syllabus, ахборот пакети, ўтиш коэффициенти, blended learning (аралаш ўқитиш), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар, эвристик метод, модератор, тьютор, эдвайзер, фасилитатор.

##### 1.1. Жаҳон қишлоқ хўжалиги.

Ер шарида аҳоли сонининг йилдан-йилга ўсиб бориши инсоният олдида юқори технологияли қишлоқ хўжалигини яратиш ва бу соҳада етиштирилаётган маҳсулотлар сонини кўпайтириш муаммосини юзага келтирди. Жаҳоннинг етакчи давлатлари бу соҳада катта ютуқларга эришган бўлсаларда, аммо ривожланаётган давлатларда ерни қайта ишлаш технологияси эскилигича қолмоқда. Табиийки, бу ўз навбатида етиштирилаётган маҳсулотнинг ҳосилдорлиги ва сифатига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Тарих зарварақаларига битилган 2013 йилда Европада ҳануз ҳукм сураётган молиявий инқироз унинг қишлоқ хўжалигининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатган бўлсада, аммо Германия, Англия, Голландия бу борадаги йўқотишларни четлаб ўтишди. Шимолий Америка соҳада катта ютуқларга эришган бўлса, Африка давлатлари ҳануз рўйхатнинг энг сўнгги қаторларини эгаллаб турмоқда. Жаҳон қишлоқ хўжалигининг ривожланишига нима таъсир кўрсатади? Унинг асосий омиллари нималардан иборат? Қуйида Ер шари харитасида Она сайёрамиз сиймосини мужассам бешта қитъанинг қишлоқ хўжалиги ривожига назар ташлаймиз.

## Европа

Европа Осиё билан қўшилиб Евроосиё қитъасини ҳосил қилади. Умумий майдони 10 млн. кв. км. атрофида. Аҳолиси 732 млн. нафар одамдан кўпроқ. Атлантика ва Шимолий Муз океани сувлари қирғоқларини ювиб туради. Европа атрофида жойлашган оролларнинг умумий майдони 730 минг кв. км. бўлса, ярим оролларда Европанинг 1/4 қисми жойлашган. Иқлими асосан муътадил бўлганлиги сабабли, бу ерда жойлашган 50 та давлатнинг қишлоқ хўжалиги ҳам унга мослашган. Қайта ишловга яроқли ерларнинг камлигига қарамай замонавий технологияларни самарали қўллаш натижасида Европа фермерлари нафақат унинг аҳолиси, балки бошқа қитъаларга ҳам гўшт ва сут маҳсулотлари, рапс, балиқ, ғалла, сабзавотлар, ҳайвон муйналари ва ёғоч экспортида етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда.

Голландия, Дания, Англия, Германия, Швеция ва Швецарияда қорамолчилик яхши ривожланган бўлиб, мазкур сердаромад соҳа билан шуғулланаётган фермерларга уларга ем-хашак етиштириш учун ер ҳам ажратилади. Аммо калорияли ва юқори сифатли озуқа тайёрлашга фермерлар қисман балиқчиликнинг чиқитларидан ҳам фойдаланишади. Европа мамалкатлари бўғдойнинг юмшоқ навларини кўпроқ ташқарига экспорт қилиб, аксинча унинг қаттиқ навларини сотиб олишади. Шу билан биргаликда гўшт, сут, сабзавот, шунингдек узум, олма, нок, гилос каби мевалар билан ўз аҳолисини тўлиқ таъминлайдилар. Европада қишлоқ хўжалигининг ривожланиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, Иккинчи жаҳон уришидан сўнг бу давлатларга кўпроқ мева, қавҳа, какао, чой киритиладиган бўлди. Аммо юз йиллар давомида зиғир етиштириб келган Бельгия ва Голландия давлатлари уни экишни деярли тўхтатишди. Буюк Британия ва Исландиядан ташқари барча давлатларда яйловларнинг қисқариши натижасида майда туёқлиларнинг сони кескин камайиб кетди. Натижада жун ишлаб чиқариш кўрсаткичи анча пасайди. Ҳозирда Европанинг “сут фермаси” номини олган Данияда ҳар бир одамга 2 бошдан сигир тўғри келади. Замонавий технологияларнинг самарали қўлланилиши, моллар юқори калорияли, витаминларга бой озуқа билан боқилиши, қатъий тартибга асосланган ҳолда уларнинг парваришланиши натижасида фермерлар ҳар бир бош сигирдан кунига 40-45 литрдан сут олиб, уни қайта ишлаб, тайёр маҳсулотни экспортга чиқаришмоқда. Голландияда лола, Болгарияда эса атиргул етиштирилиши натижасида мазкур давлатлар соҳада етакчиликни қўлдан бой бермай келишмоқда.

Европа – балиқчилик ва балиқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда биринчи ўринларни эгаллайди. Айни пайтда

Исландия, Норвегия, Португалия балиқчилик бўйича жаҳон етакчиларидир. Уларда ишлаб чиқариладиган балиқ консерваларининг тури 100 дан ортиб, дунёнинг барча мамлакатларига экспорт қилинади.

Ўрта Ер денгизи бўйида жойлашган Греция, Испания, Италия, Португалия “Европанинг боғи” ҳисобланади ва уларда етиштирилаётган апельсин, мандарин, зайтун, ёнғоқ, бодом ва узум ҳар куни дунё аҳолисининг дастурхонини безаши ҳеч кимга сир эмас. Агарда Испания апельсин экспорти бўйича дунёда биринчи ўринда турса, Греция Гиннес рекордлар китобига “энг кўп зайтун дарахти ўсадиган давлат” сифатида қайд этилган. Бу ерда 90 млн. донадан зиёд зайтун дарахти бўлиб, греклар учун у Қадимги Эллада давридан бошлабқ миллий ғурур ва рамз сифатида қадрланиб келинади. Франция, Нидерландия, Швецария пишлоқ ишлаб чиқариш, Германия ва Чехия пивоси, Франция, Италия ва Португалия узумзорлари билан машҳур. Айтиш жоизки, Европа Иттифоқи томонидан бугунги кунда олиб борилаётган ягона қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича сиёсат бир неча омилларни ўз ичига олади. Шулардан бири Европа давлатларининг қишлоқ хўжалиги об-ҳаво ва унинг ижтимоий характериға бевосита боғлиқлиги. Қурғоқчилик ёхуд сув тошқинлари натижасида ҳосилдорликнинг пасайиши бозорда кескин уларнинг нархларининг кўтарилишиға ва инфляциянинг ўсишиға олиб келади. Натижада аҳоли ўша маҳсулотнинг истеъмолини кескин равишда камайтиради. Иккинчидан, Европа Иттифоқи озик-овқат хавфсизлигиға амал қилиб, қишлоқ аҳолисиға ўзи учун маҳсулот етиштиришни рағбатлантирмоқда. Учинчидан, аграр сиёсат зиммасиға табиатни асраш каби вазифалар юклатилган бўлиб, уни бузган фермерларға катта жарима солинади. Аввало қишлоқ хўжалигини қўллаб-қўвватлаш табиий ресурсларни сақлаш, алоҳида давлат ва ҳудудларнинг ўзига хос маданий ва тарихий меросини асраб- авайлашни, халқ истеъмолидаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган нархни Европа Иттифоқиға аъзо давлатларда деярли бир хил ушлаб турилишини, қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритадиган аҳоли қисмини рағбатлантиришни ўз ичига олади.

### Осиё

Осиёнинг умумий майдони 43,4 млн. кв. км. бўлиб, аҳолиси 2 млрд. Нафар одам атрофида. Осиёни Европадан Урал тоғлари, Мугожарам, Эмбе дарёси, Каспий денгизи, Аракс дарёси, Қора ва Мармар денгизлари, Босфор ва Дарданелла кўрфазлари ажратиб туради. Африка билан Осиёни Суэц канали, Шимолий Америкадан эса уни Беринг қўлтиғи ажратиб

туради. Осиё мамлакатларини Шимолий Муз, Тинч ва Ҳинд океанлари ўраб олган. Материк ороллари умумий ҳудуди 2 млн. кв. км.дан ортиқ бўлиб, бу ердаги энг юқори нуқта Жамолунгма (баландлиги 8848 метр) чўққиси булутлар билан тиллашиб туради.

Осиёнинг иқлими ўта ўзгарувчандир. Арктика совуғидан изтироб чеккан саёҳатчи экваториал жазирамада салқин жой излаб қолиши ҳеч гап эмас. Шу сабабли мазкур давлатларда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳам бир биридан кескин фарқ қилади. Европадан фарқли ўлароқ Осиё мамлакатлари қишлоқ хўжалигида аҳолининг асосий қисми банд. Экиш учун мўлжалланган ерлар ҳар хил давлатларда турличадир. Масалан, Бангладешда бу давлатнинг умумий майдонидан 32 қисми ташкил этса, Ҳиндистонда 50, Хитойда 15, Афғонистон, Йордания ва Эронда 10 фоизни ташкил этади.

Қурғоқчил ҳудудларда экстенсив, сўғориладиган ерларда эса интенсив деҳқончилик ривожланган. Айнан Осиё давлатлари бутун дунёни чой, табиий каучук билан таъминлаб келмоқда. Асосий экспорт маҳсулотларига пахта (Марказий Осиё давлатлари, Ҳиндистон, Покистон, Туркия), шакарқамиш (Ҳиндистон, Хитой, Филлиппин ороллари), ерёнғоқ, кунжут, зиғир, рапс, зираворлар (Ҳиндистон, Хитой, Корея, Малайзия, Индонезия), соя (Хитой, Корея), зайтун (Туркия, Сурия) киради. Дунёда энг кўп шоли етиштирадиган мамлакатлар ҳам Осиёда жойдашган бўлиб, бугунги кунда жаҳондаги барча шолининг 90 фоизи Хитойда (190 млн.т.), Ҳиндистонда (110 млн.т.), Индонезия, Бангладеш, Таиланд, Мьянма, Японияда (126 млн. т.) етиштирилади. Шолидан сўнг иккинчи ўринда турган буғдой асосан Хитой, Ҳиндистон, Туркия, Покистон, Саудия Арабистони, Марказий Осиё давлатларида деҳқончиликнинг 45 фоизини ташкил этмоқда. Дунёга машҳур ананасни асосан Таиланд, Малайзия, Филиппин ороллари ва Вьетнам экспорт қилса, қалампир, какао, маниок, саго Индонезия ва Малайзиянинг асосий экспорт маҳсулотлари ҳисобланади.

Маккажўхори ва дуккаклилар аҳоли таомномасининг асосий таркибий қисмларидан бири бўлганлиги сабабли фермерлар уларни етиштиришга алоҳида эътибор бериб келишмоқда.

Чорвачилик Осиёда Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларга нисбатан камроқ ривожланган бўлиб, асосан деҳқончилик қилиш мумкин бўлмаган ерларда, яъни чўллар, яримчўллар, тоғли ҳудудларда амалга оширилади. Бу ерда асосан, қўй, эчки, йилқи, туя ва йирик шохли моллардан яқ, буйволлар кўпайтирилади. Статистик маълумотларга кўра, бугунги кунда умумий

йирик ва майда туёқлиларнинг сони Осиё мамлакатларида 128 млн. бошдан ошади. Четга кам миқдорда уларнинг териси ва жуни экспорт қилинади. Хитой, Вьетнам, Япония, Кореяда чўққачилик ривожланган. Жанубий Осиё давлатларида хануз фил, туя, эшак ва отдан ишчи кучи сифатида фойдаланиш кенг тарқалган. Қишлоқ хўжалигида юқори технологиялардан асосан Япония, қисман Хитой, Корея, Малайзия ва Ҳиндистон ҳамда Марказий Осиё давлатларида Ўзбекистон ва Қозоғистон фойдаланади. Қолган давлатларда ерга қайта ишлов бериш хануз оддий бўлиб, кичик ер эгалари аксарият ҳолатларда хануз омовда ер ҳайдашмоқда. Бу ўз навбатида ҳосилдорликнинг ўрта бўғинда сақланиб қолишига ва йилдан йилга кўпаяётган аҳолини боқошга етмайди.

Кўпгина Осиё давлатлари океан ва денгиз бўйларида жойлашганлиги боис уларда балиқчилик яхши ривожланган. Йилига бу ерда 13,7 млн. тонна балиқ тутилади. Унинг ярми қайта ишланган ҳолда экспортга чиқарилади. Сўнгги йилларда Тааиланд ва Малайзия аквариум учун мўлжалланган тропик балиқчаларни етиштириш ва сотиш орқали ҳам мумайгина даромадга эга бўлмоқда.

## Африка

Ер шарининг энг иссиқ қисмида жойлашган Африка Евроосиёдан кейин ҳудудининг катталиги жиҳатидан иккинчи ўринни эгаллаб, 29200 минг кв.км. майдонни, унинг атрофида жойлашган ороллар билан эса 30,3 млн. кв. км. ни қамраб олган. Аҳолиси 933 млн. нафар кишидан ортиқ. Ғарбдан қитъа қирғоқларини Атлантика, шарқдан Ҳинд океанлари, Шимолда Қизил денгиз сувлари ювиб туради. Африкада 55 та давлат жойлашган бўлиб, Жанубий Африка республикасида ташқари қолган барчаси ривожланаётганлар сирасига киради. Бугунги кунда қитъада умумий ер майдонидан атиги 12 фоизи, яъни тахминан 160 млн. гектар деҳқончиликка яроқли бўлиб, 26 фоизи (800 млн. гектар)ни яйловлар, қолганини эса чўл, саванна ва ўрмонлар ташкил этади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда жаҳондаги улуши 3-5 фоиздан ошмайди. Фақатгина алоҳида маҳсулотларни олиб қарайдиган бўлсак қаҳва етиштириш ва унинг экспорти 33, маноик-39, сизал- 46, какао 67 фоизни ташкил этади.

Ҳар қандай давлатнинг қишлоқ хўжалиги экинлари асосан аҳоли таомномасидан келиб чиқилиб етиштирилганлигини инобатга оладиган бўлсак, африкаликларнинг 70 фоиз таомининг асосини ташкил этувчи маккажўхори, бўғдой ва шоли Африканинг барча давлатларида экилади.

ЖАР, Нигерия, Миср, Эфиопия, Марокко, Суданда етиштириладиган бўғдой умумий ҳосилдорликнинг 50 фоизини ташкил этади.

Картошкага жуда ҳам ўхшаб кетадиган маниок асосан жунгли ва намгарчилиги юқори бўлган саванналар яқинида етиштирилади. Миср, ЖАРда фермерлар сабзавотчиликка ихтисослашган бўлса, Алжир, Миср, Нигерия, Судан, Угандада хурмо, кокос асосий даромад манбаи ҳисобланади. Кот-д,Ивуар, Гана, Камерун, Нигерия, Эфиопия эса қаҳва ва какаога ихтисослашган.

Чорвачилик ЖАР, Мали, Нигер, Мавритания, Сомали, Чад, Эфиопия, Судан, Нигерия давлатларида қолганларига нисбатан яхшироқ ривожланган. Иссиқ иқлим ҳамда қорамолнинг асосий кушандаси бўлмиш це-це пашшаси йирик қорамолчиликнинг ривожланишига тўсқинлик қилади ва бу ерда бир бош сигирдан йилига атиги 490 литргина сут олинади.

Африка иқтисодиётининг асосий даромад манбаи бўлган ёғоч деярли дунёнинг деярли барча мамлакатларига экспорт қилинади. Қизил, қора дарахтлар ёғочининг нархи аксарият ҳолатларда тоннасига бир неча минг долларни ташкил этади. Асосий экспортёрлар бўлмиш Кот-д,Ивуар, Габон, Камерун, Конго, Либериядавлатлари бугунги кунда етакчиликни кўлдан бой бермай келишмоқда.

Балиқчилик эса унча яхши ривожланмаган бўлиб, асосан ЖАР,Нигерия, Марокко,ТанзанияваГанамазкур соҳа билан шуғулланиб, фақатгина ЖАРда у қайта ишланади.

Африка давлатлари улкан табиий заҳираларга эга бўлишига қарамай, қишлоқ хўжалигига етарли эътибор берилмаслиги, замонавий технологиялардан самарали фойдаланмаслик натижасида қитъа аҳолисининг 70 фоизи қашшоқликда кун кечиради ва бугунги кунда фермерлар маҳаллий аҳолини тўлиқ озиқ-овқат билан таъминлай олмаяптилар.

### Америка

Шимолий ва Жанубий Америкадан ташкил топган мазкур қитъанинг қишлоқ хўжалиги ўзига хос бўлиб, асрлар давомида маҳаллий аҳолининг урф-одатлари, қадриятлари ҳамда испан, француз ва инглиз босқинчилари томонидан олиб келинган ерга ишлов бериш ва маҳсулот етиштириш усуллариининг қоришмасидан ташкил топган. Фақатгина Шимолий Американинг умумий ер майдони 20,36 млн км.кв. бўлиб, Тинч, Атлантика ва Шимолий Муз океанлари билан ўралган. Қишда материкнинг асосий қисми қор билан қопланиб, ҳарорат 50° С гача этади.



Шарқда кескин субтропик иқлимга ўтилиши натижасида табиий кўриниш, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси шунга кўра ўзгаради.

Шимолий Америкада жойлашган Канада ва АҚШ дунёда қишлоқ хўжалиги юқори даражада ривожланган мамлакатлар ҳисобланишади. Юмшоқ иқлим, ёнғингарчиликнинг кўплиги бу ерда қорамолчилик ва чорвачиликнинг ривожини учун қулайдир. Ушбу соҳа дунё қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 45 фоизини ташкил этади. Айтиш жоизки, Шимолий Америка қишлоқ хўжалиги нафақат аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, балки мамлакат экспорти ҳажмининг йилдан йилга ўсиб боришини ҳам таъминлайди. Биргина ғалла сотиш бўйича АҚШ дунёда биринчи, Канада эса 2 -ўринда туради. АҚШ ва канадалик фермерлар Шимолий ва Жанубий Америка аҳолисини озиқ-овқат маҳсулоти билан тўлиқ таъминлай олади. Бунинг асосий сабаби мазкур мамлакатлар юқори технологиялар ва тежаш усуллари билан самарали фойдаланилаётганлиги, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш илмий тадқиқотлар билан биргаликда олиб борилиши ва энг яхши натижаларни соҳага тадбиқ этиш учун ҳукумат томонидан катта маблағ ажратаётганлигидир.

Шимолий Америкада қишлоқ хўжалиги экинларидан асосан буғдой, жавдар, рапс, маккажўхори, гречиха, арпа етиштирилса, АҚШнинг Калифорния штатида цитрус мевалари, узум, олма, нок, анор нафақат маҳаллий аҳоли, балки европалликлар дастурхонини ҳам безаб туради. Материкда сўнгги йилларда сабзаёт, ем тайёрлаш учун ишлатиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экиш ҳажми ортган. Шу билан биргаликда мазкур мамлакатларда энг кам миқдорда кимёвий ўғитлар ишлатилади. Бу эса, ўз навбатида етиштирилаётган маҳсулотнинг экологик жиҳатидан тозаллигини таъминлайди.

Лотин Америкаси мамлакатлари Шимолдаги қўшниларидан фарқли ўлароқ кўп укладдир. Қишлоқ хўжалиги асосан йирик хусусий хўжаликлардан иборат. Бразилияда улар фазенда, Аргентинада эстансия, Мексикада эса гасиенда деб аталади. Мазкур хўжаликларда етиштириладиган қаҳва, шакарқамиш, какао, банан ва пахта асосан экспорт қилиниб, олинаётган даромад мамлакатларнинг иқтисодиётини ривожлантиришга йўналтирилади. Йирик хўжаликлар билан бир қаторда фаолият юритаётган минифундиялар, яъни кичик хўжаликлар асосан бир деҳқон оиласига тегишли бўлиб, уни оила аъзолари биргаликда юритишади.

Минифундиялар етиштириётган маккажўхори, маниока, банан, картошка ва дуккакли ўсимликлар асосан маҳаллий бозорда сотилади.

Бугунги кунда Лотин Америкасида атиги 11 фоиз ерга қайта ишлов берилади, чунки бу ерда деҳқончилик учун ярқли ерлар кам бўлиб, худуд асосан ўрмон, тоғ тизмалари ва дарё ҳамда кўллар билан қопланган.

Бразилия Лотин Америкасида энг йирик шакарқамиш етиштираётган давлат бўлса, Мексика, Ямайка, Доминикан Республикаси, Куба, Гайанада соя ўстирилади. Колумбия ўзининг юқори сифатли қахваси, Эквадор бананлари билан машхур. Хаттоки уларни “банан республикалари” деб ҳам аташади. Пахта асосан Бразилия, Мексика, Аргентинада етиштирилса, бўғдой ички истеъмол учун барча Лотин Америкаси мамлакатларида экилади, аммо фақатгина Аргентина унинг экспорти билан шуғулланади.

Чорвачилик асосан Аргентина ва Уругвайда ривожланган. Перу ва Чили дунёда балиқчилик билан шуғулланаётган йирик мамлакатлар қаторидан жой олган.

Лотин Америка давлатларида қишлоқ хўжалигида замонавий технологиялардан фойдаланиш етарли даражада эмас. Фақатгина йирик плантация эгалари бугунги кунда уларни ўз фаолиятларига тадбиқ этишга қурби етади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ҳам кенг тарқалмаган бўлиб, асосан етиштирилган маҳсулотлар қайта ишланмай экспортга чиқарилади.

### **Австралия**

Ўзига хос табиий иқлими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига эга бўлган Австралия Она сайёрамизнинг жанубий қисмида жойлашиб, Тасмания ороли билан биргаликда 7 692 024 км<sup>2</sup> майдонни эгаллаган. Аҳолиси 20 млн. нафардан ортиқ.

**Австралия сайёрамиздаги энг кичик қитъа.** Мамлакат шимоли Тимор ва Арафур денгизларининг, ғарб ва жануби Ҳинд океани, шарқи эса Тасмания ва Коралл денгизлари суви билан ўралган. Мамлакат иқлими ўта қуруқ бўлганлиги сабабли, бу ерда чорвачилик яхши ривожланган. Қитъанинг улкан яйловлари қўйларнинг эркин боқилишига шароит яратиб, мазкур худудлар бир биридан сим тўр (паддокалар) билан ажратиб турилади. Ҳар бир паддокада артезиан қудуқ мавжуд. Вақти вақти билан отарлар бир паддокадан иккинчисига ҳайдалади. Сабаби, фойдаланилган яйловда ўтларнинг ўсишига имкон бериш. Қўйчилик билан асосан йирик фермерлар шуғулланади ва улардаги иш 100 фоизга механизациялашган. Улар асосан четга гўшт ва жунни экспорт қилишади. Сўғориладиган худудларда чорвачилик интенсив характерга эга бўлиб, бу ерда қўйчиликдан ташқари қорамолчилик ҳам ривожланган. Гўшт ва сут маҳсулотлари қайта ишланган ҳолда дунё мамлакатларига экспорт қилинади.



Австралияда ғалладан асосан қаттиқ навли бўғдой, арпа, дуккакли ўсимликлар экилиб, улардан олинаётган ҳосил мамлакат аҳолисининг эҳтиёжини қондириб келмоқда. Мамлакат ҳар томонлама сув билан ўралганлигини инобатга оладиган бўлсак, балиқчилик анча ривожланган ва нафақат Осиё, балки Европа мамлакатларига ҳам экспорт қилинадиган денгиз маҳсулотлари ўзининг юқори сифати билан истеъмолчилар ҳурматыни қозонган.

### Ўзбекистон

Ўзбекистон минтақавий давлат бўлиб, географик жиҳатдан қулай жойлашган. Мамлакатимиз ҳудудининг катта қисми Ўрта Осиёнинг икки азим дарёси – бир пайтлар тўлиб-тошиб, шиддат билан оққан Амударё ва Сирдарё оралиғида қулай жойлашган. Бундай мақбул шарт-шароитлар бу ерларда истиқомат қилаётган аҳоли турмушини таъминловчи асосий машғулот – деҳқончиликнинг ривожланиши учун асос яратди. Бизнинг аждодларимиз ўзларининг кўп асрлик тарихи давомида асосан ўтроқ ҳаёт кечириб, деҳқончилик билан шуғулланиб келган. Ер уларни боққан, дарё сувлари водийларга ҳаёт ато этган. Ҳаёт ўз маромида давом этиб келган.

Ўзбекистон ҳудуди кўп йиллар давомида ўзгаришсиз қолиб келмоқда, ер ҳажми кўпайгани йўқ. Аммо эндиликда манзара ўзгача. Кўп йиллар давомида Ўзбекистон аҳолисининг сони изчиллик билан ортиб бормоқда. Мамлакат аҳолиси, саноат асри бошланганидан буён, бошқа давлатларда бўлгани каби, бир неча барабар ортган. Мисол тариқасида бир неча рақамни келтирсак: ҳар 65.18 сонияда битта бола туғилади. Бир соат ичида Ўзбекистон аҳолиси 55.2 болага кўпаяди. Бугунги кунга келиб, мамлакат аҳолисининг сони 32 миллионга яқин. 2050 йилгача, шу суръат сақланиб қоладиган бўлса, Ўзбекистон аҳолисининг сони 43 миллиондан ортиқ бўлади.

Аҳоли сонининг ортиши ва шунга боғлиқ озиқ-овқат эҳтиёжлари — муқаррар фактлардир. Шунга боғлиқ равишда ичимлик суви ва ер ресурслари тақчиллигининг ортиб бориши тенденциялари кузатилади. Ер аста-секин таназзулга учрайди, қишлоқ хўжалигини юритиш учун яроқлиресурсларини йўқотади ва сув тақчиллигига учрайди, у аввалгидек ўсиб бораётган аҳолини боқишга ва ўзининг табиий вазифалари бажаришга қодир эмас. Биз ерга ҳалокатли таъсир қилишда давом этмоқдамиз, суғоришнинг анъанавий усуллари кўллаш, ўғитлар ва кимёвий воситаларни катта миқдорда ишлатиш натижасида унинг функцияларига салбий таъсир кўрсатмоқдамиз. Бизга озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириб бериш, мамлакатнинг озиқ-овқат

хавфсизлигини таъминлаш учун ермизга неча тонна минерал ўғитлар, пестицидлар, гербицидлар ва бошқа препаратлар солинади? Айтиш мумкинки, бу рақамлар ниҳоятда катта. Ҳолбуки, буларнинг барчаси кимё саноати маҳсулотларидир. Ушбу моддаларнинг катта қисми, эримасдан ерга чўкиб қолади, суғориладиган сув билан дренаж тизимига, ундан сўнг каналларга ва дарёларга ўтади. Сув айланиши бу жараённи такрорлайди. Аслида бизга ёрдам бериш учун яратилган ушбу кимёвий воситалар, натижада ерни заҳарлайди, уни кераксиз чиқиндилар билан тўлдиради. Ушбу омиллар аграр ривожланиш салоҳиятини чеклашга олиб келади. Мазкур хулосалар асосида ҳақли саволлар туғилади: тупроқнинг унумдорлигини сақлаш, унда кечаётган табиий жараёнларни яхшилаш ва ҳосилдорлигини ошириш учун нима қилиш керак?

Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш учун нималар қилиш керак? Етиштирилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилаш, ёки ҳеч бўлмаганда уни сақлаш учун нималар қилиш керак? Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши таннархини пасайтириш ва рентабеллигини ошириш учун нималар қилиш керак? Ушбу масалалар ер ресурсларини бошқарувчи қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассисларига ва қарор қабул қилувчи шахсларга қаратилган. Яқинда ЎЗР ФА нинг Микробиология институти билан бошланган лойиҳа ана шу масалаларнинг айримлари билан шуғулланади.

Белгиланган масалаларни хулосалаб, асосий вазифани қуйидагича белгилаш мумкин: кам харажат сарфлаб, табиатга антропоген ва техноген таъсирни оқилона қисқартириш орқали озиқ-овқатнинг максимал даражасига ва маҳсулотларнинг экологик хавфсизлигига қандай эришиш мумкин? Қўйилган вазифанинг ҳал қилиниши қишлоқ хўжалиги мутахассисларидан инновацион ёндашувларни ва ресурсларни тежовчи технологияларни талаб этади. Институт олимларининг мавжуд муаммо бўйича олиб борган тадқиқотлари ўз самарасини берди ва унинг кутилмаган ечими топилди. Ҳозирги пайтда Глобал Экологик Жамғарманинг Кичик Грантлар Дастури Микробиология институти билан амалга оширилаётган лойиҳа доирасида янги биологик препарат – Serhosil ни кичик тоннажли ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш устида иш олиб бормоқда. Ушбу препарат *Scenedesmus* турига мансуб микро сув ўтлари асосида яратилган бўлиб, у тупроқдаги микробиологик ва биокимёвий жараёнларни яхшилаш, тупроқларимиз унумдорлигини оширишга хизмат

қилади. Ушбу биопрепарат сув ўтларининг қишлоқ хўжалиги экинларининг ўсишини рағбатлантириши хусусиятига асосланган.<sup>1</sup>

Мазкур ажойиб биопрепарат ЎзФА Микробиология институти тупроқ микробиологияси лабораторияси олимлари ва мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган. Препаратдан экишдан олдин уруғларга ишлов беришда, шунингдек, барча турдаги экинларни суғориш пайтида (илдиз остига) ва баргларга сепишда (илдиздан ташқари) кўшимча озиқлантириш мақсадида фойдаланилади. Serhosil биопрепаратининг муҳим фарқли жиҳати бор – у инсон ва ҳайвонлар учун мутлақо зарарсиз бўлиб, айна пайтда тупроқдаги микроорганизмлар учун жуда фойдалидир. Айнан шу хусусияти тупроқнинг унумдорлигини таъминлайди. Республика Аграр сектор тармоқлари айниқса, қишлоқ хўжалиги янги техникалар, иш қуроллари, технологияларсиз ривожлана олмайди. Ушбу тамоқларнинг рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўналишлари ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш, химиялаштириш ва автоматлаштиришдир. Мамлакат Аграр секторини халқора алоқларини ривожлантириш, дунё мамлакатлари таржибалари ва илғор технологиялардан оқилона фойдаланиш катта ижобий аҳамиятга эга. Шунингдек, ўзимиз кўп асрлик ривожланиш дарвларида шаклланган таржиба ва технологияларини тарғиб қилиш ва дунёга тарқатиш зарурати ҳам мавжуд.

Бу жараёнда эса соҳада рақобатбардош кадрларни тайёрлаш қишлоқ хўжалиги педагог кадрларга ўз соҳасини, мутахассислигини чуқур билишдан ташқари мутахассислик фанларини ўқитишда замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалардан фойдалана олишлари ҳамда педагогик маҳорат асосларини ўрганиши, замонавий таълимда аудитория билан ишлаш кўникмаларини эгаллашлари лозим.

## **1.2.Хорижий мамлакатлар таълим тизими**

### **Япония таълим тизими.**

Япония таълимининг шаклланиши 1867-1868 йилларда бошланган. Япония ўз олдида икки вазифани: биринчи — бойиш, иккинчи - Ғарб технологиясини Япония ишлаб чиқаришига киритиш масаласини кўяди ва бу ишни амалга ошириш учун биринчи галда таълим тизимини тубдан ўзгартириш кераклиги айтилди.

1872 йили “Таълим ҳақидаги қонун” қабул қилинди. Бунда Япон таълими Ғарб таълими билан уйғунлаштирилди. 1908 йилда Японияда

---

<sup>1</sup><http://sgp.uz>

бошланғич таълим мажбурий 6 йилликка айлантирилди. 1893 йили касб йўналишидаги дастлабки коллеж пайдо бўлди.

1946 йили қабул қилинган Конституция фуқароларнинг таълим соҳасидаги ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб берди. Унда барча болалар бепул умумий таълим олишлари белгилаб қўйилган.

Японияда ҳозирги замон таълим тизимларини таркиби қуйидагича: болалар боғчалари, бошланғич мактаб, кичик ўрта мактаб, юқори ўрта мактаб, олий таълим тизимларига кирувчи ўқув юртларидан иборат.

**Болалар боғчалари.** Таълимнинг бу босқичига 3 - 5 ёшли болалар қабул қилинади. Болалар ёш хусусиятларига мувофиқ равишда 3, 2, 1 йиллик таълим курсларига жалб қилинадилар.

**Мажбурий таълим.** Таълимнинг бу поғонасига 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар жалб қилиниб улар шу муддат ичида 6 йиллик бошланғич мактаб ва 3 йиллик кичик ўрта мактаб курсини ўтайдилар. 9 йиллик бу таълим мажбурий бўлиб барча болалар бепул ўқитиладилар ва текин дарсликлардан фойдаланадилар.

**Юқори босқич ўрта мактаби.** Бу мактаблар таълим йўналишининг 10,11,12-синфларини ўз ичига олади. Японияда бундай босқич мактабларининг кундузги кечки ва сиртки бўлимлари мавжуд. Кундузги юқори босқичли мактабларида ўқиш муддати 3 йил. Ўқувчиларнинг 95 фоизи кундузги мактабларда таълим оладилар. Бу тарздаги мактабларда ўқиш ихтиёрийдир. Унда қуйи ўрта мактабларни битирган юқори босқич ўрта мактабларига кириш синовларидан муваффақиятли ўтган 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўқувчи ёшлар қабул қилинадилар. Унда умумий таълим (академик) фанлари техник билимлар тижорат маҳаллий саноат кишлок хўжалиги чорвачилик, балиқчилик, кемасозлик ва бошқа мактабларда умумий ва хусусий тармоқларни қўшиб ҳисоблаганда 95 фоиз ёш билим олади.

Дорилфунунлар, кичик коллежлар, техник коллежлар, махсус ихтисослаштирилган коллежлар Японияда олий таълим тизимини ташкил этади.

Японияда бошланғич ўрта ва олий ўқув юртларидан ташқари бир — биридан фарқ қилувчи “Ихтисос мактаблари” ва “турли” мактаблар ҳам мавжуд. Уларнинг кўпчилиги хусусий бўлиб турли фирма, концерн ва синдикатлар учун қисқа вақтли курсларда тикувчи, ошпаз, ҳисобчи, машинкада ёзувчи, автотехник, электрон ҳисоблаш машиналари учун дастур тузувчилар ва бошқа зарурий касблар ўргатилади. Японияда ҳам турли хорижий тилларни ўргатишга ихтисослаштирилган мактаблар мавжуд.

Бошқа мактаблардан фарқли ўлароқ Япония мактабларида ўқиш 1 апрелдан бошланиб келаси йилнинг 31 мартида ниҳоясига етади.

Бошланғич ва кичик ўрта мактабларда ўқув йили уч семестрга бўлинади: апрель – июль, сентябрь – декабрь, январь - март. Катта ўрта мактабларда эса ўқув йили 2 ёки 3 семестрга бўлинади.



3-расм

**Ўқув йили Японияда 240 кун** ёки Америка Қўшма Штатларидан 60 кун кўпдир. Дарслар 7 соат. Кўпчилик мактабларда дарслар эрталаб соат саккиз яримда бошланиб учдан кейин тугайди.

Ўқувчилар ҳафтасига 2-3 соат синфдан ташқари клуб ишларида, 7 соат ихтисос бўйича машғулотларда ёки репетиторлар ихтиёрида бўладилар.

Юқори босқич ўрта мактабларида бутун ўқув жараёнида ўқувчилар 80 та синов топширишади. Ўқувчилар мажбурий асосий фанлардан ташқари ўз хохишларига кўра инглиз тили техник таълим ва махсус синовларга жалб этиладилар.

Япония таълимнинг асосий мақсади ва мазмуни аҳолини замонавий техник ҳамда технологик жараёнлар билан жиҳозланган ҳозирги замон саноатида самарали ишлашга мослаштиришдир. Мамлакатда мактабга муҳим ижтимоий вазифани бажарувчи жамиятнинг олға силжишини таъминловчи даргоҳ деб қаралади ва халқ томонидан эъзозланади.


Юқоридагилардан кўриниб турибдики Японияда таълим тизими ҳам шаклан ҳам мазмунан юксак уйғунлик касб этган. Ибрат олса ўрганса



арзийдиган жиҳатлари кўп.

Эътиборли яна бир томони - Японияда фақат миллий анъаналар билан чекланиб қолмай жаҳондаги Америка, Франция Германия каби тараққий этган мамлакатларнинг илғор педагогик иш тажрибалари ҳам ижодий ўзлаштирилган.

### АҚШ таълим тизими



4-расм

**Америка Қўшма штатларида таълим тизимининг тузилиши куйидагича:**

- болалар 3 ёшдан 5 ёшгача тарбияланадиган мактабгача тарбия муассасалари;

- 1- 8 - синфларгача бўлган бошланғич мактаблар (бундай мактабларда 6 ёшдан 13 ёшгача ўқийдилар);

- 9 – 12 - синфлардан иборат ўрта мактаблар (бу мактабларда 14-17 ёшгача бўлган болалар таълим оладилар). У қуйи ва юқори босқичдан иборат. Америка Қўшма Штатларида навбатдаги таълим босқичи олий таълим бўлиб у 2 ёки 4 йил ўқитиладиган коллежлар ҳамда дорилфунунлар ва бошқа олий ўқув юртлари таркибида ташкил этилган аспирантура ёки докторантуралардир.

АҚШда мажбурий таълим 16 ёшгача амал қилади. Бу мамлакатдаги ўқув юртлари давлат, жамоа, хусусийлар тасарруфида ва диний муассасалар ихтиёрида бўлиши мумкин.

Америкада 3 ёшгача болалар тарбияси билан оналар шуғулланадилар,

лекин уларга ҳеч қандай имтиёзлар берилмаган. Уч ёшдан 5 ёшгача хусусий ёки давлат боғчаларидан фойдаланиш мумкин, лекин болалар боғчалари кичик ва бу тизим кам ривожланган. Энага ёллаш бир ҳафтада 200 долларга тушади. Болаларда ягона бир дастур мавжуд эмас. Керак бўлувчи ҳамма жиҳозлар ва кунлик овқатни ота-оналарнинг ўзи олиб келади. 5 ёшдан эса “Киндер гарде” деб аталувчи тайёрлов муассасаларида таълим бошланади. Бошланғич мактаб 6 ёшдан то 13- 15 ёшгача бўлган болаларни қамраб олади. Бу бошланғич мактабларда умумий саводхонлик ва касбга йўналтириш вазифалари ҳал этилади. Синфдан-синфга кўчиш ўқувчининг ўзлаштирганлик даражасига боғлиқ. Бошланғич таълим турли штатларда турлича белгиланган (4, 5, 6, 8 йил). Мактабларда турли хил тўғарақлар, учрашувлар, шоулар ва саёхатлар уюштирилади, аммо уларнинг ҳаммасига ҳақ тўлаш лозим. Ўрта мактаблар қуйи ва юқори босқичлардан иборат. 9 - синфни битирган талабалар танлов асосида ўрта мактабга қабул қилинади. Ўрта мактабларда тўрт йўналишда касб-хунар асослари бериб борилади.

1 - касб-хунар таълими, 2 - бизнес таълими, 3 - савдо ва саноат таълими ҳамда 4-қурилиш таълими.

***Олий таълим 4 асосий босқичда амалга оширилади:***

1-кичик мутахассис - 2 йиллик коллежларда амалга оширилади;  
2-бакалавр 4 йиллик коллежларда, 4 йиллик коллеж ёки дорифунунни тугатган 3-босқични давом эттириши мумкин.

3-босқич бу 1-2 йиллик магистр мактаби;

4-босқич эса аспирантура, докторантура.

Мактабларда таълим телевидиниеси, электрон тил лабораторияси, видеоаппаратура компьютер ва ҳоказоларни қўллаш йўлга қўйилган.

Мактаблар таътил вақтида ҳам ишлаб туради. Тўғарақларда қайта тайёрлаш ишлари олиб борилади.

Олий таълимда икки йўналиш мавжуд:

1-таълимни индивидуаллаштириш;

2-талабанинг мустақил ишлашини амалга ошириш.

Ўқитувчи йўналтирувчи роль ўйнайди. Асосий мақсад талаба интеллектини машқ қилдириш мантиқий фикрлашга ўргатишдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки АҚШ ўрта мактабларида ўз ўқувчиларига уч йўналишда: академик, касб-хунар, умумий йўналишларда билим берадилар. Айти пайтда ўқувчиларга тўрт йўналишда: кишлоқ хўжалиги, бизнес таълими, савдо ва саноат қурилиш бўйича хунар, касб-кор асослари ўргатилади.

АҚШда ҳар бир ўқувчига фанлар бўйича олган билимлари

жамланган аттестатлар берилади. Коллежларда ўқиш истагида ҳужжат топширган ўқитувчилар юқори ўрта мактабнинг сўнгги икки йили билимлари ҳажмида кириш тест синовларидан ўтказилади. Ўғил-қизларнинг танлаган касбига лаёқати ва қобилияти ҳам аниқланади.

Мактабларда қўлланилиши мумкин бўлган воситалар электрон ёзув аппаратлари (каллиграфия ва ёзув қодаларини такомиллаштиришга ёрдам берадиган мосламалар) таълим телевидениеси, қўлда кўтариб юрадиган электрон тил лабораторияси, слайдлар, видеоаппаратуралар, компьютер ва ҳоказолардан иборат.

XXI аср арафасида АҚШ янги қабул қилинган “2000-йилда Америка таълим стратегияси” дастури эълон қилинди.

Олий ўқув юртларида илмий изланишлар олиб бориш бўйича АҚШ жаҳон мамлакатлари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бу мамлакатда илмий изланишлар учун ажратилган маблағнинг 48 фоизини давлат томонидан 50 фоизини фирма концерн синдикатлардан ундирилади, қолганларини олий ўқув юртларининг манбалари ташкил қилинди.

#### **Франция таълим тизими.**

Франция жаҳондаги иқтисодий ривожланган мамлакатлар ичида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Унинг таълим тизимлари ҳам қадимий ва бой тарихга эга. Бу мамлакатда “Таълим ҳақидаги” қонун дастлаб 1955 йилда қабул қилиниб 1975 йилда унга қатор ўзгартиришлар киритилган.

Франция давлатининг ҳозирги даврда амал қилинаётган “Таълим ҳақидаги қонун”и 1989 йил 10 июлда қабул қилинган бўлиб, унинг ўзгартирилишига таълим стратегиясида рўй берган ўзгаришлар мамлакатнинг ички ташқи сиёсатида ислохотлар юзага келган Иқтисодий шароитлар чет эл педагогикасидаги илғор технологияларнинг мамлакат таълим тизимларига кириб келиши ўқув предметларининг интеграциялари ва бошқалар сабаб бўлди.



Олий таълимга фақатгина бакалаврият  
лицейини тугатган талабалар қабул қилинади.

■ Франциядаги олий таълим 2 турга ажратилади:

- университет;
- олий мактаб.

■ Давлатда жами 79 та университет мавжуд. Уларнинг асосий қисми кўп йўналишли, аммо баъзилари бир ёки икки мутахассислик бўйича ўқитади. (Paris II ҳуқуқ ва иқтисодиёт)



5-расм

Францияда таълимнинг асосий мақсади шахсни ҳар томонлама камол топишини таъминлаш, уни мустақил фаолиятга тайёрлаш, бозор муносабатлари шароитида ўқувчиларни тadbиркорликка ишбилармонлик ва омилкорликка ўргатиш шунга яраша касб-корга эга қилишдан иборатдир. Бу ерда:

1. Давлат мактаблари;
2. Хусусий мактаблар;
3. Оралиқ мактаблар мавжуд.

Франция бошланғич таълим мактабларига 6 ёшдан 11 ёшгача бўлган болалар жалб қилинадилар. Бошланғич мактаб бепул ва мажбурий. Унинг вазифаси ўқиш, ёзиш ҳисоблаш малакасини беришдир. Ўқув машғулоти эрталаб соат 9 дан 12 гача ҳамда соат 14 дан 16 гача 5 соат давом этади. Мактабда овқатланиш пуллик лекин жуда арзонлаштирилган нархларда. Бошланғич синфларда ўқиш уч босқичда амалга оширилади:

1. Тайёрлов босқичи;
2. Элементар курс (бу босқич икки йил давом этади);
3. Чуқурлаштирилган босқич.

Тайёрлов босқичи - 1 йилга мўлжалланган. Бунда болалар ҳисоблашга ўқиш ва ёзишга, куйлашга, ўйлашга, табиат манзараларини томоша қилишга ва ундан баҳра олишга жисмоний машқлар билан машғул бўлишга мактабнинг турли спорт тadbирларида иштирок этишга мусиқа ва меҳнатга ўргатилади.

- Навбатдаги босқич — элементар курс бўлиб бу босқичда ўқиш 2 йил давом этади. Бунда ўқувчиларнинг тайёрлов циклида предметлар бўйича олинган билимларни янада такомиллаштирилади.

- Бошланғич мактабнинг 3 - босқичи — чуқурлаштириш босқичидир. Бунда ўқувчиларнинг тайёрлов ва элементар босқичдаги билимлари янада чуқурлаштирилади. Француз мактабларининг бошланғич босқичида “Гражданлик таълими”, “Нафосат таълими” ҳам ўқитилади. Нафосат таълимига мусиқа тасвирий санъат спорт киритилган. Ўқувчилар билан яқка тартибда ишлаш уларни рағбатлантириш шахсий қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш таълимда узлуксиз ва ворисликни таъминлаб бериш бошланғич синф ўқувчиларига кўйилган бош талабдир.

**Ўқув дастурининг мазмунини бевосита ўқитувчининг ўзи белгилайди.**

Бир сўз билан айтганда ўқитувчи болалар билимига тўла масъул экан унинг услуб танлашига мустақил ҳаракат қилишига ҳам тўла эркинликлар берилади.

Ўқувчилар 11 ёшда бошланғич мактабни тугаллаб ўрта мактабга ўтадилар. Ўрта таълим эса коллежлар ва лицейларда амалга оширилади. Ўрта таълим икки босқичда :

**Биринчи босқичда қуйидаги предметлар ўргатилади:**

француз тили ва адабиёти, чет тили (инглиз немис испан. италян тиллари), тарих, Франция географияси математика, тиббий фанлар.

Шундай қилиб 6-5-синфлар умумий ўрта таълим беради: 4-3-синфларда ўқувчиларга қобилияти ва мойиллигига қараб билим берилади. Биринчи босқич якунлагач ўқувчилар касбий йўналишлари бўйича гувоҳнома оладилар.

Шундан кейин ўқувчилар 15 ёшдан 18 ёшгача таълим оладилар. Ўқиш 3 йил давом этиб 2- синф кичик 1- синф ўрта ва якунловчи синфларга бўлинади.

Ўқувчилар умумий таълим ва техник лицейларни тугатганларидан сўнг бакалавр унвони ва диплом иши учун имтиҳон топширадилар. Ана шундай дипломга эга бўлганларгина олий ўқув юртларига кириш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

Францияда талабалар педагогика, политехника институти, олий маъмурий мактабларга кириш учунгина имтиҳон топширадилар. Бундан ташқари шу касбга мойиллиги ҳам алоҳида синаб кўрилади. Бошқа олийгоҳларга ва университетларга эса бакалавр дипломи бўлган ёшлар имтиҳонсиз қабул қилинаверади.

Францияда олий маълумот ва ихтисос берувчи олий технологик институтлар мингдан ортиқ. Улар одатда саноат маиший хизмат кўрсатиш

информатика мутахассисликларига ихтисослашган. Ўқиш муддати 2 йил бўлиб саккиз ҳафталик ишлаб чиқариш амалиётини ҳам кўзда тутди.

Сиртқи таълим шаҳобчалари жуда кенг бўлиб у 500 турдаги ўрта олий профессионал маълумот беришни тавсия эта олади.

Францияда мактаб раҳбарлиги лавозимида эришмоқ учун таълимга раҳбарлик қилишдан сабоқ берувчи махсус марказларда ўқийдилар. Бундай марказларда улар раҳбарлик қилиш, мактаб иқтисодиётини бошқариш, таълимдаги юридик масалалар қонунчилик ота-оналар билан ишлаш, маданий оқартув ишларини ташкил этиш, жамоада яхши психологик муҳитни барпо этиш каби жиҳатларни ўрганади ўқиш яқунлангач суҳбатдан тест имтиҳонларидан ўтадилар.

### **Германия таълим тизими**

Таъкидлаб ўтиш жоизки Германиянинг бозор иқтисодиётига ўтиш йўли бизнинг Республикамиздагига ўхшаб кетади. Икки Герман давлати бирлашгандан кейин собиқ Германия Демократик Республикасида таълимни ислоҳ қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам бизнинг шароитимизга маъқул келади.

Германиянинг ҳозирги давр маорифидаги асосий муаммоси собиқ ГДРдаги таълимни бир хил миллий меъёрга солишдан иборатдир.

Авваламбор шуни таъкидлаш керакки, Германияда таълим давлат ва жамият томонидан ардоқланаётган соҳа бўлиб, у мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар ичида кучли олтиликка кирган.

Мажбурий таълим 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларга тегишли. Бу жараён 12 йил давом этади. Бундан 9 йиллик (баъзи жойларда 10 йил) мактабда тўла ҳафталик ўқишни битиради, кейин ҳунар-техника билим юртида тўла бўлмаган ҳафталик ўқишда ўқийди. Ўқиш давлат мактабларида текин. Мактаб ўқувчиларига ўқув қўлланмаси, асосан дарсликлар бепул берилади. Хусусий мактаблар озроқ. Ўқиш 6 ёшдан бошланиб, 4 йил давом этади (фақат Берлинда 6 йил). Бошланғич мактабдан сўнг ўқитувчилар йўналиш босқичидаги мактабга ўтадилар. Бу ерда 5-6 синф босқичидаги йўналиш мактабларида махсус дастур асосида ўқийдилар. Кейин навбатдаги мактаб типига кўчадилар:

Булар: асосий махсус мактаб реал билим юртлари. Деярли 30% бола асосий мактабга ўтади. 9 ёки 10 йиллик ўқиш тугатилгандан кейин касбий тайёргарликка ўтилади. Махсус мактабларида нуқсонга эга бўлган болалар ўқийди. Реал билим юртлари асосий мактаб ва юқори мактаб ўртасида туради. Қоидага кўра бу ерда ўқиш 6 йил давом этади (5-13 синфгача) ва тўла маълумот бериш билан тугалланади. Билим юртини

тугатганлар ўрта махсус ўқув юртига ёки юқори босқичдаги ҳунар-техника мактабига кириб ўқиш ҳуқуқига эга бўлади. Германияда гимназиялар ҳам мавжуд. Улар 5-13 синфларни ўз ичига олади. 11-13 синфлар олий ўқув юртларига тайёрлаш вазифасини ҳам бажаради.

Гимназияни битирганлик ҳақидаги етуклик аттестати олий ўқув юртида ўқиш имконини беради. Германия таълими тизимида ҳунар таълими муҳим аҳамиятга эга чунки юқори малакали ишчиларга бўлган талаб кучлидир. Тўлиқсиз ўрта мактабни битирувчиларнинг (9-10 синфлар) 79%) тўлиқ ўрта мактабни битирувчиларнинг эса 20% ҳунар таълими тизимида билим олишни давом эттирадilar. Аксарият ҳолларда ўқиш муддати 3-3,5 йилни ташкил этади. Ўқиш уч босқичдан иборат бўлиб биринчи йили асосий ҳунар таълими берилади. Бунга ўқитилаётган касбга таалукли махсус фанлардан назарий асослаш берилиб йирик корхоналарда амалий машғулотлар ўтказилади. Иккинчи йил давомида махсус ҳунар таълими берилади. Ўқувчининг биринчи йилдан иккинчи йилга ўтиш синов имтиҳонлари ўтказилиб, ўқишни давом эттирувчи ёшлар танлаб олинади. Учинчи йил давомида махсус ҳунар таълими янада чуқурлаштирилиб борилади. Битирув имтиҳонлари махсус комиссия томонидан қабул қилинади. Комиссия аъзолари корхоналарнинг етакчи мутахассислари федерал ерлардаги саноат палатаси ҳунармандчилик палатаси вакилларидан ташкил топади. Ҳунар мактабларининг дипломлари олий ўқув юртларига кириш учун ҳуқуқ бермайди. Бунинг учун 1 йиллик тайёрлов курсларини тугатиш талаб этилади. Ўқишга қабул қилиш имтиҳонсиз мактаб таълими тўғрисидаги ҳужжатга асосан амалга оширилади.


Олий мактаб ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқига эга. Олий ўқув юртини штатдаги ректор ёки бир неча йилга сайланган Президент бошқаради. Ўз-ўзини бошқаришда вазифалари аниқ тақсимлаб берилган бир неча гуруҳлар босқичма-босқич иштироки тамойилига амал қилинади. Унинг таркибига профессор-ўқитувчилар, ўқитувчилар, илмий ходимлар ва бошқа ходимлар киради. Талабалар ўқиши эркин ташкил этилган. Кўп сонли ўқув босқичлари билан бирга ўқув режалари таклиф этилади. Ўқишга ҳақ тўланмайди. Агар талаба ёки уларнинг ота-оналари озик-овқат харажатларини кўтара олмаса ўқиш учун молиявий ёрдам кўрсатиш тўғрисидага федерал қонунга кўра улар молиявий ёрдам оладилар. Бу ёрдамнинг ярми стипендияга кўшиб берилса иккинчи ярми қарз тариқасида берилади.

Мамлакатда таълимни ислоҳ қилиш масаласи кўпдан буён муҳокама қилинмоқда, бунда ўқув жараёнини қисқартириш таклиф қилинмоқда.

Ҳозир университетларда талабалар 7 йил ўқийди. Улар ўқишга кирганларига қадар корхоналарда бир неча йил ишлашлари ёки хизмат қилишни ҳисобга олсак талабалар ҳақиқий меҳнат фаолиятларини анча кеч бошлаётганлигини тушунамиз.

Шуни таъкидлаш лозимки Германия таълими ўзига хос йўналишга жуда мураккаб тизимга эга.

### Корея таълим тизими



6-расм

Кореядаги барча талабаларнинг 6,5фоизи бўлажак педагоглардир. Мамлакатда 11та ўқитувчилар коллежлари мавжуд. Ҳар бир провинция ўз коллежига эга. Бошланғич синф ўқитувчиси бўлиш учун 2 йил ўқиш керак

1982 – йилда мактабгача тарбия ҳақида қонун қабул қилинди ва 80%га кенгайди.



### Хитой таълим тизими




7-расм

### Туркия таълими тизими

Туркия Республикасида мактабданташқари таълими икки манба орқали берилади. Улардан бири мактаб бўлса, иккинчиси устоз-шогирдлик йўналишидир. Уларнинг соҳалар бўйича дастурлари қуйидагилар:

умумий таълим дастурлари;



8-расм

## Норвегия таълим тизими



9-расм

## Дания таълим тизими



10-расм

Дания таълим тизимининг илк бўғини болалар боғчалари 6 ёшдан болалар учун 9 йиллик мажбурий таълим жорий этилган.

Бошланғич мактабларда ўқиш муддати 7 йил, кичик ўрта (реал) мактабларда 3йил, юқори ўрта мактаб (гимназия)ларда 3йил, ҳунар-техника билимюртларида 1-3 йил. 5 та университет, 3 техника университети, 20 га яқин институт ва коллежларда олиймаълумот берилади. Йирик олий ўқувюртлари: Копенгаген (1479 йилда асос солинган) ва Орхус (1928 йилда асос солинган) университетлари, Дания муҳандислик академияси, Копенгаген техника университети.

### 1.3. Модулли таълимнинг аҳамияти ва моҳияти

Бугунги кунда талаба шахсининг барча имкониятларини юзага чиқариш учун албатта таълим шахсга йўналтирилган бўлиши талаб этилади. Бунинг учун таълимни ташкил этиш жараёнида талабанинг қобилиятлари, эҳтиёжлари ва ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиш лозим. Ана шу унсурлар ҳисобга олинган тақдирда, ўз-ўзидан табақалаштирилган, ривожлантирувчи, ўқишга бўлган мотивларни кучайтирувчи “субъект-субъект” концепциясига асосланган таълим тизими келиб чиқади.

Анъанавий таълим тизимида чуқур ўрнашиб қолган педагогик парадигмалардан бири бу “субъект-объект” муносабатларидир. Бу ёндашув немис педагоги И.Ф.Гербард томонидан (1776-1841йиллар) киритилган. Бундай ёндашувда педагог субъект ролини бажаради ва қандай ўқитиш, қандай талабаларни ишлаб чиқиш, талабалар жамоасини қай йўналишда ривожлантиришни фақат ўз ёндашуви асосида ҳал этади. Талабалар эса, пассив ҳолда объект ролини бажарадилар. Талабаларнинг асосий фаолияти эслаб қолиш, тушуниш, қўллашга ўрганиш ҳисобланади. Бу парадигмага қарши ғояни америкалик педагог Д. Дьюи ишлаб (1859-1952 ) чиқади. Унинг фикрича, нимани ва қандай ўқиш лозим, деган саволларга жавоб топишда талабага ҳам эркинлик бериш ва унинг ҳошишларини ҳисобга олиш лозим. Токи талаба ўз фаолиятини, ўз тақдирини, ўз ҳаётини мустақил бошқаришга фаол киришсин. Бу концепция “субъект-субъект” муносабатлари сифатида тан олинди ва кўпгина ривожланган давлатлар таълим тизимида ўз ўрнига эга.

*Биз яшаётган давр қизиқ. Ўтган 20 йиллик давр жадал имкониятлар кенгайганликка гувоҳ бўлди талабаларга ва ўқитувчиларга халқаро олий таълим тажрибасида иштирок этиш имкониятини берди. Бугунги кунда, глобаллашув таъсири рад қилиб бўлмайдиган далил барча олий*



таълим соҳаларида, булар миллий иқтисодий ва сиёсий стратегиялар институтлар талабалари учун индивидуал таълим лойиҳалар бўйича ўқув марказларида яққол намоён бўлмоқда. Инглиз тилида гарлашадиган мамлакатлар, зерикарли маҳаллий ўқитиш ўрнига халқаро таълимни ривожлантириш учун ўқитувчи ва талабалар учун халқаро маданий ва ижтимоий имкониятларини киритишдан мамнун бўлишди.<sup>2</sup>

Модулли технологиялар мустақил фаолият асосида талабаларда билим, кўникмаларни шакллантириш, уларда режалаштириш, ўз-ўзини бошқариш ва назорат қилиш, ўзлаштириш бўйича самарали натижани таъминлашга қаратилган энг самарали ёндашувлардан бири бўлиб қолмоқда. Модуль бу шундай мақсадга йўналтирилган боғламки, у ўзида ўрганиладиган мазмунни ва уни ўзлаштириш технологиясини акс эттиради.

“Модулли таълим” тушунчаси 1971 йилларда Дж. Рассел томонидан киритилди. Рассел модулни ўқув пакети сифатида талқин этади ва унга ўқув материалининг концептуал бирлигини ўрганишга оид ҳаракатларни киратади. Б.М. Гольдшмид – модулни талабага маълум кўзланган натижага етишга ёрдам берувчи мустақил бирлик сифатида талқин этади (1972 й).

Г. Оуэнс модулни ёпиқ комплекс сифатида талқин этади ва бу комплексга ўқитувчи, ўқувчи, ўрганиладиган ахборот материали, воситаларни киритади. (1975 й).

Замонавий тадқиқотчилардан бири П.А. Юцявичене модулни маълум даражадаги мустақил ахборотдан ҳамда мақсадли равишдаги методик бошқарув асосида мақсад қилиб қўйилган натижаларни таъминлашга қаратилган бирлик сифатида таҳлил этади.

Н.В. Борисова, В.М. К.Я. Вазина, Гареев, Е.М. Дурко, В.В. Карпов, М.Н. Катханов, С.И. Куликов, П. Юцявичене ва бошқа олимларнинг фикрларини ўрганиш натижасида қуйидаги кўринишлардаги модулларни ажаратиш мумкин:

- мустақил концептуал кичик бирлик;
- модуль мустақил бирлик сифатида бир ўқув курсини ўз ичига олиб, бир неча блокларни ўзида мужассам этади;
- модуль маълум мутахассисликка тегишли бўлган бир қанча ўқув предметларни ўзида мужассамлаштирувчи фанлараро бирлик бўла олади;

<sup>2</sup>Meeri Hellstén • Anna Reid Editors “Researching International Pedagogies” Australia 2008

- аниқ бир мутахассисликни эгаллашга йўналтирилган касбий таълим модули.

**Модулли технологиялар** - энг замонавий технология бўлиб, модуль блокларидан ташкил топган ахборотни тизимли равишда қайта ишлаш ва таҳлил қилишга, талабанинг мустақил фаолиятига асосланган яхлит жараён.

**Модуль** - мазмуний ва мантиқий яқунга эга бўлган, дидактик жиҳатдан ишлаб чиқилган, натижага қаратилган, кириш ва чиқиш назоратларидан иборат бўлган бирликдир.

**Модуль дастур**- бир фан доирасидаги модуль блокларининг йиғиндиси бўлиб, эришиш лозим бўлган дидактик мақсад, қўлланиладиган усуллар ва воситалар йиғиндиси.

**Ўқув модули** – нисбатан мустақил, мантиқий яқунга эга бўлган ўқув курсининг бўлагидир. У ўқув-методик таъминотдан, назарий ва амалий қисмлардан, топшириқ ва жорий ҳамда яқуний назорат каби қисмлардан иборат.

**Модулли ўқитиш** - ўқитишнинг истиқболли тизимларидан бири ҳисобланади, чунки у таълим олувчиларнинг билим имкониятларини ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш тизимига энг яхши мослашгандир.

Анъанавий таълимда ўқув мақсадлари педагог фаолияти орқали ифодаланган яъни билим беришга йўналтирилган бўлса, модулли ўқитишда таълим олувчилар фаолияти орқали ифодаланиб, касбий фаолиятга йўналтирилган бўлади.

Модулли ўқитиш технологиясининг анъанавий ўқитишдан фаркли хусусиятларини қуйидаги жадвалда келтирдик.

<b>Анъанавий ўқитиш технологиясига асосланган</b>	<b>Модулли ўқитиш технологиясига асосланган</b>
<p>Бир томонга йўналтирилган ахборот.</p> <p>Бир томонлама мулоқот (дарслик→ ўқитувчи→ўқувчи)</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Ахборот олиш</li> <li>• Хотирада сақлаш</li> </ul> <p>Маъносини тушунмаган ҳолда механик тарзда ёдлаш.</p>	<p>Фикрлаш ва амалий фаолият орқали таҳсил олишда фаол иштирок этишни рағбатлантириш.</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Икки томонлама мулоқот</li> <li>• Таҳлил қилиш орқали маълумотни эслаб қолиш</li> <li>• Билим ва кўникмаларни намойиш этиш</li> <li>• Мазмунни тушуниш ва ҳаётга боғлаш.</li> </ul>

Ушбу жадвалнинг таҳлили шуни кўрсатадики, модулли технологияга асосланган таълим анъанавий таълимдан ўқитиш усуллари ва воситалари уни ташкил этиш ва натижалари билан сезиларли фарқ қилади.

Модулли ўқитиш таълимнинг қуйидаги замонавий масалаларини ҳар томонлама ечиш имкониятини яратади.

Модул – фаолиятлик асосида ўқитиш мазмунини оптималлаш ва тизимлаш дастурларни ўзгарувчанлиги, мослашувчанлигини таъминлайди;

- ўқитишни индивидуаллаштириш;
- амалий фаолиятга ўргатиш ва кузатиладиган характерларни баҳолаш даражасида ўқитиш самарадорлигини назорат қилиш;
- касбга қизиқтириш асосида фаоллаштириш мустақиллик ва ўқитиш имкониятларини тўла рўёбга чиқариш.

Модулли ўқитиш самарадорлиги қуйидаги омилларга боғлиқ:

- таълим муассасасининг моддий-техник базаси;
- малакали профессор-ўқитувчилар таркиби даражаси;
- талабалар тайёргарлиги даражасига;
- кутиладиган натижалар баҳосига;
- дидактик материалларнинг ишлаб чиқилишига;
- модулар натижаси ва таҳлилига.

**Модулли ўқитишда** ўқув дастурларини тўла қисқартирилган ва чуқурлаштирилган табақалаш орқали босқичма-босқич ўқитиш имконияти яратилади. Яъни ўқитишни индивидуаллаштириш мумкин бўлади. Модулли ўқитишга ўтишда қуйидаги мақсадлар кўзланади:

- ўқитишнинг узлуксизлигини таъминлаш;
- ўқитишни индивидуаллаштириш;
- ўқув материални мустақил ўзлаштириш учун етарли шароит яратиш;
- ўқитишни жадаллаштириш;
- фанни самарали ўзлаштиришга эришиш.

Модулли ўқитиш фаннинг асосий масалалари бўйича умумлаштирилган маълумотлар берувчи муаммоли ва йўриқли маърузалар ўқилишини тақозо этади. Маърузалар талабаларнинг ижодий қобилиятини ривожлантиришга қаратилмоғи лозим.

Модул амалий ва лаборатория машғулотлари маърузалар билан бирга тузилиши, улар маърузалар мазмунини ўрганиладиган янги материал билан тўлдирилиши керак.

**Модулни ўқитишнинг самарадорлигини оширишга эришиш учун ўқитишнинг қуйидаги усуллари қўллаш мумкин:**

- муаммоли мулоқотлар;
- эвристик суҳбатлар;
- ўқув ўйинлар;
- лойиҳалаш ва йўналтирувчи матнлар ва ҳоказо.

Ўқитишнинг модул тизими мазмунидан унинг қуйидаги афзалликлари аниқланди:

-фанлар ва фанлар ичидаги модуллар орасидаги ўқитиш узлуксизлигини таъминланиши;

-ҳар бир модул ичида ва улар орасида ўқув жараёнини барча турларининг методик жиҳатдан асосланган мувофиқлигини ўрнатилиши;

-фаннинг модулли тузилиш таркибининг мосланувчанлиги;

-талабалар ўзлаштириши мунтазам ва самарали назорат (ҳар қайси модулдан сўнг) қилиниши;

-талабаларнинг зудлик билан қобилиятига кўра табақаланиши (дастлабки модуллардан сўнг ўқитувчи айрим талабаларга фанни индивидуллаштиришни тавсия этиши мумкин);

-ахборотни “сиқиб” бериш натижасида ўқитишни жадаллаштириш аудитория соатларидан самарали фойдаланиш ва ўқув вақти таркибини маърузавий амалий (тажрибавий) машғулотлар индивидуал ва мустақил ишлар учун ажратилган соатларни – оптималлаштириш.

Бунинг натижасида талабаётарли билимларга кўникмага эга бўлади.

#### **1.4. Модулли-кредит тизими**

##### **Модулли -кредит тизимнинг аҳамияти ва моҳияти**

XX асрнинг иккинчи ярмида илмий-техник тараққиёт ўзининг юксак чўққиларига эришди. Илмий техник тараққиётининг (ИТТ) ҳозирги даражаси шундайки фан техника ва технология ривожининг эришилган суръатларини мамлакат қай даражада ривожланган бўлмасин алоҳида олинган мамлакатда уни таъминлаб бўлмайди. ИТТ кейинги ривож фақат турли мамлакатлардаги олим ва мутахассисларнинг ҳамкорлиги илмий-тадқиқот ишларнинг интеграцияси натижасида амалга оширилиши мумкин. Фан техника ва технологиянинг тараққиёти таълим тараққиёти даражаси билан чамбарчас боғлиқлигини эътиборга оладиган бўлсак таълим соҳасидаги халқаро интеграциянинг устуворлиги яққол муаммога айланиб қолади.

Бу кредит технологияни яратилишини ва қўлланишининг долзарблигини белгилайди. Чунки таълим соҳасидаги халқаро

интеграллашуви энг аввало ўқув жараёнини кредит технологияси асосида ташкил этишига таянади.

Таълим соҳасидаги интеграцион жараёнлар илк бор Европада бошланган эди. 1989 йилда Европанинг минглаб талабалари Европа ҳамжамиятининг ERASMUS (European Community Action Scheme for mobility of University students) TEMPUS ва бошқа дастурлари асосида чет элларда таҳсил олиш имкониятига эга бўладилар.

ERASMUS дастури бўйича Европа ҳамжамияти университетлари ўртасидаги талабалар алмашинуви схемаси даставвал 145 олий ўқув юртларини қамраб олган эди.

ERASMUS дастурининг ютуқларидан бири бу Европа университетларидаги ўқитиш натижаларини ўзаро тан олиш тизими – (бу) (European Credit Transfer System (ECTS) ни яратиш синаш ва амалиётга кенг қўллаш деб айтиш лозим.

2001 йилда ўқув жараёнини ташкил этишнинг кредит технологияси ECTS Европанинг 1200 та университетларида аллақачон қўлланилган эди.

2001 йилда 29 та Европа давлатлари таълим вазирлари томонидан Болонья декларациясининг имзоланиши Европа таълим ҳудудини яратилишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Болонья декларациясига кўра дипломларнинг ўзаро тан олиниши, яъни ўқитиш натижаларини якуний кўрсаткичларнинг ўзаро тан олиниш муддати – 2010 йил деб белгиланган эди.

Болонья декларациясига кириш учун қуйидаги дастлабки талаблар қўйилади:

- олий ўқув юртигача 12 йиллик таълим;
- икки босқичли олий таълим-бакалаврият ва магистратура;
- ўқув жараёни ва ўқитиш натижаларини баҳолаш ECTS кредит технологияси асосида ташкил этилиши.

“Кредит” атамаси (ECTS- credit) – синовдан ўтди, маълум бир курсни ўқув юртида ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома маъносини англатади.

Creditда “Кредит – шартли синов бирлиги бўлиб, талабанинг ўқув фанининг маълум бир қисмини ўтганлиги ҳақидаги маълумот беради. Ҳар бир ўқув фанига маълум миқдордаги кредит бирликлари ажратилади. Кредит бирликлари сони талабаларнинг меҳнат сарфига мос ҳолда белгиланади.

**ECTS кредитлари- бу ягона Европа таълим ҳудудини яратишнинг (ибтидосидир) бошланишидир.**

Талабанинг меҳнат сарфи – аудитория машғулоти мустақил ишлар ва ўқув режасида кўзда тутилган бошқа фаолиятларини ўз ичига олади. Яъни ECTS кредитлари фақат аудитория соатлари билан чегараланмасдан талабаларнинг тўла юкласига таянади. Шунинг учун ECTS кредитларини талаба меҳнат сарфининг ўқув фанлари бўйича шартлисонли ифодаси деб ҳисоблаш мумкин.

Одатда ўқув режасидаги фанларга ажратиладиган кредитлар сони 3 га тенг ундан кўп ва кам сонли фанлар ҳам мавжуд.

ECTSда кредитлар йиғиндиси семестрда – 30 ўқув йилида – 60 бакалавриятдаги ўқув даврида – 240 ни ташкил этади.

ECTS кредитлари барча ўқув фанларига яъни мажбурий ва талаба танлови асосида фанларга тақсимланади. Улар мазкур фан бўйича курс лойиҳалари ва ишларининг мавжудлигини ҳисобга олишлари зарур.

Ўқув фанига ажратиладиган кредитлар миқдори, фаннинг мураккаблигига ва ўзлаштириш боғлиқ бўлади. Яъни ҳар қандай мураккаб фан ҳам катта миқдордаги кредитларга эга бўла олмайди.

Агар мураккаб фан билиш ва тушуниш даражасида ўзлаштирилмаган бўлса, кам мураккабли ўқув фани малака даражасида ўзлаштирилса табиийки охиригисига кўпроқ кредитлар ажратилади. Шунинг учун турли таълим йўналишлари ва мутахассисликлари учун, бир фаннинг ўзи турли ўқув дастурларига ва унга мувофиқ турли меҳнат сарфи ва кредитларга эга бўлиши мумкин.

Кўриниб турганидек бизнинг мамлакатимизда биринчи ва иккинчи талаблар бажарилган. Энди навбат учинчи талабни бажаришда – яъни ўқув жараёнини кредит технологияси асосида ташкил этиш.

***Ушбу технология асосида ўқув жараёнини ташкил этишдан мақсад нимадан иборат?***

Ўқув жараёнини ташкил этишнинг ECTS кредит технологиясига ўтишда қуйидаги мақсадлар кўзланади:

-хорижда ўқишни давом эттириш учун олий юртини танлашда шарт-шароит яратиш;

-Ўзбекистонда таълим олган муддатини хорижий давлатларда тан олинишини таъминлаш;

-Европа олий ўқув юртлари ўқув режаларини ўрганиш ва шу асосида ўқув жараёнини такомиллаштириш;

-талабалар қобилиятини тўлароқ очилишига ва ўқитишнинг юқори натижаларига эришиш.



## ECTSнинг асосий тамойиллари

**1. *Transferancy***- бу ECTS тизимига хоҳлаган шахс ёки ташкилотнинг тўсиқсиз киришига шарт-шароит яратиш. Ушбу шарт-шароит кучли ахборот тарғиботи воситасида яратилади, унинг натижасида умумий янгилик, аниқлик ва очиклик муҳити шакллантирилади.

Ахборот тарғиботи қуйидагиларни ўз ичига олади:

- алмашиш схемасига киритилган талабаларнинг ўқиш натижалари ҳақида бир-бирига ўз вақтида ахборот етказиб туриш;

- олий ўқув юртларининг ўз ахборот пакетлари билан мунтазам алмашиб туришлари, таълим хизматлари доирасида бир-бирини имкониятларини ўрганиш;

- олий ўқув юртларида, ECTS ҳақида тўла маълумотларнинг мавжудлиги.

**2. *Agreement*** – талаба билан иккала олий таълим муассасасининг ECTS координаторлари орасида тайёрлаш мазмуни, ўқув тартиби ва муддатлари, аттестация тadbирлари, ўқув режаларидаги фарыни бартараф этиш тартиблари ҳақида ўзаро келишувларини англатади.

**3. *Credits*** – Host университетда (қабул қиладиган университет) муваффақиятли ўтилган барча фанлар Post – университетда ( талабани бошқа ОТМга жўнатган университет) ҳисобга олиниши зарур.

**4. *Таълимнинг инсонпарварлашуви*** – бу шахснинг турли таълим хизматларига бўлган эҳтиёжини қондириши ва таълим жараёнида инсон қобиятининг очилишини англатади. ECTS таълимни давом эттириш учун олий таълим муассасасини, ўқув фанларини ва ўқитувчиларни танлиш имкониятини беради.

**5. *Таълимнинг индивидуаллаштируви*** – бу ҳар бир талабанинг индивидуал режа ва таълим дастурларига эга эканлигини ифода этади. Талаба танлови асосидаги фанлар 70%ни, мажбурий фанлар эса 30% дан ошмайди. Талабанинг мустақил иш ҳажми 70%ни, аудиториядаги иши эса 30%ни ташкил этади. Ушбу кўрсаткичлар индивидуал таълимни ташкил қилишга асос бўлиб хизмат қиладди.

**6. *Таълимнинг самарадорлиги*** – гуруҳда индивидуал ўқитишли аудитория машғулотлари ва талабанинг мустақил ишларини уйғунлаштириш орқали таъминланади. Аудитория ўқув вақтининг 70% гача қисмини индивидуал ўқитишга, шунингдек умумий ўқув вақтининг 70%гача қисмини мустақил ишга ажратилиши ўқув фанларининг талабалар томонидан ўз қобилиятлари даражасида ўзлаштиришга имкон яратади. Ушбу билан таълимнинг самарадорлиги таъминланади.



♣ *ECTS тамойиллари – шахснинг ўз қобилиятини тўла ривожланиши ва рўёбга чиқариши ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш зарурийлигини кўзда тутади.*

### **ECTSнинг хусусиятлари.**

Замонавий ўқитиш технологияси, олий таълим муасасасининг жиҳозланганлиги, профессор-ўқитувчилар таркиби фақат даражали, юқори малакали кадрлардан иборат бўлиши, ўқитишнинг юқори сифатлари – ECTS учун дастлабки зарурий талаблар ҳисобланади. Ўқув жараёнини ташкил этишнинг ушбу тизими, қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга.

*Ўқув режаси бўйича:*

Барча ўқув фанлари икки гуруҳга бўлинади – мажбурий ва талаба танлови асосидаги фанлар. Бу нисбатан тахминан 1:2 га тенг қабул қилинади;

Ҳар бир талаба шахсий ўқув режасига эга бўлади.

Асосий ҳужжат транскрипт (transcript of records) у хусусиятнинг унификациялашган ҳужжат бўлиб, ягона шаклда тузилади, ўқитиш натижаларини тан олиш учун мажбурий ҳужжат ҳисобланади. Транскриптда, талабанинг мазкур давлатда қабул қилинган баҳолаш тизимида ҳам, хусусиятли тизими бўйича ҳам олган баҳолари, олинган хусусиятли кредитлари бўйича маълумотлар келтирилади:

- Ҳар бир семестрда ўрганиладиган фанларнинг сони 3...5та бўлиши;
- Мустақил ишга ажратилган соатлар, аудитория соатларидан кўп бўлиши;
- Кредит ўзида талабаларнинг ўқув фанини ўзлаштириш учун зарур бўлган барча меҳнат сарфларини мужассамлаштиради. Ўқув фани учун ажратиладиган кредитлар сони, аксарият ҳолларда 3 га тенг бўлади.

♣ *Ўқув фани дастурининг мазмуни (syllabus) қуйидагиларни ўз ичига олади:*

- ✓ ўқув фанининг тўлиқ номланиши ва унинг ўқув режасидаги тартиб рақами;
- ✓ ўқув фанини ўрганиш мақсади;
- ✓ ўқув фанининг қисқача мазмуни;
- ✓ тақвимий режа, машғулотлар жадвали билан;
- ✓ ўқитиш технологияси;
- ✓ талабанинг масъулияти ва унга қўйилган талаблар;
- ✓ талабалар билимини баҳолаш тартиби ва мезонлари;
- ✓ асосий ва қўшимча адабиётлар рўйхати.

✦ *Ўқитувчининг ўқув юкларини ҳисоблашда:*

Умумий меҳнат сарфи миқдори (аудитория ва мустақил иш соатлари) бир ўқув йилида 750-800 соатни ташкил этиши – эътиборга олинади.

✦ *Ўқитиш жараёнининг асосини:*

✓ шахсга йўналтирилган ўқитиш технологиялари;  
 ✓ талабанинг мустақил ишида, ўқитувчи маслаҳатчи сифатида иштирок этади;

✓ талаба ўқув фанини ва ўқитувчини танлаш ҳуқуқига эга.

✦ *Ҳар бир талабага ахборот пакети* берилади. У қуйидагиларни ўз ичига олади.

- Олий таълим муассасаси ҳақида маълумот;

- Ўқув режаси;

- Ўқув жараёнининг графиги;

- Ўқув фанларининг мазмуни;

- Олий таълим муассасида қабул қилинган таълим тизимининг методик хусусиятлари ҳақида маълумотлар:

- талабалар билимини баҳолаш тизими ва баҳолар шкаласи ҳақида маълумотлар;

- ижтимоий-маиший шарт-шароитларга тегишли маълумотлар;

- тарихий ва маданий соҳага оид маълумотлар;

- кўшимча таълим хизматлари тўғрисида маълумотлар

✦ *ECTS – олий мактабда ўқув жараёнини ташкил этишининг демократик тизимининг намунасидир.*

***Кредитларни тақсимлаш ва ECTS ўқув режаларига ўтиш методикаси.***

*Кўп ходимлар муаммоларни топшида бир кредит даражаси идентификаторлари муаммосини топши деб ҳисоблайди. Кредит агентликлари маълумотига кўра Буюк Британия олий таълим соҳасида кучли натижалар бор. Масалан Жанубий Англия консорциуми кредит даражаси ва узатиш идентификаторлари устида қатор тавсиялар тақдим этди. (ECTS 2001) Бу идентификаторлар тўрт ном остида гуруҳланган:*

*1.Билим ва ақл ишланмаси (мавзу ўзига хос),*

*2.Билим/ интеллектуал (универсал),*

*3.Асосий кўникмалар (универсал),*

*4.Кўникмалар(махсус мавзу узатилади).*

1) Кредит даражаси ёзувчилари восита сифатида фойдаланишлари мумкин ҳамда ҳар бир фанлар йўналишлари талаб даражасини, мураккаблигини, тадқиқот чуқурлигини ҳамда талаба автономияси даражасини текшириш мумкин.

Ўқув режасини лойиҳалаш ва ишлаб чиқиш етказилган тавсиялар “универсал” ҳолда тақдим қилинган, фикрларга кўра булар дисциплин ва контекстга кўра таржима қилинади. Алоҳида ишчилар универсал кредит даражаси ёзувчиларини таржима қилишини кутиш ноодатий ҳолат. Бу курс командаси орқали амалга оширилиши кутилган натижа. Ўқув фаолияти натижаларини кредит даражаси ёзувчиларига қариш мавжуд картага киритилиши амалга оширишнинг тартибига киради.

Кредит даражалари тадқиқот программалари рамкаларига киради ва ўқув режа ишлаб чиқишида ва лойиҳалаштиришида контекстда ишлатилади. Британия агентлиги ва олий таълимчун сифат кафолати Англия, УЭЛБС ва Шимолий Ирландия учун олий таълимни классификациялаш структурасини тақдим қилади.

2. Гувоҳномаликдан докторлик даражасигача классификациянинг бешта тартиб структураси бор. Бу структура кетма-кетликни кафолатлаш учун ишлаб чиқилган. Бу структурага тааллуқли калит тушунчалар: биринчидан ўқувчиларга ўз потенциал йўналиш прогрессиясини аниқлашга ёрдам бериш, иккинчидан олий таълим муассасаларида стандартларни баҳолашда ташқи ревизорлар ва тақризчиларга ёрдам бериш учун<sup>3</sup>.

Давлат таълим стандартларига таяниб тузилган ўқув режаси, ўқув жараёнини ташкил этишнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Ушбу меъёрий ҳужжатлар асосида ўқув фаолияти турлари бўйича меҳнат сарфлари аниқланади. Ўқув фаолияти турлари бўйича меҳнат сарфларини ҳисоблаш намунаси 21.1.-жадвалда келтирилган.

Кредитларни ҳисоблаш ва уларни ўқув фаолиятлари турлари, блоклар ва алоҳида фанлар бўйича тақсимлашда ўтиш коэффицентини аниқлаш зарур

( $K_{ym}$ ).

$$K_{ym} = 240 : 8262 - 0,029$$

Бу ерда: 240 – бакалавриятнинг ECTS бўйича умумий меҳнат сарфлари йиғиндиси, соат. Кредитлар сони меҳнат сарфини ўтиш коэффицентига (0,029) кўпайтириб топилади.

Ўқув фаолияти турлари, блоклар ва алоҳида ўқув фанлари бўйича кредитларни ҳисоблаш намуналари 2,1,2,2 ва 2,3 жадвалларда келтирилган.

<sup>3</sup> A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter V: Lecturing to large groups, Ann Morton, 46-47 p.

**Ўқув фаолияти турлари бўйича кредитлар тақсимоти намунаси**

*1-жадвал*

№	ДТС асосида ўқув фаолиятининг номи	Ҳафтала р сони	Аудитория соатлари	Умумий ўқув юкламаси	Кредит
1	Назарий ва амалий таълим	136	[136·36]	136·54=7344	7344·0,029=213
2	Малакавий амалиёт	12	432	648	19
3.	Ишлаб чиқариш амалиёти	4	4·6·6=144	4·6·9=126	6
4.	Педагогик амалиёт	8	288	432	13
5.	Битирув иши	5	5·36=180	5·54=270	8
6.	Аттестация	19			
7.	Таътил	32			
<b>Жами:</b>		<b>204</b>	<b>5508</b>	<b>8262</b>	<b>240</b>

✎ *Жадвалдаги маълумотларни ҳисоблашда ҳафталик аудитория ўқув юкламаси - 36 соат, талабаларнинг меъерий ҳафталик меҳнат сарфи – 54 соат қабул қилинган.*

✎ *Замонавий ўқув режаси бўйича, ECTS бир кредитнинг тахминий қиймати талабанинг 34,4 соат меҳнат сарфига тенгдир.*

**Фанлар блоклари бўйича кредитларни тақсимоти назарияси**

*2-жадвал*

№	Фанлар блокларининг номланиши	Аудитория соатлари	Умумий ўқув юкламаси	Кредит
1	Умумгуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар	1214(≈25%)	1726	50
2	Математик ва табиий-илмий фанлар	846(25%га)	1292	37
3	Умумкасб фанлари	2034(50%га)	3682	89
4	Ихтисослик фанлар	468(≈10%)	794	23

<b>5</b>	Кўшимча фанлар	334(≈5%)	450	14
<b>6</b>	Малакавий амалиёт	4326	6489	19
<b>7</b>	Битирув иши	180	270	8
<b>Жами:</b>		<b>5508</b>	<b>8262</b>	<b>240</b>

**Ўқув фанлари бўйича кредитлар тақсимои намунаси**

№	Фаннинг номи	Меҳнат сарфи (соат)	Ҳисоб бўйича кредит	Кредит
<i>I курс: Кузги семестр</i>				
<b>1</b>	Ўзбекистон тарихи	110·0,29	3,2	3
<b>2</b>	Иқтисодиёт назарияси	85·0,29	2,5	3
<b>3</b>	Ўзбек (рус) тили	55	1,6	2
<b>4</b>	Чет тили	43	1,3	1
<b>5</b>	Жисмоний маданият	58	1,7	2
<b>6</b>	Информатика	110	3,2	3
<b>7</b>	Иқтисодий география	80	2,3	2
<b>8</b>	Иқтисодий таълимотлар тарихи	86	2,5	3
<b>9</b>	Иқтисод учун математика	110	3,2	3
<b>10</b>	Ёш даврлар физиологияси ва гигиенаси	54	1,6	2
<b>11</b>	Талаба танлови фанлари	182	5,3	5
<b>Жами:</b>		<b>972</b>	<b>28,4</b>	<b>29</b>

**Кредит технологияси бўйича талабалар билимини баҳолаш методикаси**

*3- жадвал*

<b>I курс: баҳорги семестр</b>				
<b>1.</b>	Ҳуқуқшунослик	55	1,6	2
<b>2.</b>	Ўз.Р.Конституцияси	55	1,6	2
<b>3.</b>	Иқтисодиёт назарияси	98/98	2,8	3
<b>4.</b>	Ўзбек (рус) тили	55	1,6	2
<b>5.</b>	Чет тили	43	1,3	1
<b>6.</b>	Жисмоний маданият	57	1,7	2
<b>7.</b>	Информацион технологиялар ва тизимлар	108	3,2	3
<b>8.</b>	Иқтисодчилар учун	110	3,2	3

	математика			
9.	Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика	110	1,8	3
10.	Иқтисодий география ва экология	60	2,4	2
11.	Замонавий табиий фанлар концепцияси	82	2,9	2
12.	Иқтисодчилар учун инфор­мацион технологиялар	97	4,3	3
13.	Психология	150	3,2	4
14.	Талаба танлови фанлари	110	31,6	3
<b>Жами:</b>		1080	60	31
<b>Ҳаммаси:</b>		202	60	60

Ўқув жараёни кредит технологияси асосида ташкил этилганида, аксарият ҳолларда 4 балли баҳо­лар шкаласини қўллаб, 100 фоиз баҳолаш тизими ишлатилади.

Масалан: А-4 б; В-3,5 б; С-3 б; D -2,5; Е-2 б; F- 1,5 б;F-1 б.

100 фоизли баҳолаш тизими қуйидагича тақсимланиши мумкин: машғулотлар­ша қатнашиши – 5%, жорий тестлаш – 30%, одатда 3 марта 10% дан; мустақил ишларни бажариш – 15%, ўртача 3 марта 5% дан; лаборатория ишларини бажариш – 10%, курс лойиҳаси (иши)ни бажариш - 10%; якуний имтиҳон -30%.

4-жадвалда келтирилган баҳо­лар мезонларидан 10 фоизли баҳолаш тизимида қўлланилганида фойдаланиш мумкин.

#### Баҳолаш мезонлари

#### 4- жадвал

Баҳо­лар таърифи	Шартли белгиси	Ўзлаштириш %	Баҳолаш мезони	Тайёргарлик даражаси
Аъло	А	90-100	Билимларни умумлаштиради ва баҳолайди, таҳлил этади,тушунади, билади	4-даража ижод даражаси
Жуда яхши	В	80-90 таҳлили	Таҳлил этади,қўлла­йди, тушунади, билади	3-даражаси кўникма,малака ва даражаси (автоматик)

Яхши	C	70-80 қўллаш	Қўллайди, тушуна ди, билади	3-даражаси қўникма ва малака даражаси
Қониқарли	D	тушуниш	Тушунади, билади	2-даража қайта тиклаш даражаси
Етарли	E	50-60 билиш	Билади	1-даражаси тасаввур этиш даражаси
Етарли эмас, қўшимча яна ишлаш талаб қилинади	FY	40-50	Ёмон билади	0-даражаси ёмон тасаввур этади
Етарли эмас, қўшимча яна жуда ҳам қўп ишлаш талаб қилинади	F	40 кам	Умуман билмайди	0-даражаси умуман тасаввур этмайди

Ўқув фани материалнинг 90-100% ўзлаштириши “аъло” баҳога тўғри келади. Бу тайёргарликни 4-даражасига тенглаштирилади ва “ижод даражаси” деб белгилайди.

Ўқув фани дастури камида 50% ўзлаштирилганида “етарли” баҳоси қўйилади, бу ўзлаштиришнинг тасаввур даражаси” деб белгиланади. Ўқув фанининг 40%дан кам ўзлаштириши, тайёргарликнинг 0-даражаси, яъни “умуман тасаввур этмайди” деб ҳисобланади.

### **1.5. Замонавий таълим шакллари:blended learning (аралаш ўқитиш),масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар, эвристик методлар**

“Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” мақсад ва вазифалари босқичма – босқич рўёбга чиқарилишида замонавий ахборот технологиялари ва тизимларнинг роли муҳим аҳамият касб этиши ҳаммага аён дидир. Замонавий ахборот



технологияларига: мультимедиа бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш бир алифбодан иккинчи бир алифбога ўтказиш компютерли тест назорати сканер технологияси интернет электрон почта Web – технология электрон виртуал кутубхона масофадан туриб таълим бериш тақдим этиш технологияси сунъий тафаккур тизимлари ва бошқалар киради.

Кейинги вақтларда модулли таълим тизимида мажмуавий ёндашув тамойили кучайиб бормоқда. Унда турли шакл, усуллар мослаштирилган ҳолда жойлаштирилмоқда. Бугунги кунда аралаш таълим инновация сифатида кириб келмоқда.

Деклан Берн «**blended learning**» (аралаш таълим) ҳақида шундай дейди –“ушбу таълим бой педагогик тажрибадан самарали фойдаланишга қаратилган”. Бундай ёндашув ахборотни тақдим этишда турли услубиётлардан фойдаланишни, таълимни ташкил этишда ва таълим жараёнида ахборот технологиялари, яқка тарзда ва гуруҳларда анъанавий фаолиятни ташкил этишга асосланиши мумкин. Бундай турлича ёндашув талабани чарчатмайди ва ўқишга бўлган мотивларини кучайтиради. Асосий масала - танланган услубиётларнинг ўзаро мутаносиблигини таъминлаш ва кам ҳаражат асосида юқори самарадорликка эришиш ҳисобланади.

Аралаш таълим кўпроқ тренингларни ташкил этишни талаб этади. Тренингларни ташкил этишда қуйидаги босқичларга эътибор қаратиш лозим:

1. Тайёргарлик босқичи.
2. Мақсадларни аниқлаб олиш босқичи.
3. Тренингни ўтказиш босқичи.

Бугунги кунда blended learning таълими деганда, кундузги анъанавий таълим ва масофавий таълимнинг унсурлари комбинацияси ҳам тушунилмоқда. Бу тизимда ўқитувчи таълим марказида қолади ва интернет имкониятларидан кенг ва самарали фойдаланди. Айтиш жоизки, ахборот технологияларининг таълим тизимидаги ахамияти беқиёс, тобора унинг янги кўринишлари таклиф этилмоқда. Таълим тизимига ушбу технологияларнинг кириб келиши тарихига назар ташласак.

**XVIII аср охирида Европада мунтазам равишда фаолият кўрсатувчи ва кўпчилик аҳоли учун имкониятли бўлган почта алоқасининг жорий қилиниши натижасида:** “корреспондентлик ўқуви” пайдо бўлди. Ўқувчилар почта орқали ўқув материаллари олар ва ўқитувчилар билан ёзма алоқа олиб борардилар ҳамда илмий иш шаклида ёки ишонч билдирилган шахсга имтиҳон топширардилар. Россияда бундай

шакл XIX аср охирида пайдо бўлди. XX аср боши технологияларнинг жўшқин ривожланиши радио ва телевидениенинг пайдо бўлиши масофавий ўқитиш усулларига янги ўзгаришлар киритди. Бундай технологияларнинг кириб келиши жамият ҳаётининг кескин ўсиши билан боғлиқ бўлиб, ўқувчилар аудиторияси бир неча юз баробар ошиб кетди. XX асрнинг 50-йилларидан ўқув-телекўрсатувлар ташкил қилина бошлади. Бироқ телевидение ва радиода олиб борилаётган бундай ўқув машғулотларининг жиддий камчилиги мавжуд эди, яъни ўқувчида қайтарув алоқа олиш имкониятлари мавжуд эмас эди. 1969 йил Буюк Британияда жаҳонда биринчи бўлиб масофавий таълим университети очилди. Университет “Буюк Британия очик университети” деб номланди. Унинг бундай номланишининг сабаби, машғулот аудиторияларига тез-тез бориш зарурияти бўлмаган ҳолларда, юқори бўлмаган ҳақ ҳисобига масофавий билим олиш имкониятларини очиш эди.

**Масофали ўқитиш** Педагогика фани билимлар соҳаси ва ижтимоий амалиёт соҳаси каби жаҳон ривожланиш умумий тенденциялари ва қонуниятларига биноан ривожланади. Шунинг учун касбий-педагогик таълим чет эл тажрибаларини ўрганиш уни илмий тушуниш илғор ғоялардан миллий таълим амалиётида фойдаланиш айниқса долзарб ҳисобланади. “Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги позитив жаҳон тажрибасини ҳисобга олиш узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими барча элементларига тааллуқли ва унинг ривожланиши омилларидан бири ҳисобланади”.

*1980-йилларнинг охирида олиб борилган илмий ишларнинг кўпчилигида маърузаларда ўтириш талабаларнинг ўрганиши учун доимо ҳам самарали йўл бўла олмайди деган фикр таъкидланиб, кейинги йилларда маърузалар миқдорининг камайиши кузатилади. Аммо маъруза ҳозиргача ҳам талабаларнинг таълимий тажрибасининг учун муҳим қисм бўлиб қолмоқда, ҳатто масофали таълим олаётган талабалар ҳам интернет орқали ёзилган маърузаларни кўришлари ва тинглашлари, ёки реал вақтда онлайн маърузаларда видео-конференция технологиялари орқали иштирок этишлари мумкин. Шундай фикрлар ҳам борки, маърузаларнинг сақланиб қолганлигига охирги ўн йил давомида Буюк Британияда талабалар сонининг сезиларли ошганлиги сабаб бўлган. Чунки билимларни етказишнинг бошқа самарали воситалари ҳам мавжуд<sup>4</sup>.*

<sup>4</sup> A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter V: Lecturing to large groups, Ann Morton, 58 p.



11-расм

Бундай таълимнинг техник ёки ташкилий шакллари турлича бўлиши мумкин баъзан умуман одатдан ташқари тасаввур қилиб бўлмаган кўринишларга эга бўлиши мумкин. Аммо бизнинг чуқур ишонч ҳосил қилишимизга охир-оқибат одамнинг таълим олиши натижаси фақат ўқув фаолияти шакллари шу жумладан масофавий таълим билан белгиланмайди, балки ўқув жараёни қуриладиган таянч психологик - педагогик мазмунга боғлиқ бўлади. Айнан мана шу мазмунларини излаб топиш миллий менталитетга нисбатан масофали таълим асосларини ишлаб чиқиш бошланғич вазифаси ҳисобланади.

Ҳозирги кунда масофавий таълим АҚШда мукаммал шаклланган бўлиб, унинг вужудга келиши 1970-йиллар охирига бориб тақалади. Дунёда интерактив таълим олишнинг кўплаб базалари вужудга келяпти. Жумладан, Британия очик университетига қарашли масофавий таълим умумжаҳон марказининг маълумотлар базасини мисол қилиб келтириш мумкин. Дистант услубида Халқаро Кенгаш фаолият кўрсатяпти, “D – Learning” – масофавий таълим олаётган тингловчиларнинг сони тобора ортиб борапти. Ўтган асрнинг 80-йиллари охирида шахсий компьютер имкониятларининг ошиши ўқитиш тизимини соддалаштириш ва автоматлаштириш билан боғлиқ янги имкониятларни вужудга келтирди. Компьютер ўргатувчи дастурлар ҳар хил ўйинлар шаклида пайдо бўлди.

XXI аср компьютерлари ва Интернет масофавий ўқитишнинг тезкорлик ва соддалаштирилган тартибда кенг тарқалишига имкон берди. Интернет радио ва телевидениега нисбатан жуда катта силжишларга олиб келди. Ҳар қандай ўқувчи билан у қаерда жойлашганлигидан қатъи назар мулоқотга киришиш ва қайтарув алоқага киришиш имкониятлари пайдо

бўлди. Тезкор интернетнинг тарқалиши ўқиш учун “онлай” семинар тизимига ўтиш имконини берди ва натижада масофавий ўқитиш тизими вужудга келди. Масофавий ўқитиш жараёнида тингловчиларнинг ҳамма вақт аудиторияда бўлиши талаб қилинмайди. Масофавий ўқитишни амалга оширувчи кўпчилик ўқув муассасаларида умумий машғулотлар ўтказиб келинмоқда, айрим ҳолатларда улар кечки вақт ёки дам олиш кунлари ўтказилади. Бундай машғулотларда тингловчиларнинг қатнашиши шарт эмас, бироқ тингловчиларнинг амалий кўникмаларини шакллантириш учун уларнинг бундай машғулотларда иштирок этиши жуда фойдали ҳисобланади.

Масофавий ўқиш таълим беришда икки асосий ёндашувни изоҳлаб беради – булар кенгайтириш ва трансформация моделларидир. Кенгайтириш моделида ўқитиш технологияси ҳозирги анъанавий усулдан деярли фарқ қилмайди. Трансформация модели ўқитувчи ва тингловчи ҳамкорлиги учун ахборот-мулоқот технологиялари воситаларини ўзида мужассам қилади.

Консорциум. Ушбу модел иккита университетни бир-бири билан бирлаштиришни талаб қилади. Ушбу муассасалардан бири ўқув курсларни ташкил этишни таъминласа, иккинчиси эса уларни тасдиқлаб, ўқув курсларига талабаларни таъминлайди. Шу билан бирга бу жараёнда фақат университетлар эмас, балки битта кафедра, ўқув маркази ёки университет ўрнида таълим соҳасидаги бошқа муассасалар ҳам қатнашиши мумкин. Ушбу моделда ўқув курсларини доимий равишда назорат қилиш ва муаллифлик ҳуқуқларини текшириш зарур бўлади.

*Бу моделга мисол қилиб Канададаги очиқ ўқув Агентлигидаги (<http://www.ola.bc.ca>) таълимни олиш мумкин. Франчайзинг. Ушбу модел иккита университет бир-бири билан ўзлари яратган ўқув курслар билан алмашишади. Масофавий таълим соҳасида етакчи бўлган ўқув муассаса бу соҳада илк қадам қўядиган муассасага ўзининг ўқув курсларни тақдим қилади. Ушбу моделда иккала муассаса талабалари бир хил таълим ва дипломлар олишади. Бу моделга Очиқ Университет Бизнес мактаби билан Шарқий Европа Университетлари ҳамкорлигини мисол қилиш мумкин. Валидация. Ушбу модел университет ва унинг филиаллари билан бўлган муносабатларга ўхшаши. Бу моделда битта университет ўқув курс ва дипломларни кафолатласа, қолган бир нечта университетлар талабаларни таъминлайди. Узоқлашган аудиториялар. Ушбу моделда информацион ва коммуникацион имкониятлардан кенг фойдаланилади. Битта ўқув муассасада бўлиб ўтган ўқув курслар видеоконференциялар, радиотрансляциялар ва телекоммуникацион каналлар орқали синхрон*

телекўрсатувлар кўринишида бошқа аудиторияларга узатилади. Бу моделни аралашган модел билан фарқи шундаки, унда талабалар кундузги таълимда қатнашмайди. Бу моделга мисол қилиб АҚШнинг Висконсинг Университетидаги ва Хитойнинг марказий радио ва телевидение Университетидаги таълимни олиш мумкин. Лойиҳалар. Ушбу модел давлат ёки илмий изланиш мақсадидаги дастурларни бажариш учун яратилади. Асосий иш масофавий таълим мутахассислари ва педагоглар тўпланган илмий-методик марказда бажарилади. Ушбу моделда яратилган курслар аҳолининг катта қисмига намойиш қилиниб, ўз вазифасини бажаргандан кейин тўхтатилади. Бу моделга мисол қилиб Африка, Осиё ва Латин Америкасидаги ривожланмаган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги, солиқлар ва экология ҳақида ўтказиладиган ҳар хил ўқув курсларини келтириш мумкин<sup>5</sup>.

Масофавий таълим асосан куйидаги технологиялар ёрдамида амалга оширилади: Репродуктив технологиялар. Репродуктив технологиялар ўқув материалларини тарқатиш орқали амалга оширилади. Технологиянинг асосий мақсади – ўқув-методик материалларни ўқувчига жўнатиш. Бунда ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқат электрон почта орқали амалга оширилади. Интерактив технологиялар. Масофавий таълимнинг ушбу технологияси яқка шахсга йўналтирилган ўқитиш моделига асосланган. Интерактив технологияга мисол тариқасида Кейс технологияларини келтириш мумкин. Бунда тармоқда ўқиётганларга маълум фан бўйича тўлиқ ўқув-услугий материаллар (ўқув дастурлари, ўқув материаллари, ўз-ўзини текшириш топшириқлари ва б.) етказиб берилади, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги мулоқат электрон почта орқали амалга оширилади. Биргаликдаги таълим технологиялари. Мазкур технологияда ўқиш кичик ўқув гуруҳларида олиб борилади. Ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида кўп функцияли, жамоавий фойдаланиладиган, ахборотни жўнатиш техник воситалари ёрдамида виртуал муҳит яратилади. Ўқувчиларнинг жамоавий ҳаракати ўқитувчи назорати остида бўлади.

Масофали таълим - масофада туриб ўқув ахборотларини алмашиш воситаларига асосланувчи махсус ахборот таълим муҳити ёрдамида таълим хизматлари тўпламидан иборат. Масофали таълим ахборот - таълим муҳити фойдаланувчилар таълим олиш эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган маълумотлар узатиш воситалари ахборот ресурслари ўзаро

<sup>5</sup>(<http://www.ola.bc.ca>)



алоқалар протоколлари аппарат - дастурли ва ташкилий-методик таъминотлар системали - ташкилий тўпламидан иборат.

Масофали таълим - ўқитувчиларга ўрганилаётган материал асосий ҳажмини етказиб беришни ўқитиш жараёнида ўқитувчилар ва талабларнинг интерактив ўзаро алоқаларини, талабаларга ўрганилаётган материални мустақил ўзлаштириш бўйича мустақил ишлаш имконини беришни ҳамда ўқиш жараёнида уларнинг олган билимларини ва кўникмаларини баҳолашни таъминловчи ахборот технологиялари тўплами.

Охирги ўн йилликлар давомида масофали ўқитишнинг ривожланиши узлуксиз таълим воситаси сифатида дунё ҳамжамиятининг диққат маркази объекти ҳисобланади. 1990 йил март ойида Европа комиссияси “Масофали ўқитиш ва касбий тайёрлаш” ишчи ҳужжатини қабул қилди бу ҳужжатда таълим “айниқса таълимнинг самаралилиги нуқтаи назаридан қизиқарли. Юксак сифатли таълим технологиялари марказда ишлаб чиқилиши ва шундан кейин жойларда тарқатилиши мумкин” дейилган. Масофали таълим учун қулай шароитлар яратиш учун 1994 йилда Европа комиссияси «Леонардо да Винчи» дастурини ишга солди. Ушбу дастур «бутун ҳаёти давомида узлуксиз таълимни ва тайёрлаш янги шакллари» тизимини ривожлантириши керак. “Сократ” дастури “уйда таълим олишни европа масштабига олиб чиқиш” мақсадини ўз олдига қўяди. Масофали таълим соҳасида фаолиятни мувофиқлаштириш учун бутундунё масофали таълим ассоциацияси (WAOE) ташкил этилди бу ассоциация масофали таълим минтақавий таълим тизимларини бирлаштиради.

Дунёда масофали таълимнинг тизимлари турли-туманлиги хизматлар кўрсатиладиган таълим ва ташкилий шакллари жуда хилма-хиллиги сабабли ҳатто оддий турларга ажратиш ҳам жуда қийин. Қуйида чет эл нашрлари материалари бўйича масофали таълим ўқитиш тизимлари энг эътиборлиларикўрсатибўтилган.

*Бугунги кунда таълим технологиялардан фойдаланиш ҳажми доимий равишда ортиб бормоқда. Айрим профессор-ўқитувчилар янги педагогик технологиялардан фойдаланишга қаршилиқ қилмоқда, шунга қарамай баъзи ўқитувчилар ўзларининг ўрганиш курсларини ва дастурларини электрон вариантда тузиш, ёки ишлаб чиқилган курс ёки PowerPoint тақдимотини интернетга юклашнинг энг оддий усули деб ҳисоблашади.*

*Таълимнинг кўриниши қандай бўлишидан қатъий назар (ҳоҳ у оддий синфдаги дарс ёки масофали ўқитиш, электрон ўқитиш ёки аралаш турдаги ўқитиш бўлсин), курс ёки дастурнинг вазифаси, тузилиши, ишлаб чиқилиши, етказилиши тури ва мувофиқ баҳолаш стратегияси пухта ўйлаб чиқилиши лозим (Стефани, 2006), масалан Масофали ўқитиш.*

Ўқув дастурини ушбу услубда ишлаб чиқиш “мантиқий ишлаб чиқиш” модели бўлиб ҳисобланади, акс ҳолда эса ўқув дастури “хронологик” модель бўйича ишлаб чиқилади; бунда баҳолаш маълум бир нуқта бўлиб кўринади, акс ҳолда эса талабанинг ўрганиши давомида умумий жиҳат бўлиши мумкин.

Ўқув дастурини ишлаб чиқишнинг мантиқий модели

Профессор-ўқитувчиларга ўқув дастурини тасаввур қилиш учун кўмаклашган модель илк маротаба Коуон ва Хардинг (1986) томонидан таклиф қилинган бўлиб, у ҳалигача ҳам жуда қўл келади. 4.1-расмда ўқув дастурларини ишлаб чиқишнинг оригинал мантиқий модели келтирилган бўлиб, уни батафсил кўриб чиқамиз. Биринчи навбатда, ишлаб чиқиш фаолияти диаграммаси атрофидаги кулранг жой хатолик эмас. Унинг маъноси шундаки, у ишлаб чиқиш фаолияти чегараларини кўрсатади, яъни муассаса ва талабалар жамоаси контекстида руҳсат этилган ва этилмаган жиҳатларга қатъий таъсир кўрсатади. Кулранг жойдан ташқари жойлашган, ичкарига йўналтирилган стрелкалар иш билан таъминловчилар, корхналар ва ўқитиладиган ўқув дастурига асосли қизиқиш билдираётган бошқа манфаатдор шахсларни билдиради.

Намунали ўқитиш 2: курсни тузиш ва ишлаб чиқиш


Окленд университети ўрганиш ва ўқитиш бўйича кўп йиллар мобайнида фаолият кўрсатаётган сертификатланган бакалавр дастурига эга. Ўрганиш ва ўқитиш Университети сертификати (СУЛТ) курсини тугатиш бир қатор мавзулар бўйича ўзлаштирилганликни кўрсатувчи портфелнинг презентациясини талаб қилади. Ушбу мавзулардан бири курсни тузиш ва ишлаб чиқиш бўлиб, ўзининг йўналиши бўйича тажрибадан келиб чиқиб, Курсни Тузиш схемасининг қўйидаги моделини тақдим қилди:

Орқа фон	Муассаса, факультет ва бўлимни ҳисобга олинг (яъни курсни тузиш учун контекстни тузинг)
Режалаштирилаётган ўрганиш натижалари	Талабалар курс охирида нима қила олишади. Фаол феълларда ифодаланади. Махсус ва ўлчаб бўладиган бўлиши лозим
Фикрини бериш	Ҳам шакллантирувчи ҳам умумлаштирувчи элементлар. Баҳолаш учун ўрнатилган аниқ критериялар. Ўрганиш натижаларига батафсил боғланган
Мундарижа	Баҳолаш ва натижаларни қўллаб-қувватлаш учун танланган. Натижаларга мувофиқ чуқур/кенг



	танланган. Маълумотлар ва кўникмаларни ўз ичига олади.
Курс структураси	Ўқитиш вазиятларининг сони ва тури. Танланган мундарижани бошқариш учун талабаларга энг мувофиқларини ажратиб олинг.
Синф хонаси	Ҳар бир ўқитиш сессияси учун натижалар белгиланади. Ҳар бир ўқитиш сессияси учун мавзуларни ва тадбирларни режалаштиринг. Ўзаро таъсирнинг энг мувофиқ режимларини танланг.
Баҳолаш	Курс сифати қандай баҳоланишини режалаштиринг. Жараён очиклиги манбаларининг бир нечта турини кўшинг. Фақат талабаларни баҳолашдан бошқа вазиятларни ҳам кўринг.

*(Сара Хендерсон, Ахборот тизимлари ва операцияларни бошқариш, Окленд университети)*



**Ўқув дастурини ишлаб чиқиш мантикий модели.**


*Ишлаб чиқиш циклининг ҳар бир босқичидаги “қандай?” ва “нима?” пунктлари ҳам аҳамиятга эга. Улар бизларни “дастур ёки модуль шакли кўпроқ мундарижа туридан боғлиқ бўлиши керак” деган фикрдан ўтиб*

фикрлашга, ва мақсад ва кутилаётган натижалар унинг бир қисми эканлигини тушунишга ундаш учун керак.

Мисол учун, агар бизнинг мақсадимиз ўрганишни талабалар маълумотларни таҳлил қила оладиган йўналишида енгиллаштириши бўлса, қилинган услуб ва ёндашув бошқа йўналишидаги, аммо шу мақсадли бошқа шахснинг услуб ва ёндашувига ўхшаб кетади, бу ерда эса “қандай” саволи ўқув дастурини тузишда “нима” саволидан кўра кўпроқ марказий бўлиб қолади (Коюн, 2006, шахсий муносабат).

Модель ўқитишни қандай қилиб қўллаб-қувватлаш ва нимани ўргатишни ажратиш олишни ўзига савол бериш орқали тезлаштириши, ва бу ишни цикл давомида амалга ошириши имконини беради.


Ушбу моделнинг янгироқ модификацияси 2-расмда кўрсатилган. Ушбу модификацияланган модель ўрганиш натижаларини ишлаб чиқиш жараёни марказига қўяди, курс ва дастур учун мақсад ва натижаларни акс эттирадиган муносабатдаги кичик ўзгаришларни кўрсатади. Ишлаб чиқиш жараёнининг ҳар бир босқичида “нимага” саволини қўйиши ўқитувчиларнинг талабалар амалиётида савол беришини рағбатлантириши ва бунини ўқув дастурини ишлаб чиқишида акс эттиришини кўзлайди.



(Расм)Коюн аввалги модели модификацияси

Ушбу моделдан фойдаланиш ўқитувчига ўрганиш натижаларини равшан ва имкониятли тилда аниқлаб олиш, ва бу орқали талабаларга уларнинг ўрганиш стратегиялари орқали фикрлаш имкониятини беради. У шунингдек ўқитувчиларни режаслаштирилган ўрганиш натижаларига талабаларни қай тарзда йўналтириши учун кўмаклашади.

Ўқув дастурларини ишлаб чиқишнинг ушбу мантиқий модели Биггзнинг ўқитиш, ўрганиш ва баҳолашни мувофиқлаштириш модели (1999) билан мос келади. Кўплаб ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, талабалар ўқитувчилардан анча олдин баҳолаш жараёни ҳақида ўйлай бошлайди, шу сабабли курсни ёки ўқув дастурини ишлаб чиқишнинг охириги қисми кўриб чиқилади. Ўқув дастурида талабаларнинг ўқитувчиларга нисбатан таққослаган истиқболлари орасидаги фарқларни кўрсатиб берувчи Биггз модели 4.3-расмда кўрсатилган.



(расм)Ўқув дастурига бўлган қарашлар

**Манба:** *Биггз (1999:142). Опен Университй Пресс Публишинг Сомпанй рухсати билан кўрсатилган*<sup>6</sup>.

### Вебинар методи

Бугун масафавий таълимнинг яна бир тури “webinar” (1998 йилда бу термин мулоқатга киритилди) технология вужудга келди. Вебинар технология ўқитишни web –технология асосида интерактив ҳолда ташкил этишни назарда тутди. Бу технология нафақат тингловчиларга ахборотни етказди балки, улар билан мулоқотга киришиш (оғзаки, ёзма) имконини яратади, яъни семинар кўринишида фикрларни алмашиш, ўз фикрини баён этиш мумкин. Бошқача қилиб айтганда интернет тармоғи асосида ташкил этилувчи таълим ҳам субъект-субъект парадигмасига ўтмоқда.

**Вебинар усулида** дарс семинар ёки конференция Интернет орқали бир вақтда ҳозир бўлган талабалар билан аудио видео (ва аввалги постларда санаб ўтилган кўплаб интерактив имкониятлар) билан жонли олиб борилиб ушбу дарс кейинги фойдаланишлар учун ёзиб олинishi мумкин бўлсада бутун ўқув ёки курс жараёнидаги дарслар ягона платформа доирасида ўзаро узвий боғланмайди, яъни алоҳида-алоҳида бир марталик дарслар бўлади дейиш мумкин.

<sup>6</sup> A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter IV: Planning teaching and learning Curriculum design and development, Lorraine Stefani, 50-55p.

*Кўп инновацион метаология дунё бўлаб талабаларга ўқитиш хонасида ва виртуал ўқув сайтлар орқали амалга оширилмоқда. Афсуски, кўп муваффақиятли педагогик усуллар танилмай қолади ва халқаро ўқув ва ўқитиш масалалари ҳақида баҳслар академик доирада ўрганишининг вазифасидир ва етишимовчилик ҳар доим бўлади. Шуниси ажабланарлики, халқаро талаба тажрибаси ҳақидаги изланиш кўрсатадики халқаро талабалар ҳам ўзининг янги ўрганиш муҳити билан ноаниқликларга дуч келади. Бундан кўринадики, бор жамоавий глобал ўқитиш ва ҳамжихатликда ўрганишга бўлган эҳтиёж ва унинг келажак дунёга ва педагогикага боғликлиги эски педагогик анъаналар самарали деб топилмади. Биз умид қиламизки бу бўлимлар коллекцияси баҳсларни мустаҳкамлайди ва халқаро таълим жамияти билан боғлиқ бўлган академик жамият ҳақида баъзи танқидий вазифа ва диалогларни ўзига тортади.<sup>7</sup>*


### **Муаммоли метод**

Муаммоли методнинг моҳияти машғулотлар жараёнида муаммоли вазиятларни яратиш ва ечишдан иборат бўлиб унинг асосида дидактик зиддиятлар ётади. Муаммоли таълим концепциясининг асосий тушунчалари “муаммоли вазият” “муаммо”, “муаммони топиш” кабилар ҳисобланади. Чизмадан англанадики муаммоли вазият бу методнинг дастлабки кўриниши ҳисобланиб ўзида субъектнинг аниқ ёки қисман тушуниб етилган муаммони ифодалайди уни бартараф этиш янги билимлар усуллар ва ҳаракат кўникмаларини ўзлаштиришни тақозо этади. Агар ўқувчида қийинчиликларни йўқотиш йўллари излаб топиш учун бошланғич маълумотлар бўлмаса шубҳасиз муаммоли вазият ечимини у қабул қилмайди яъни муаммонинг ечими унинг онгида акс этмайди. Фикрлаш муаммо моҳиятини тушуниб этилиши ифодаланиши мавжуд билим ва кўникмалар мажмуаси ва изланиш тажрибаси асосида муаммоли вазиятни қабул қилиш биланоқ бошланади. Бу ҳолда муаммоли вазият муаммога айланади. Ҳар бир муаммо муаммоли вазиятни ўзида намоён этади бироқ барча муаммоли вазият муаммога айланавермайди.

Зиддиятларни бартараф этиш нафақат илмий билиш йўли шу билан бирга ўқув йўли ҳамдир. Бу методни қуйидаги чизма ёрдамида ифодалаш мумкин.

<sup>7</sup>Meeri Hellstén • Anna Reid Editors “Researching International Pedagogies” Australia 2008p.

### Муаммоли ўқитиш методининг тузилмаси



Мазкур методдан фойдаланиш жараёнида муаммо ечимини топишга ёрдам берувчи йўналишлар кўрсатилмайди ва чегараланмайди. Бу хусусият муаммоли масалага хосдир. Муаммода ечимнинг қандайдир параметрлари кўрсатилса у муаммоли масала ҳисобланади. Ҳар қандай муаммоли топшириқ маълум муаммони демак муаммоли вазиятни ҳам қамраб олади. Бироқ юқорида таъкидланганидек барча муаммоли вазият муаммо бўла олмайди. Инсон ҳар доим муаммоли масалаларни ҳал этади. Агар унинг олдида муаммо пайдо бўлса уни муаммоли масалага айлантиради, яъни унинг ечими учун ўзидаги билимлар тизимига таянади ва маълум кўрсатишларни белгилаб олади. Муваффақиятсизликка учраган тақдирда, у бошқа кўрсаткичларни қидиради ва шу муаммо бўйича янги вариантлардаги масалаларни лойиҳалайди.

Таълим жараёнида муаммоли методни қўллашда ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

Ўқитувчи фаолиятининг тузилмаси	Ўқувчи фаолиятининг тузилмаси
<ul style="list-style-type: none"> <li>- Ўқув материалига оид тафовутларни таклиф этилиши;</li> <li>- муаммоли вазиятларни тузиш;</li> <li>- муаммонинг мавжудлигини аниқлаб бериш;</li> <li>- муаммоли топшириқларни лойиҳалаш</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Ўқув материали моҳиятининг англаб этилиши;</li> <li>- муаммоли вазият юзасидан фикрлаш;</li> <li>- мавжуд билимлар ва тажрибани қайта тиклаш;</li> <li>- муаммоли масалага ўтказиш;</li> <li>- топшириқни бажариш</li> </ul>

### Эвристик ўқитиш методи

Эвристик ўқитиш методини қўллашда ўқитувчи ўқувчилар билан ҳамкорликда ҳал этилиши зарур бўлган масалани аниқлаб олади. Ўқувчилар эса мустақил равишда таклиф этилган масалани тадқиқ этиш жараёнида зарурий билимларни ўзлаштириб оладилар ва унинг ечими бўйича бошқа вазиятлар билан таққослайди. Ўрнатилган масалани ечиш давомида ўқувчилар илмий билиш методларини ўзлаштириб тадқиқотчилик фаолиятини олиб бориш кўникмаси тажрибасини эгаллайдилар.<sup>8</sup>

Таълим жараёнида тадқиқотчилик ўқитиш методини қўллашда ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

Ўқитувчи фаолиятининг тузилмаси	Ўқувчи фаолиятининг тузилмаси
<ul style="list-style-type: none"> <li>-ўқувчиларга ўқув муаммосини таклиф этиш;</li> <li>-ўқувчилар билан ҳамкорликда тадқиқот масаласини ўрнатиш;</li> <li>-ўқувчиларнинг илмий фаолиятини ташкил этиш.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>-ўқув муаммолари моҳиятини англаб олиш;</li> <li>-тадқиқот муаммосини ўқитувчи ва ўқувчилар билан биргаликда ўрнатишда фаоллик кўрсатиш;</li> <li>-уларни ечиш усулларини топиш;</li> <li>тадқиқий масалаларни ечиш усулларини ўзлаштириш.</li> </ul>

Эвристик методи ўқитувчилардан ижодий хусусият касб этувчи юқори даражадаги билиш фаолиятини ташкил эта олиш кўникма ва малакаларига эга бўлишни тақозо этади. Бунинг натижасида ўқувчилар мустақил равишда янги билимларни ўзлаштира оладилар. Улар одатда юқори синф ўқувчиларининг ўзлаштириш даражаларини ҳисобга олган ҳолда маълум ҳолатларда қўлланилади. Ушбу методлардан бошланғич синфларда фойдаланиш амалиётчи-ўқитувчиларнинг фикрларига кўра бир мунча мураккаб ҳисобланади. Бироқ узлуксиз таълим тизимига шахсга йўналтирилган таълимни фаол жорий этишга йўналтирилган ижтимоий ҳаракат амалга оширилаётган мавжуд шароитда ушбу йўналишдаги лойиҳаларни тайёрлаш ўзига хос долзарб аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

<sup>8</sup>“The Commonwealth of Learning” ва “The Southern African Development Community (SADC) Ministries of Education” томонидан тайёрланган “Multigrade Teaching”



Шунга қарамасдан бу тасниф мактаб амалиётида бирмунча кенг тарқалган ва педагогик ҳамжамият томонидан эътироф этилган. Шунингдек буюк дидакт И.Я.Лернер асарлари асосида илмий тадқиқот ҳам амалга оширилган.

### 1.6.Хориж тажрибасида педагогик ёрдамнинг турли кўринишлари

Хорижий таълимда сўнги йилларда бирқатор атамалар кенг ишлатилмоқда. Буларга тьютор, эдвайзер, фасилитатор ва модератор тушунчалари киради.

**Тьютор** - (*Tutore*-лотинча) устоз, мураббий вазифасини бажаради. талабалар ўқув жараёнига мослашиш, вужудга келувчи айрим саволларга жавоб топишга ёрдамлашишга қаратилган.

**Фасилитатор** (ингл. *facilitator*, лот. *facilis* — “енгил, қулай” деган маънони билдиради) — *фасилитатор* гуруҳларда фаолиятни ташкил этишда кўмаклашади.

У гуруҳлардаги фаолиятни самарали бўлишини таъминлаши, гуруҳда соғлом мулоқотни ўрнатиши, гуруҳда ишлаш қоидаларига ва регламентларига амал қилишни таъминлаши жоиз. Фасилитатор гуруҳда ижобий руҳий муҳитни яратади ва фаолиятни самарали бўлишига ёрдам беради. Ушбу тушунча мумтоз психолог Роджерс Карл томонидан киритилган бўлиб, инглиззабонли мамлакатларнинг таълим муассасаларида кенг фойдаланилади. 1989 йилдан буён Халқаро бош фасилитаторлар ассоциацияси (The International Association of Facilitators) фаолият юритиб келмоқда. Бугунги кунда унинг фаолиятида 63 давлатнинг 1200 аъзоси иштирок этмоқда. Фасилитатор фаолияти турли моделларда учрайди. Қозоғистон миллий тиббиёт университетида бўлажак шифокорларнинг касбий фаолияти моҳиятини чуқур тушиниши ва ўз шахсининг мутахассис сифатида тараққиётини таъминлашда психологик-педагогик ёрдам кўрсатишга йўналтирилган. Фасилитатор фаолияти ҳар қандай тренингнинг таркибига киради.

**Модератор** - (*лот. moderator* — меъёрлаштираман, текшираман) қабул қилинган қоидаларга амал қилишни текширади, талабаларнинг қобилиятларни очилишига, билиш фаолиятини фаоллаштиришга ёрдам беради.

**Супервизор**- қуйидаги тўрт вазифани бажаради: ўқитувчи сифатида ўргатади, фасилитатор, маслаҳатчи, эксперт вазифаларини бажаради.

**Супервизия** — ўзаро муносабатлар тизими бўлиб, супервизор томонидан касбий фаолиятга оид бошқа мутахассисга маслаҳатлар



беришни кўзда тутди. Бу фаолият айниқса психотерапевтларни тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга. Супервизия касбий лаёқатни оширишга, билим, кўнкмаларни янада такомоллаштиришга ва шахсий камолотга эришишга ёрдам беради. Баъзи мутахассисликларнинг ўқув режасида (клиник психологияда) “Супервизорлик” курси ўқитилади. У мажбурий амалий курс ҳисобланади. Умуман олганда, юқорида қайд этилган тушунчалар бир маъно ва бир вазифани ўзида акс эттирмайди. Бироқ, улар орасида аниқ чегара ўтказиш қийин. Уларнинг ҳаммаси маслаҳат тизимига эга бўлиб, қандайдир фаолиятга урғу берган ҳолда олиб борилади. Турли олийгоҳларда ушбу фаолиятлар турлича номланиши ҳам мумкин.

### Назорат саволлари:

1. Жаҳон қишлоқ хўжалиги ҳақида нималарни биласиз?
2. Хорижий мамлакатлар таълим тизими ҳақида умумий тушунча беринг?
3. Модулли таълимни ташкил этишнинг афзалликлари нимада?
4. Кредит технологияси бўйича талабалар билимини баҳолаш методикаси нима?
5. Замонавий таълим шакллари тушунтириб беринг.
6. Хориж тажрибасида қўлланилаётган педагогик ёрдамнинг кўринишларини айтинг?

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter V: Lecturing to large groups, Ann Morton.
2. “The Commonwealth of Learning” ва “The Southern African Development Community (SADC) Ministries of Education”, “Multigrade Teaching”.
3. Meeri Hellstén • Anna Reid Editors “Researching International Pedagogies” Australia 2008
4. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). -Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008 -180 б.
5. Голиш Л.В., Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш. Т.: “Иқтисодиёт”, 2011. – 208 б.
6. (<http://www.ola.bc.ca>)

## 2-мавзу: Замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар: Кейс-стади

Режа:

1. Кейс-стадининг аҳамияти ва моҳияти.
2. Кейслар типологияси.
3. Кейс-стадининг услубий паспорти.

*Таянч иборалар: кейс, стади, тавсифнома, типология, процессуал тизим, услубий паспорт, аннотация, вазият, услубий кўрсатма.*

### 2.1. Кейс-стадининг аҳамияти ва моҳияти

**Таълим жараёнида кейс-стади услубини кенг татбиқ қилишнинг ижтимоий-педагогик шарт-шароитлари.**

**Кейс-стади:  
масала тарихи**

Кейс-стади амалий вазиятларни таҳлил этиш ва ҳал қилиш асосида ўқитиш усули сифатида хорижий таълимда аввал-бошда ҳуқуқ соҳасида қўлланила бошлади: у илк марта Гарвард университетининг ҳуқуқ мактабида 1870 йилда қўлланилган эди. 1920 йилда Гарвард бизнес-мактаби (HBS) ўқитувчилари юристларнинг ўқитиш тажрибасига таяниб, иқтисодий амалиётдаги аниқ вазиятларни таҳлил этиш ва муҳокама қилишни таълимнинг асосий усули этиб танлашганидан кейин мазкур ўқитиш услуби кенг татбиқ этила бошлади.

Ана шу вақтдан бошлаб HBS кейсларнинг бой тўпламини йиғди ва мазкур услубни таълимнинг мустақил концепцияси даражасигача олиб чиқди. Аини шу сабабга кўра кейс-стади услубини кўпинча гарвард услуби деб аташади. Ўз моҳиятига кўра, гарвард услуби таълим олувчиларнинг амалий вазиятларни видеоматериаллар, компьютер ва дастурий таъминотдан фойдаланиб ҳал қилиш бўйича интенсив тренингдан иборатдир.

Кейс-стадининг икки классик мактаби - Гарвард (Америкада) ва Манчестер (Европада) мактаблари мавжуд. Гарвард мактаби доирасида мазкур услубягона тўғри ечимни излашни ўргатиш усули ҳисобланиб, иккинчи мактаб кейсда баён қилинган муаммоли вазият ечимининг кўп вариантлилигини тақлиф қилади. Америка кейслари ўнлаб саҳифали матнни ва кўплаб чизмаларни ўз ичига олади. Европа кейслари ҳажми бирмунча камроқ.

Чет эллардаги бизнес-мактабларда одатий вазиятларни ўрганишга ўқув вақтининг ўртача 25 %дан 90%гача бўлган қисми ажратилади. Масалан, Чикаго университети бизнес-мактабида ўқув вақтининг 25% кейслар улушига, Колумбия университетида– 30%, Уортонда эса –40% тўғри келади. Машғулотларни ушбу услуб бўйича ўтказишга ажратиладиган соатлар сони бўйича унинг “илк ихтирочиси”–Гарвард етакчилиги қилади. Оддий талабаHBSда ўқиш вақтида 700 тагача кейсларни кўриб чиқади ва бунинг учун ўқув вақтининг 90%гача қисмини сарфлайди.

Мамлакатимиздаги таълим соҳасида кейс-стади,асосан,мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида, айниқса бошқарув соҳасида қўлланилади. Кейинги йилларда олий ўқув юртларида ҳам ўқитувчиларнинг кейсларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қизиқиши ошаётганлиги кузатиляпти.



12-расм

**Кейс-стадини таълим жараёнида кенг татбиқ қилишнинг долзарблигини белгиловчи омиллар**

**Кейс-стадини аграр олий ўқув юртининг таълим амалиётига кенг татбиқ этишнинг долзарблиги ва зарурлиги қуйидаги омиллар билан боғлиқ:**

**Биринчидан,**мамлакатдаги аграр сектори йўналишидаги олий ўқув юртлари таълимида инновацион технологияларини қўллаш асосида мутахассисларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш натижаси деб, таъкидлаш мумкин. Мазкур соҳа мутахассислари, олимлар, олий таълим муассасалари

профессор-ўқитувчилари томонидан мавжуд тажрибаларни таҳлил қилиш, умумлаштириш, зарур тавсиялар ишлаб чиқиш асосида навбатдаги вазифаларни белгилаш ҳисобланади. Жумладан қишлоқ хўжалик фанларини ўқитишда - табиий шароитдаги кейс туридан фойдаланиш, унинг нафақат таълим олувчиларда аниқ билимларни шакллантиришга, шу билан бирга талабаларда фикрлаш фаолияти, назарий билимларини амалда қўллашга тайёрлик ва бунга қобилликни ривожлантириш, бўлғуси мутахассисларда мустақиллик ва ташаббускорлик, соҳага оид тадқиқотларнинг турли жиҳатлари билан боғлиқ кенг доирадаги масалаларни идрок этиш қобилиятини раванқ топтиришга йўналтирилганлиги биланалоҳида ўрин касб этади.

“Инсоннинг кўлига балиқни тутқазсанг—у бир кун қорни тўқ юради, мабодо инсонни балиқ тутишга ўргатсанг—у бутун умри давомида очлик нималигини билмайди“ - хитойлик донишмандларда шундай ҳикматли гап бор. Аудитория шароитларидаёқ соҳага тегишли ечимларини қабул қилишга доир малака ва кўникмалар эгалланмаса кейинчалик яхши мутахассис бўлиб чиқиш мумкин эмас. Келгусидаги касбий фаолият жараёнида талабалар соҳада вужудга келадиган турли хил вазиятларни таҳлил этиш малакалари ва кўникмаларини эгаллаши, таҳлил қила билиш қобилиятини ўстириши зарур.

“Маслаҳат бериш мумкин, лекин бундай маслаҳатдан фойдаланишга ўргатиш мумкин эмаслиги” ҳақиқатдир.

Талабаларнинг кейсларни ишлаб чиқиш технологияларини ўзлаштириши, кейсда тақдим қилинадиган амалий муаммоли вазиятларни таҳлил этиш, якка тартибда ва жамоа бўлиб уларни оптимал ҳал қилиш йўллари излаш малакаларини эгаллаши, бўлғуси мутахассисда функционал ваколатлилиқни шакллантириш - касбий фаолиятда ўзининг бошқариш ва ташкил қилиш технологияларини лойиҳалаштириш, касбий жараён мантиғини қуриш усуллари, шунингдек касбий вазифаларни мустақил ва мобил тарзда ҳал этиш усуллари хосил қилишга ёрдам беради.

*Иккинчидан*, кутилмаган вазиятларда бир тизимли асосда ва самарали ҳаракат қилиш, оқилона ечимларни қабул қилиш қобилиятини эгаллаган мутахассисларга **муҳтожлиги** билан кейсда ҳар хил ҳаётий вазиятлар баёни берилади ва уларнинг оқибатлари хусусида мушоҳада юритиш ёки қатнашчилар ҳаракатларининг самарадорлигини баҳолаш ёхуд муаммони ҳал этиш усуллари таклиф қилиш талаб этилади. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳамамалий ҳаракат модели устида ишлаш таълим олувчилар –

бўлғуси мутахассисларда давр талаб қиладиган касбий жиҳатдан муҳим хусусиятларни шакллантиришнинг самарали воситаси ҳисобланади.

**Учинчидан**, жаҳон тажрибаси кўрсатиб турганидек, кейс-стади талабаларда ижтимоий етукликни ривожлантириш, ўқишга қизиқиш ва мотивларни ҳосил қилиш, уларни ҳақиқий профессионаллар сифатида етиштиришга кучли таъсир кўрсатади.

**\* Кейс-стадининг ўзига**

1. Изланишга доир фаолиятнинг мавжуд бўлиши.
2. Жамоавий ва гуруҳларда ўқитиш.
3. Индивидуал, гуруҳли ва жамоавий иш шакллари интеграцияси.
4. Хил-хил ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш.
5. Муваффақиятга эришиш учун талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини рағбатлантириш



### 13-расм

Бугунги кунда иш берувчилар битирувчиларни коммуникативлик малакаларни оширишни таъкидламоқда. Жумладан битирувчилар коммуникациясининг ажралмас қисми компьютер дастурларидир деб таъкидлашмоқда. Бу жамоавий ишда ҳар бир гуруҳ аъзоларига вазифалар аниқ тақсимланган, шу билан биргаликда уларнинг ҳар биридан индивидуал ва жамоавий ҳаракат талаб қилинади. Бунда курс талабалари бир - бири билан тадбирларда тўлиқ иштирок этиши учун уларга узоқ масофаларга вақтинчалик алоқани амалга ошириш учун аралаш режим таклиф этилади. Бунда анъанавий таълимнинг марказида асосан ўқитувчи бўлиб фақат талабаларга ахборот етказиб берувчи ва шу ахборотни талаб қилувчи вазифани бажаради.

Юқоридаги кичик гуруҳларда олиб борилаётган тадбирларни тез-тез ўтказилиши талабаларни шахсий ва профессионал ўсишига олиб келади.

Кичик гуруҳларда ўқув-лойиҳаларни келишилган жадвал ва ўзаро манфаатдорликни ҳисобга олиб мунозара шаклда ташкил этилса айниқса фойдалироқ бўлади. Шунингдек гуруҳ ичида мунозарада кам иштирок



қилувчи талабалар орасида ишончни ошириши керак. Гуруҳларда ҳамкорликни вужудга келтириши осон эмас, лекин у кўплаб соҳаларда овқат - маҳсулотлари қийматини айниқса зояларни режаслаштириши ва авлодлар учун маъсулиятни ўз зиммасига олишида талабаларга зайрат баҳишида этади. Бунга асосан ишлаб чиқариши жамоалари, айниқса “жамоавий иш” технологиялари яхши амалиётдир бунга кўплаб мисоллар келтириши мумкин. Талабалар иккинчи йилда Кейс-стади топшириқларини ҳал қилиши учун лойиҳаларини вазифаларни режаслаштириб олишлари керак. Тадқиқот ишларини амалга оширишида талабаларни устозлар кўллаб қувватлашига асосланган.

Учрашувларда ушбу лойиҳаларни амалга оширишида барча иштирокчиларнинг рўйхатини олиши, китоблар ва вақт сарфларини назарда тутиши керак. Ушбу ишлар оддий, лекин самарали ҳисобланади.

Қаерда “жамоавий иш” методлари кўпроқ тўғри ташкил этилса кадрларни тайёрлашда яъни профессионал малакаларни шакллантиришида ижобий натижа беради. Мухандислар гуруҳи, информатиклар, операторлар академик нозирлар гуруҳ сифатида вазифаларни бажаради шу билан мижозни қўйиши мумкин. Ҳар бир гуруҳнинг ўз вазифаларини бажаришига қўйиладиган талаблари мавжуд. Бу гуруҳлар ишлари орасида муҳим фарқлар мавжуд бу эса уларни мустақил фикр юритишига туртки бўлади. Шундай қилиб иштирокчиларнинг ҳиссаси гуруҳ муваффақияти деб олинади, лекин, афсуски ҳамкорлик усуллари асосида дарсларни ташкил этиши қийинчиликлардан холи эмас.<sup>9</sup>

Кейс-стадининг бўлғуси мутахассис шахсининг касбий ва ижтимоий жиҳатдан муҳим фазилатларини шакллантиришга таъсир кўрсатадиган усуллари ва воситалари, назаримизда<sup>1</sup>-жадвалда ишонарли тарзда акс эттирилган.

<b>Мутахассис фазилатлари</b>	<b>Кейс-стадининг шахсий фазилатларни шакллантиришга таъсир кўрсатадиган усул ва воситалари</b>
Мавҳум шароитларда вазиятни ҳис этиш ва адекват баҳолаш, оқилона ечимларни топиш қобилияти	Вазият субъектининг фазилатлари ва камчиликларини таққослаш ва баҳолаш, вазиятнинг ривожланиш мантиғини ажратиб олиш, муаммонинг оқилона

<sup>9</sup>A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter V: Lecturing to large groups, Ann Morton, 289-290 p.

	ечимини излаш
Бир тизимли фикрлаш, мулоҳазакорлик, турли табиий шароитларда ҳам юқори натижага эришиш	Вазият хусусида ҳар томонлама фикр юритиш, уни мақсадли таҳлил этиш
Мустақиллик ва ташаббускорлик	Мавҳумлик шароитида вазиятлар таҳлили, оқилона ечимнинг ишлаб чиқилишида ўқитувчи томонидан рағбатлантириладиган ва қўллаб-қувватладиган мустақиллик ва фаоллик
Ўзгаришларга тайёрлик, қайишқоқлик	Мунтазам ўзгариб турадиган вазиятларда оптимал феъл-атворнинг ишлаб чиқилиши
Амалий йўналишлилик	Муаммоли вазиятнинг ҳал этилишида нисбатан амалий натижага эришиш учун доимий изланиш
Ахборотлар билан ишлаш маҳорати	Доимий равишда асосий ахборотни излаш ва танлаш, уни тузилмаларга ажратиш, яна қайта тузилмалаш, уни таҳлил этиш, таснифлаш, бир тақдимот шаклидан бошқача шаклга ўтказиш, ўзаро ахборот алмашиниш
Коммуникативлик, Эмпатия	Муаммоли вазият ечими ва унинг мақсадга мувофиқ тарзда ҳал этилишини танлаш юзасидан ўз позициясини ҳар доим аниқ билдириш, далиллаш ва ўзининг нуқтаи назарини ҳимоя қилиш, кейс билан гуруҳ бўлиб ишлаш, мунозаралар ва ўз фикрини ўтказиш пайтида жамоанинг ошқора мулоқот ва ахборот алмашиниш, адолатли, конструктив ва тактикали танқидга ҳамда уни қабул қилишга, биргаликдаги фаолиятда ишончга ва ҳамфикрликка асосланган баҳамжихат ҳаракати
Муаммоли,	Муамонинг изланилиши ва



мантиқий фикрлаш	ифодаланиши ҳамда унинг асосий тавсифномалари белгиланиши, уни ҳал этиш усуллари ва воситаларининг асосланиши
Конструктивлик	Муаммони ҳал этиш моделининг ишлаб чиқилиши, конструктив ечимларнинг изланиши ва ифодаланиши
Назокатлилик	Жамоанинг ўз фикрини ўтказиш, мунозаралар, гуруҳ бўлиб ишлашга асосланган доимий баҳамжиҳат ҳаракати

Ва, ниҳоят, кейс-стади интерактив услуб бўлгани сабабли талабалар томонидан унга нисбатан ижобий муносабат бўлишига эришади, улар ушбу услубни ўқув ахборотини ўзлаштириш ва ундан фойдаланиш юзасидан амалий кўникмаларни таъминлайдиган амалий қўлланма (практикум) сифатида қабул қиладилар.

### Кейс-стади услубининг умумий тавсифномаси

**Асосий категориялар ва** **Кейс** – бу реал ҳаётнинг “бир парчасидир” (инглизча - TRUE LIFE атамасига кўра). Кейс вазиятнинг оддий ҳақиқий баёнигина эмас, балки вазиятни тушуниш ва баҳолашга имкон берадиган ягона ахборот комплекси дир.

**Кейс-стади** (инглизча case - тўпلام, аниқ вазият, stadi-таълим) кейсда баён қилинган ва таълим олувчиларни муаммони ифодалаш ҳамда унинг мақсадга мувофиқ тарздаги ечими вариантларини излашга йўналтирадиган аниқ реал ёки сунъий равишда яратилган вазиятнинг муаммоли-вазиятли таҳлил этилишига асосланадиган *таълим услуби* дир.

**Кейс-стади** - таълим, ахборотлар, коммуникация ва бошқарувнинг қўйилган таълим мақсадини амалга ошириш ва кейсда баён қилинган амалий муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнида прогноз қилинадиган ўқув натижаларига кафолатли етишишни воситали тарзда таъминлайдиган бир тартибга келтирилган оптимал усуллари ва воситалари мажмуидан иборат бўлган *таълим технологияси* дир.

**Вазият**(ситуация) (кейинги лотинчадаги situation - аҳвол) – муайян вазият, аҳволни ҳосил қиладиган шарт-шароитлар ва ҳолатлар уюшмаси.

Кейсда баён қилинган вазият институционал тизимда (шу ўринда ва кейинчалик - корхонада) дискрет (айни шу) вақтда ташкилий ҳаётдаги типик муаммоларни қайта яратадиган реал ёки сунъий қурилган ҳодисаларнинг идеал тарздаги инъикосидан иборатдир.

**Муаммоли вазият.** Мазкур ҳолдавазият субъектининг ҳозирги вақтда ёки келгусидаги мақсадларга эришишига хавф соладиган вазият тушунилади.

**Кейс-стадининг моҳиятли белгилари ва дидактик ўзига хос хусусиятлари**

**Кейс-стадининг моҳияти** шундан иборатки, моҳиятига кўра кўриб чиқиладиган муаммоли вазият бўйича маслаҳатчилар ролини бажариши керак бўлган талабаларга қуйидагилар таклиф қилинади:

- кейсда баён қилинганида айна бир пайтда ташкилий ҳаётдаги типик амалий муаммони акс эттирадиган ва амалиётда ушбу муаммонинг ҳал этилишида ўзлаштирилиши ва қўлланилиши лозим бўладиган муайян билимлар мажмуини долзарблаштирадиган вазиятни идрок этиш ва таҳлилдан ўтказиш;

- муаммоли вазиятни мақсадга мувофиқ тарзда ҳал этадиган усуллар ва воситаларни излаш;

- таклиф этилган муқобил жиҳат(альтернатива)ларни баҳолаш ва улар орасидан қўйилган муаммога нисбатан энг қулай вариантини танлаш;

- танланган муқобил усул(альтернатива)ни амалга ошириш бўйича аниқ ечимни бутун тафсилотлари билан ишлаб чиқиш.

**Кейс-стадининг моҳиятли белгиларини ифодалаймиз:**

1. Ҳолати асосий параметрлари бўйича муайян дискрет вақтда ишларнинг реал аҳволини яна қайта тиклайдиган вазият шаклида тақдим этилган институционал тизим моделининг мавжудлиги.

2.Берилган вазиятнинг муаммолилиги.

3.Вазиятнинг тўлиқ чизмай эмаслиги ва, бунинг оқибати сифатида, ундамустақил, шаблон бўлмаган ечимларни талаб қиладиган мавҳумликнинг мавжудлиги.

4.Ечимларнинг *кўплаб муқобил жиҳат(альтернатива)ларга эгаллиги*: ҳар бир қатнашчи ўзининг билими, тажрибаси ва сезги(интуиция)сидан келиб чиқиб ўз вариантини таклиф қилади.

5.Муаммоли вазият оптимал ечимининг *якка тартибда, сўнгра жамоа бўлиб ишлаб чиқилиши ва оммавий тақдим этилиши* (Шунингдек, кейс билан мутлақо якка тартибда ишлашга ва натижаларни якка тартибда тақдим этишга ҳам йўл қўйилади).

6. Муаммоли вазият таҳлили ва унинг ечимини ишлаб чиқишдаги ягона мақсад.

7. Фаолият натижаларини гуруҳ бўлиб баҳолаш тизими.

8. Таълим олувчиларда бошқариладиган ҳиссий (эмоционал) кескинликнинг мавжуд бўлиши.

9. Ўқитувчи ва талаба таълим жараёнида айтилган бир пайтда ҳам масъул, ҳам эркин бўлади:

- Ўқитувчи кейсинг тайёрланиши ва унинг ўқув-услубий таъминоти, шунингдек ундан самарали фойдаланиш учун масъулдир.

- Талаба машғулотга тайёрланиш ва кейс бўйича ўқув топшириқларини самарали бажариш учун масъул, айтилган бир пайтда у муаммоли вазиятни таҳлил этиш натижасида ечимлар ва хулосаларни ишлаб чиқиш борасида эркин иш тутади.

- Талаба ўқув шароитида муаммоли вазиятни таҳлил этиш ва ҳал қилишда хатога йўл қўйиши мумкин, лекин у реал ҳаётда қабул қилинадиган нотўғри ечим учун масъулият ҳиссини сезиши керак.

10. Таълим натижаларини режалаштириш ва уларга эришишда таълимдаги ошқоралик билан қатъиятликнинг қўшиб олиб борилиши.

**Кейс-стадитаълим услуби сифатида қуйидаги дидактик ўзига хос хусусиятларга эга:**

- Кейсда тақдим этилган аниқ вазият таълимнинг воқелик билан ўзаро алоқасини таъминлайди, чунки у келгусидаги касбий фаолият учун типик муаммоларни акс эттиради. Бунда ўрганиш жараёни, ўз моҳиятига кўра, реал ҳаётда ечимни қабул қилиш механизминини ифодалайди.

- Кейс ундан фойдаланувчига муаммоларни таҳлил этиш, бир хиллаштириш ва ҳал қилиш йўллариини излашда эркинлик беради.

- Кейс кўриб чиқишда талабалар таълим жараёнининг ташкилотчиларига айланадилар ва бир-бири билан ўзаро баҳамжиҳат ҳаракат қилиш орқали реал коммуникацион ҳолатларни ифодалашади.

- Таълим олувчилар аниқ вазиятни кўриб чиқиш жараёнида муайян умумлашган, концептуал тусга эга билимни шакллантиришга муваффақ бўладилар ва айтилган бир пайтда оддий умумлаштириш малакаларини орттирадилар.

- Амалий вазиятларга асосланган машғулотлар назарий тайёргарлик даврида олинган билимлар, шунингдек талабаларнинг ўз малака ва маҳоратларидан фойдаланиш ва амалда қўлланишга йўналтирилади.

- Кейс билан ишлаш натижаларининг оммавий тақдим этилиши тақдимотлар ўтказиш ва матбуот анжуманларида қатнашиш: ахборотни

лўнда, мантиқан ва кўргазмали тарзда тақдим этиш, саволни ифодалай билиш ва жавобни далиллаш малакаларини ҳосил қилишга кўмаклашади.

- Кейс-стади таълимнинг бошқа услубларидан фарқли равишда нафақат таълим бериш ва тренинг, шу билан бирга диагностиказоратчилик функцияларини ҳам бажаради.

Талаба *имтиҳон олдидан* кейсни олиши, уни ҳал қилиши ва амалий вазият таҳлилини ҳамда уни ҳал қилишга доир таклифларини ёзма иш шаклида тақдим этиши мумкин.

Кейс талабаларга *бевосита имтиҳон пайтида* таклиф қилиниши ҳам мумкин. Лекин бундай ҳолда у анча қисқа бўлиши, мақсадлари эса уларни талаба белгиланган вақт давомида ҳал қилишга улгурадиган ҳолатда бўлиши керак.

Талабаларнинг ўқув фани бўйича *аудиториядан ташқарида бажариладиган мустақил иши* кейслар туркумининг ечимини ўз ичига олиши мумкин. Натижаларнинг графикка биноан ёзма тақдим этилиши (муддатлар ўқув режаси ва таълим дастурига мувофиқ белгиланади) ўқув ахборотларининг ўзлаштирилиши, ушбу курс бўйича ДТСга кўра назарда тутилган малака ва кўникмаларни оператив назорат қилиш ва баҳолашга имкон беради.

## 2.2. Кейслар типологияси

Кейслар учун улар турининг жуда кўплиги хосдир. Кейсларнинг турлари бўйича таснифланиши жадвалда тақдим этилган.

Типологик белгилари	Кейс тури
Асосий манбалари	1. Табиий шароитдаги 2. Кабинетдаги 3. Илмий-тадқиқотчилик
Сюжет мавжудлиги	1. Сюжетли 2. Сюжетсиз
Вазият баёнининг вақтдаги изчиллиги	1. Ўтмишдан ҳозирга келиш режимидаги кейс 2. Вақт орқага қайтариладиган кейс-хотира 3. Прогностик кейс
Кейс объекти	1. Шахсий 2. Ташкилий-институционал 3. Кўп субъектли
Материални тақдим этиш усули	1. Ҳикоя 2. Эссе

	<ol style="list-style-type: none"> <li>3. Таҳлилий ёзишма</li> <li>4. Журналист тергови</li> <li>5. Ҳисобот</li> <li>6. Очерк</li> <li>7. Фактлар мажмуи</li> <li>8. Статистик материаллар мажмуи</li> <li>9. Хужжатлар ва ишлаб чиқариш намуналари мажмуи</li> </ol>
Ҳажми	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Қисқа (лўнда)</li> <li>2. Ўртача миқдордаги</li> <li>3. Катта (узун)</li> </ol>
Тузилмавий ўзига хос хусусиятлари	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Тузилмаланган</li> <li>2. Тузилмаланмаган</li> </ol>
Ўқув топшириғини тақдим этиш усули	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Саволли</li> <li>2. Кейс-топширик</li> </ol>
Дидактик мақсадлари	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Муаммо, ечим ёки концепцияни изоҳлаш</li> <li>2. Тренингли, ўқув мавзуйпредмети бўйича малака ва кўникмалар орттиришга мўлжалланган</li> <li>3. Таҳлил ва баҳолашга ўргатувчи</li> <li>4. Муаммони ажратиш ва ечиш, бошқарувчилик қарорлари қабул қилишга ўргатувчи</li> <li>5. Вазият субъекти ривожининг янги стратегиялари ва йўллари, янги баҳолаш услублари ва шу кабиларни ишлаб чиқишга рағбатлантирувчи</li> </ol>
Расмийлаштириш усули	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Босма</li> <li>2. Электрон</li> <li>3. Видео-кейс</li> <li>4. Аудио-кейс</li> <li>5. Мультимедиа-кейс</li> </ol>

Кейсологнинг (шу ўринда ва кейинчалик - кейсни ишлаб чиқувчи) вазифаси кейс турининг қўйилган дидактик мақсадларни оптимал амалга оширишига имкон берадиган ўзига хос хусусиятларини танлаш ва қўллашдан иборат.

### Кейсларнинг турли манбалари

Кейс интеллектуал маҳсулот сифатида ўз манбаларига эгадир. Уларни чизмали тарзда куйидагича акс эттириш мумкин:



### 14-Расм. Интеллектуал маҳсулот сифатидаги кейснинг асосий манбалари

**Социум** кейсларнинг манбаидир, деган фикр ҳеч кимда шубҳа туғдирмаслиги аниқ. Фақат унинг кейснинг мазмуни ва шаклини қай даражада олдиндан белгилаб бериши мумкинлиги ҳақида турлича фикр бўлиши мумкин. Ижтимоий ҳаёт бутун турли-туманлиги билан кейс сюжети, муаммолари ва фактологик базасининг манбаи бўлади.

Таълим ва тарбиянинг кейсда жамланган мақсадлари ва вазифалари, шунингдек таълим технологиясини белгилайдиган **таълим** яна бир манбаидир.

**Фан** кейснинг учинчи манбаидир. У таҳлилий фаолият ва бир тизимли ёндашув билан белгиланадиган иккита асосий методологияни, шунингдек кейсни ҳал этиш жараёнида қўлланиладиган бошқа илмий услубларни беради.

3-чизмадакейс детерминацияси асосий манбаларининг ўзаро нисбати бир хилда ва тенг томонли учбурчак сифатида тақдим этилган. Бу барча манбаларнинг тенг аҳамиятли эканлигининг идеал ва анча кам учрайдиган ҳолати -детерминантдир. Кейсларни куришнинг реал амалиётида бундай ҳолат анча кам учрайди. Кўпинча манбалардан бирининг устунлик қилиши кузатилади. Чизма шаклида олганда манба ролини учбурчак бурчагининг катталиги тарзида тасаввур этиш мумкин. Бунда бурчак қанчалик тўмтоқроқ бўлса, тегишли манба таъсири шунчалик кўпроқ бўлади. Ўткир қирралар тегишлича манбанинг минимал таъсирини акс эттиради.

Ушбу ёндашув кейсларни **асосий манбалари бўйича** таснифлашга асос бўлиши мумкин. Бу ерда куйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- 1) *ҳаётий кейслари* -мутлақо реал ҳаётий вазиятларни акс эттиради;
- 2) *кабинетдаги кейслар* -кейсолог моделлаштирган амалий вазиятни ўз ичига олади;



3) *Илмий-тадқиқотчилик кейслари*—тадқиқотчилик фаолиятини амалга оширишга йўналтирилган.

*Ҳаётий кейсининг* асосий вазифаси ҳаётий вазиятни батафсил ва тўлиқ акс эттиришдан иборат. Ўз моҳиятига кўра, бундай кейс вазиятнинг амалий, яъни "ҳаракатдаги" моделини яратди. Бунда бундай кейснинг ўқув мақсади таълим олувчилар тренинги, ушбу вазиятдаги билимлар, қобилиятлар ва феъл-атвор (қарорлар қабул қилиш) кўникмаларини мустаҳкамлашдан иборат бўлади. Бундай кейслар максимал кўргазмалли ва батафсил бўлиши керак. Уларнинг асосий мазмуни ҳаётни билиш ва оптимал фаолиятга доир қобилиятларни ҳосил қилишдир.

Гарчи ҳар бир кейс таълим берувчи функцияни бажарсада, лекин уларнинг барча қирраларининг турли кейсларда акс этиши даражаси турличадир. Кўпроқ таълим берувчи функцияни бажарадиган, ҳаётни бироқ бошқачароқ акс эттирадиган кейс *кабинетдаги кейс* дейилади.

Биринчидан, у ҳаётда кўпроқ учрайдиган ва мутахассис ўзининг касбий фаолиятида дуч келадиган **одатий** вазиятларни акс эттиради. Иккинчидан, таълим берувчи кейсда ўқув топшириқлари биринчи ўринда турадики, бу унда акс этадиган ҳаётнинг анча шартлилик элементига эга бўлишини олдиндан белгилайди. Бу ердаги вазият, муаммо ва сюжет ҳаётда бўладигани каби тус касб этади. Бундай кейс вазиятлардаги типикликни кўришга имкон беради ва вазиятни амалиётдаги шунга ўхшаган вариантни қўллаш орқали таҳлил қилиш қобилиятини олдиндан белгилаб беради.

*Илмий-тадқиқотчилик кейси* учун ҳам шундай хусусиятлар ҳосилдир. Унинг асосий мазмуни шундаки, у вазият ва ундаги феъл-атвор ҳақидаги янги билимни олиш учун модел бўлиб хизмат қилади. Унинг таълим берувчи функцияси моделлаштириш услубини қўллаш орқали илмий тадқиқотчилик малакаларини шакллантиришдан иборат. Ушбу кейс тадқиқотчилик моделини яратиш тамойиллари бўйича қурилади. Шунинг учун уни кўпроқ магистратурада, мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимидаги таълимда қўлланиш маъқулдир.

Бундай кейсда тадқиқотчилик функциясининг устунлик қилиши уни илмий-тадқиқотчилик фаолиятида анча самарали қўллашга имкон беради.

Кейснинг юқорида ажратиб кўрсатилган манбаларини **асосий, базавий ёки бирламчи** манбалар деб аташ лозим, чунки улар кейсларга таъсир кўрсатишнинг энг моҳиятли омилларини белгилайди.

Кейсларни шакллантиришнинг **иккиламчи манбаларини** ҳам ажратиб кўрсатадики, улар базавий манбалардан ҳосил бўладиган тусга эгадир. Қуйида уларга тўхталамиз.

1. Хорижий тажриба кўриниб турганидек, маҳсулотлари талабалар учун муайян шахсий аҳамият касб этадиган фермер хўжаликларида кўриб чиқилганида ёки *ахборот* "маҳаллий" материалга асосланганида кейслар муҳокамаси анча мазмунли ва қизиқарли кечади. Лекин бу кейсларда фақат мамлакатдаги корхоналар тажрибаси ёритилиши кераклигини билдирмайди.

Агар талабалар кейсларда баён қилинган ҳодисалар билан боғлиқ бўлган муҳит ва соҳани яхши билсалар, улар ўзларини анча ишончлироқ ҳис этади. Уларнинг, масалан, америкалик ёки бошқа хорижий истеъмолчилар феъл-атвори ва мотивларини муҳокама қилиши анча қийин кечади. Ўқитувчи ҳам ўзи субъектини яхши биладиган кейс муҳокамасига моҳирона раҳбарлик қилади. Ҳар қандай ҳолда ҳамбундай кейслар муҳокамасида корхона–кейс объекти вакилини таклиф қилишдек ноёб имконият мавжуд бўлади.

2. *Статистик материаллар, қишлоқ хўжалиги ҳақидаги маълумотлар, хўжаликларнинг ижтимоий-иқтисодий тавсифномалари ва шу кабилар* кейсга илмийлик ва оддийлик бахш этади. Бунда мазкур материаллар вазиятни ташхис қилиш воситаси ролини бажариши, вазиятни тушуниш учун жуда муҳим бўлган кўрсаткичлар ҳисоб-китоби учун ахборот вазифасини ууддалаши мумкин.

Статистик материаллардан фойдаланишда талаба бу материалларни идрок этиши, қуйидаги каби бир неча саволларга жавоб бериши керак: "Ушбу материаллар вазиятни тавсифлашда қандай роль ўйнайди?", "Материалларнинг ўзидаги қайси нарсалар вазиятни бевосита тавсифлайди?", "Бундай тавсифномалар қандай ҳисоблаб чиқилади ёки ажратиб кўрсатилади?" ва ҳоказо.

Статистик материаллар кейс матнида ёки иловада жойлаштирилади.

3. *Илмий манбалар, публицистика ва бадий адабиёт асарлари*–булар ҳам кейсни ёзиш учун яна бир манбадир. У ёки бошқа муаммога бағишланган илмий мақолалар, монографиялар ва илмий ҳисоботларни таҳлил этиш орқали ҳам кейс учун яхши материалларни олиш мумкин. Яхши илмий мақола одатда қандайдир масалани теран тушунтириши билан тавсифланса, илмий монография тадқиқот предметининг бир тизимли, ҳар томонлама тавсифномасини беради. Илмий ҳисоботнинг ўзига хос хусусияти эса материалнинг долзарблиги ва янгилигидадир. Бундай фан маҳсулотлари ҳар доим ҳам вазиятни баён қилавермайди ва изоҳлаб бермайди. Шунинг учун уларни кейсолог вазият нуқтаи назаридан махсус мушоҳададан ўтказиши керак бўлади.

Энг қизиқарли илмий мақолалар кейс-услубда иккита функцияни бажариши мумкин. Биринчиси шундан иборатки, илмий мақолалар ва уларнинг қисмлари уларни матнга киритиш орқали кейсларнинг таркибий қисмига айланиши мумкин, иккинчиси шундаки, улар кейсни тушуниш учун зарур адабиётлар рўйхатида қўшилиши мумкин.

Агар илмий манбалар кейсга қатъийлик ва оддийлик берса, унда публицистика ва бадиий адабиёт асарлари эмоционал тўлиқлик ва предметли изоҳлиликни яратади.

4. *Интернет* ва унинг ресурслари–кейслар учун туганмас материал манбаидир. Ушбу манба кенг миқёслилиги, қайишқоқлиги ва оперативлиги билан ажралиб туради.

**Сюжет  
мавжудлигига  
қараб кейслар  
турлари**

Сюжет мавжудлигига қараб кейслар:

- сюжетли;
- сюжетсиз бўлади.

*Сюжетли кейс* одатда бўлиб ўтган воқеалар ҳақидаги ҳикояни, шахслар ва корхоналар ҳаракатларини ўз ичига олади.

*Сюжетсиз кейс*, одатда, яққол ифодаланган сюжетга эга бўлмайди, чунки сюжетнинг аниқ ифодаси кўп жиҳатдан ечимни очиб беради. Сиртдан қараганда вазият ташхисига, сюжетни яна қайта тиклашга ёрдам бериши керак бўлган статистик материаллар, ҳисоб-китоблар, ишланмалар мажмуидан иборат бўлади.

**Вазиятни баён қилишнинг  
вақтдаги изчиллиги  
бўйича кейслар турлари**

Кейсда баён қилинадиган вазият сюжетининг вақтдаги изчиллиги ҳам кейснинг таснифий ўзига хос хусусиятларига ўз таъсирини ўтказади. Ушбу белгига кўра кейсларнинг уч турини фарқлашади:

- Ўтмишдан ҳозирга келиш режимидаги кейс;
- Вақт орқага қайтариладиган кейс-хотира;

**Прогностик кейс.**

*Ўтмишдан ҳозирга келиш режимидаги кейс* баён қилинадиган ҳодисаларнинг вақтдаги табиий изчиллиги билан тавсифланади, сабаб-оқибатли алоқаларни яхши аниқлашга имкон беради.

*Вақт орқага қайтариладиган кейс-хотира* давақт орқага қайтарилади: унда ҳаракат қилувчи шахслар нималарнидир эслашади, хотиранинг ўзи узук-юлуқ, кўпинча бир тизимсиз ва фрагментар бўладики, бу вақт занжирини қайта тиклашни қийинлаштиради. Ўз моҳиятига кўра, кейс

таҳлили вазият реконструкцияси, унинг бирор бир билиш парадигмаси жиҳатидан идрок қилинишидан иборат бўлади.

*Прогностик кейс*яқин ўтмишдаги ва ҳозирги воқеаларнинг анча батафсил баёнини беради, ундаги объектнинг келгусидаги ҳолатининг энг яхши вариантыни ишлаб чиқиш вазифасини қўяди.

**Объектига қараб кейслар турлари** Вазият объектига қараб кейслар шартли равишда уч гуруҳга бўлинади:

- *Шахсларга оид кейс*, унда аниқ субъектлар: менежерлар, сиёсатчилар, раҳбарлар амал қиладилар.

- *Ташкилий-институционал кейс* - унинг объекти институционал тизимлар: ташкилотлар, фирмалар, компаниялар, корхоналар, фермер хўжаликлар ва улар бўлинмалари бўлиши билан фарқланади.

- *Кўп объектлик кейс*—одатда бир неча ҳаракат қилувчи объектларни ўз ичига олади.

**Материални баён қилиш усулига кўра кейслар турлари** Материалларни етказишнинг жанрга хос хусусиятларига қараб кейс куйидаги турлардан бири шаклида тақдим этилиши мумкин:

- ҳикоя;
- эссе;
- таҳлилий ёзишма;
- журналист тергови;
- ҳисобот;
- очерк;
- фактлар мажмуи;
- статистик материаллар мажмуи;
- ҳужжатлар ва ишлаб чиқариш намуналари мажмуи.

**Катталигига қараб кейслар турлари**

- Кейслар катталигига қараб уч турда бўлади:
- қисқа (лўнда) кейс;
- ўртача миқдордаги кейс;
- катта (узун) кейс.

Кейснинг катталигиунинг ҳажмига боғлиқ бўлади ва уни таҳлил этиш учун зарур ўқув вақтини белгилайди.

*Қисқа кейс* - шунингдек ”европача”, қисқа кейс деб ҳам аталади. Унинг ҳажми бир неча жумладан бир-икки саҳифагача бўлади. Унинг ечими икки соатлик амалий машғулотнинг бир қисмини банд қилишига мўлжалланган.

*Ўртача миқдордаги кейс* —унинг кўриб чиқилиши одатда икки соатлик машғулотни банд қиладди.

*Катта кейс* ("америкача", узун) – ўнлаб саҳифаларни ўз ичига олади, бир неча амалий машғулотлар давомида ва ҳатто бутун ўқув курси мобайнида қўлланилиши мумкин.

**Тузилмасига қараб кейслар турлари** Тузилмавий хусусиятларига қараб кейсларнинг икки тури фарқланади:

- тузилмага келтирилган;
- тузилмалага келтирилмаган.

*Тузилмавий кейс* тузилмавий шакли вазиятнинг идрок этилиши ва фикрланишини енгиллаштирадиган ахборотни ўз ичига олади.

*Тузилмага эга бўлмаган кейс*, одатда, муаммони батафсил (баъзан, ҳатто ҳаддан ортиқ тафсилотлари билан) ёритадиган катта ҳажмдаги тузилмаланмаган ахборотни ўз ичига олади.

**Ўқув топшириғини тақдим этиш усулига кўра кейслар турлари** Ушбу таснифлаш асосига кўра кейслар икки турда бўлади:

- *Саволли кейс*–унинг ечилишида талабалар вазият баён қилинганидан кейин қўйиладиган саволларга жавоб бериши керак.

- *Кейс-топшириқ* - кейсни ҳал қилиш жараёнида бажарилиши лозим бўлган вазифа ёки топшириқ, одатда вазият баёнигача қўйилади.

**Дидактик мақсадларига кўра** Ушбу таснифлаш асосига кўра кейсларнинг беш тури фарқланади:

1. *Муаммо, ечим ёки концепцияни изоҳловчи кейс*. Таниқли ва муваффақият билан ишлайдиган корхоналар (компаниялар)нинг узок муддат давомидаги иш фаолиятини баён қилади (мақсадлари, стратегиялари, маҳсулот модификациялари, турли бозорлардаги иши ва бошқалар).

Бундай кейснинг таълимий мақсади–мисол орқали ўқитиш. Режалаштириладиган ўқув натижалари–тўғри қабул қилинган қарорларни эслаб қолиш, таниқли ва муваффақият билан ишлайдиган корхоналар ва тармоқларнинг амалиёти билан танишиш.

2. *Тренингли, ўқув мавзуйпредмети бўйича малака ва кўникмалар орттиришга мўлжалланган*. Унинг таълимий мақсади - талабаларга бирор бир ҳаракатларни бажариш алгоритмини ўргатиш.

Талаба қуйидагиларни ўрганиши керак: муайян модель формулаҳисоб-китоб алгоритмини қўллаш, берилган одатий вазиятда ягона тўғри қарорни қабул қилиш.

3. *Таҳлил ва баҳолашга ўргатувчи.* Кейсда аниқ вақт давридаги вазият баён қилинган, вазият субъекти олдида турган муаммолар аниқланган ва аниқ ифодаланган.

Талаба вазиятни тушуниши, таҳлил қилиши ва баҳолаши, қўйилган муаммо юзасидан қарор қабул қилиши лозим.

4. *Муаммони ажратиши ва ечиши, мутахассисликка доир қарорлари қабул қилишга ўргатувчи.* Мураккаб баён қилинган вазиятга эга. Муаммо вазиятга киритиладию, лекин аниқ намоён бўлмайди. У статистик маълумотлар, хўжалик ҳисоботлари, бўлинмалар раҳбарлари нутқлари ва шу кабиларда тақдим этилган.

Талабалар муаммони аниқлаши ва ифодалаши, уни ҳал этиш усуллари ва воситаларини кўрсатиши керак.

5. *Вазият субъекти ривожининг янги стратегиялари ва йўллари, янги баҳолаш услублари ва шу кабиларни ишлаб чиқишга рағбатлантирувчи.* Бундай кейснинг ўзига хос хусусияти шундаки, бошқарувчилик муаммоси корхона фаолиятининг муайян турига, муайян асосий шарт-шароитларга боғлаб баён қилинади.

Талабаданвазият субъектини ривожлантиришнинг янги стратегияси ва йўллари топиш талаб қилинади. Бундай кейсдаги вазиятда ахборотнинг бир қисми бўлмаслиги мумкин. Ахборотга эҳтиёжни аниқлаш ва уни топиш – талабанинг яна бир вазифасидир.

### **Безатиш усулига қараб кейслар турлари**

Кейслар талабаларга турли шаклда тақдим этилиши мумкин: босма, электрон, видео-кейс, аудио-кейс, мультимедиа-кейс.

Ўқитиш амалиётида, одатда, босма шаклдаги ва электрон ташувчилардаги кейслар қўлланилади – бундай шаклдаги ахборот билан ишлаш аудио ёки видео-вариантлардагига нисбатан қулай ва таҳлил қилиш осонроқ. Бундан ташқари, кўп марталаб интерактив кўздан кечириш имкониятларининг чекланганлиги бирламчи ахборотнинг бузилиши ва хатоларга олиб келиши мумкин. Мультимедиа – кейсларнинг имкониятлари юқорида кўрсатилган қийинчиликларнинг олдини олишга имкон беради ва ўзларида матнли ахборот ва интерактив видео-тасвир устунликларини мужассам этади.

*Кейс топшириқларини талабалар ҳамкорликда ўрганиши, вазиятларни муҳокама қилишлари фикрлашларини ривожлантиради, гуруҳ орасида ўз нуқтаи назарини айта олишга ҳамда ҳимоя қилиш орқали ўзига ишончи яна бир қарра ошади.*



Глобаллашув даражаси жадал ўсиб бораётгани иқтисодда, маданият ва ижтимоий соҳаларда халқаро таълим ўтказиши билан баҳоланади.

Авваламбор инсонпарвар лойиҳалар имкониятлари ҳақида ўрганиши, дўстлик, биродарликва тинчликка урғу берилади. Австралия халқаро таълимида амалда халқаро таълим ишлаб чиқилади. Капитал глобал, билим ва одамлар тасаввурлари оқимларнинг мазмунини аниқлашда миллий чегарага қараганда булар педагогика муносабатларда, ўқув дастури лойиҳасида, дастурларни ривожлантиришида етказиши шакллари ўзгартиришларига олиб боради. Шундай қилиб, Nippes ва Hellsten баҳслашади, бу ўзгаришлар халқаро ўқув таълимни кенгайтиради ва унинг маҳсулотларига турлиликни олиб киради.

Ва халқаро педагогика турли туманликни ушлашда транспорт воситаси бўлади. Инглиз тилидан бошқа тил келиб чиқиши назарда тутилгани муҳим эмас. Изланиш органининг ҳамкорлик шаклининг зийраклик самарадорлигини эгаллаш мақсадида ўтказилди. (жамоавий баҳс) Ҳамкорликда ўрганиши ҳамкорлик принципларига айланган мазмун моҳияти марказлашган.

Ўқитувчи таълими ўзининг диққатини эътиборини ўқитувчи қандай ўқитишига эмас ўқувчининг қандай ўрганишига кўчирди. Бу кўчишининг асоси ўқитувчиларнинг ҳамкорликдаги режаслаштириши, ўқитиши ва ўқувчиларнинг ўрганишини баҳолашдир.

Шу билан бирга ўқувчилардан гуруҳ бўлиб ишлашни талаб қилиниши мавжуд мактабларнинг тузилишидаги ўзгаришлар ёки синфда ўтириши усули, ҳамкорликдаги ўқитиши усулларида фойдаланишига олиб келади.

Шунингдек ўқитувчилар ҳам ҳамкорликдаги ўрганишининг фойдали эканини билишади, улар ҳозирги усуллари ва уларнинг қисмларини камдан кам ишлатишади.

Бундай моделлар интеллектуал сифатга эришишни рағбатлантириб қолмасдан балки ижобий ўзаро боғланиши, шахсий масулиятлилик, юзма юз муносабат ва катталар билимларини диологик амалиётларини ва гуруҳда ишлаш малакаларини сақлаш кўпчилик катталар жамоалари орасида аъзоларнинг ҳаракатлари қалтис вазиятга бориб қолади, ўша одамлар бир бири билан тенгдошдек гаплашадилар.

### **Ҳамкорликда мунозара**

Кейс технологиясида ечим муҳим эмас балки муҳокама муҳим ҳисобланади. Шундай экан ҳамкорликда мунозара 3та интерактив тамойил билан аниқланади.

Биринчиси, умумийлаштириши тамойили талабаларнинг шахсий фикрлари ҳақидаги вазифа. Иккинчи мақсадлаштириши тамойилини талаб қилади. Фикрларнинг вазифага алоқадорлигини тажриба ёки мантқиқий сабаб орқали рад қилиниши мумкин. Талабалар ўхшаши ва фарқларни қайд қилишлар орқали гуруҳ тенгдошлари билан тушунтиришади. Учинчи вазифа ҳақидаги фикрларнинг бир бирига қарама қаршиси ва ўзаро ягона назарни қайта ишлаб чиқишади. Кетма кетлилик орқали талабалар бунда аниқ фикрларни қабул қилишлари ёки рад қилишлари мумкин. Brown ва Renshev Miller тамойилларини кенгайтиришди. Кичкина гуруҳларни ўз ичига олган розилик ва қайта вазиятлаштириши асосида. Агар талаба тушунмаса аниқлаштириши вазифаси бор. Гуруҳ аъзолари билан мулоқот қилиши муаммоларида талабалар ўхшаши атамалари қайта ифодаланиши ва фикрларини ҳимоя қилишлари ва уни кучида қолишини қайта баҳолашади.

Ҳамкорликда мунозара ўрта мактаб талабаларининг фикрларини қайта қуриши математикани билиши ва ёрдам бериши ҳолатларида натижалари самарали деб топилди. Агар катта талабалар ўхшашилик ҳолатларини қайта қуриши билан баҳоланган, ҳамкорликда мунозара турли хиллилик, дунёқараши турли хил бошқалар фикрини ва ечимини топилганда энгилликка эга бўлишади.

### Ўрганиши

90 дақиқалик дарсда битказувчилардан гуруҳда 38 талаба business, журналист, илм, санъат, таълим ва архитектор соҳасидаги бошланғич даражани қамраб олган талабгорлардан аудио ва видео ёзувлар йиғиб олинди. 7 таси аёл хорижий талабалар, (Хитойдан) қолган 31 тасидан 7 таси эркак талабалар кўпчилик талабалар 2 ҳафта мобайнида жадал ишлашди. Курс 5 кун асосий бинода изланиши ёндашувини ўз ичига олиб, методология ва лойиҳа жорий қилиши техникасини ўз ичига олди. Дастлабки 2 кунда талабалар саволлар билан, методология билан шуғулланишди.

3 кун талабалардан видео ёзувлар олинди, улар қатнашаётган вазифа бўйича вазифа талабалардан изланишида фойдаланилган методологияни аниқлашлари талаб қилинади, улар 2 ва 3 бўлак матн далили билан таъминланади ва билиши назарияси ва онтологияни зиммасига олиши билан мустаҳкамланади.

Изланиши ўқитувчиларнинг ўқитиши ҳақида суҳбат мавзуси остида олиб борилади.

**Таҳлил**

*Socio* маданий ёндашув билан ишлаш таҳлиллари бутун гуруҳ вакиллари гуруҳ таҳлилида кўриб чиқилди. Виготский (1987) ижтимоий интерактивига ўрганиш жараёнида урғу берди.

Ижтимоий текислик фаолияти ҳаракати ички текислик фаолияти, бироқ ўқитувчилардек талабалар ижтимоий ҳамкорлиги талаб қилинади.

Ижтимоий алмашинув пайтида гуруҳда, талабалар диққатининг аралашувидан фойдаланилади.

Баҳс атамасини ишлатиш ўз ичига олади барча турдаги нутқларни ва асосий мақсад муаммонинг жамоавий ечимини топиш.

Brown ва Marshal 2000 Miller нинг (1987) ишини такомиллаштирди мантқиқий фаолият ижтимоий маданий фарқни марказлаштиришга урғу берди. Жамоавий мунозарани ривожлантиришида Brown ва Renshaw (2000) тушуниш йўллари маданий асбоблар ва бошқалар идроки муаммонинг ечимини топишни ўз ичига олади.

Изланиш турли табақали ва хориж талабалари бир бири билан ҳамкорликда масалани ечиш ва қандай қилиб турли хил дунёқарашларни (характерни) бирлаштириш эди. Бу курснинг халқаро характери курснинг мазмуни ва талабаларнинг курсга киритилганлигини исботлайди.

Таълим берувчилар сифатида бизнинг мақсадимиз бу талабаларни халқаро меҳнат бозорида уларнинг касбий маҳоратини ошириш.<sup>10</sup>

**Кейсни ишлаб чиқишнинг процессуал тизими****Кейсни ишлаб чиқиш модели**

Кейснинг яратилиши мураккаб процессуал тизимдан иборат бўлади. Кейсни ишлаб чиқиш модели 4-чизмада тақдим этилган.

<sup>10</sup>Meeri Hellstén • Anna Reid Editors “Researching International Pedagogies” Australia 2008



#### 4-чизма. Кейсни ишлаб чиқиш модели.

Чизмада кўриниб турганидек, кейснинг шакллантирилишига бир неча омиллар таъсир қилади:

1. *Давлат таълим стандартида (ДТС) кейсни ишлаб чиқишга асос бўлган ўқув предмети бўйича ифодаланган таълим тизими талаблари* - кейснинг предметни ўқитиш тизимидаги ўрни, унинг мақсадлари ва ўқув натижалари, талабалар кейсни ҳал қилиш учун олдиндан эгаллаши лозим бўлган билимларни белгилайди.

2. *Ушбу предмет бўйича таълим тизимини қамраб оладиган дидактика*– таълим мазмуни; таълим мақсадларининг амалга оширилиши ва прогноз қилинадиган ўқув натижаларига эришишни воситали тарзда таъминлайдиган ўқитиш услублари, шакллари ва воситалари, ахборот, коммуникация ва бошқарув усуллари ва воситаларини; таълим

жараёнининг кечиши ва натижаларини белгилайдиган қонуниятлар, тамоёиллар, қоидалар ва нормативларни белгилайди.

3. *Социум, институционал тизим – кейс объекти, ДТСда юз берадиган ўзгаришлар* - кейсга ўзгаришларни киритиш орқали ахборот таъминотида тезкорлик билан акс этиши керак.

4. *Кейсологнинг касбий маҳорати* - ўқув предмети бўйича билимлар мажмуи, кейсни ишлаб чиқиш, таълимнинг кейс-технологиясини лойиҳалаштириш, режалаштириш ва амалга ошириш қобилиятидан иборат бўлади. Кейсни ишлаб чиқиш жараёнининг ўзи кейсологнинг мақсадни фараз қилишидан то кейсни таълим жараёнига жорий этишгача бўлган жами ҳаракатлари изчиллигидан иборат.

Кейсолог фаолияти мазмунини босқичма-босқич кўриб чиқамиз.

### **Мақсаднинг қўйилиши**

Кейсни ишлаб чиқишнинг ушбу биринчи босқичи қуйидаги ҳаракатларни ўз ичига олади:

- кейснинг ўқув курси тузилмасидаги ўрнини белгилаш;
- унинг таълимий мақсадини ифодалаш (талабаларни таништириш, ... ҳақидаги билимларни шакллантириш чуқурлаштириш, ўргатиш, малакаларни орттириш, кўникмаларни ривожлантириш ва ҳоказо);
- кейснинг талабаларнинг таълимдаги ютуқлари натижалари учун “масъулият зонаси”ни аниқлаш;
- ўзлаштирилиши, кенгайтирилиши, ривожлантирилиши лозим бўлган билим, малака ва кўникмалар рўйхати (... ни таҳлил этади, тузадимҳосилдорликни ошириш режасини ишлаб чиқади (амалга ошириш босқичлари)... га тайёрлик кўникмаларини намоён этади ва ҳоказо);
- ечими талабаларнинг мўлжалланган ўқув натижаларига эришишини таъминлайдиган педагогик вазифаларнинг белгиланиши (... ни ўргатиш, ... ни бир тизимга солиш, ... ни тушунтириш ва ҳоказо).

Талаба – кейсологнинг аниқ ва бир хилда ифодаланган таълимий мақсадлари, ўқув натижалари ва вазифалари вазиятга доир машқни “қуриш” учун асос бўлади. Талабалар кейсда берилган реал вазиятларни таҳлил қилиш орқали мутахассисликга оид муоммолар ечимини фикрлаш натижасида топади ва чуқурроқ англаб этади.

### **2.3. Кейс – стадининг услубий паспорти**

Таълим жараёнининг сифати таълим берувчининг ўқитиш методларини тўғри танлашига боғлиқдир. Тўғри танланган метод таълим олувчиларнинг янги билимларни онгли ва чуқур ўзлаштиришларига,

уларда фаоллик ва ижодкорликнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Шу сабабли тажрибали ўқитувчи таълим самарадорлигини ошириш мақсадида ўқитишнинг кўп сонли методларидан энг қулай ва ўқувчиларнинг билим олишини фаоллаштирадиган методларни танлайди. Таълим методларини танлаш ҳар бир дарснинг дидактик мақсадига боғлиқ бўлиб, ўқитувчи мавзунинг ҳажми ва мураккаблиги, таълим олувчиларнинг ўқув имкониятлари, яъни қизиқиши ва қобилиятларини эътиборга олиб дарсни оқилона ташкил этиши керак. Ўқитувчи томонидан пухта режалаштирилиб, танланган метод таълим олувчиларни фаолликка, назарий билимларини амалда қўллашга ундаши лозим.

Аниқ вазиятлар методи - кейс-стади (case инглиз - тўплам, аниқ вазият, study - ўрганиш) таълим олувчиларни муаммони ифодалашга ва мақсадга мувофиқроқ ечим излашга йўналтирувчи фаол таълим методлардан бири бўлиб, ҳаётдан олинган одатий вазиятларни ташкиллаштириш ёки сунъий яратилган вазиятларга асосланади.

Кейс-стади муайян ўқув мақсадли билим олиш воситаси сифатида ишлаб чиқиши лозим. Ушбу мақсадлар кенг қўламли бўлиб, ахборот, маълумот ёки тафсилот билан таъминланишни назарда тутаяди. Кейс ўқув материални ўзлаштириш учун кўмаклашувчи ахборотни ўз ичига олади.

Кейс-стади таълим олувчиларнинг ҳамкорликда аниқ бир иш жараёнида содир бўлган вазиятни (кейсни) таҳлил қилиш орқали унинг ечимларини топиш, ишлаб чиқиш, тақлиф этилган алгоритмлар – ечимларга баҳо бериш ва қўйилган муаммо ечимлари ичидан мақбулини танлашни назарда тутаяди.

Кейс-стади кўшимча ахборотлардан, жумладан, аудио, видео ва электрон етказувчилар ва ўқув-услубий материаллардан иборат бўлиши мумкин.

**Кейс-стади методининг қуйидаги афзал томонларини кўрсатиб ўтиш мумкин:**

- гуруҳларнинг ягона муаммоли майдонда ҳамкорликда ишлаш имконияти;
- қўшимча ахборотларни йиғиш, фаразларга аниқлик киритиш ва муаммоларни ечиш бўйича амалий фаолиятларини моделлаштириш имконини бериши;
- таҳлил қилиш, тенглаштириш йўллари қидириш ва муаммони ечиш эркинлигини бериши;
- муаммоли таълим принципларига асосланганлиги;
- таълим олувчиларда умумлаштириш, таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириши;



- билим ва кўникмаларнинг амалда бажариш орқалиш ўзлаштирилиши.

**Кейс-стади таълим олувчиларда қуйидаги кўникмаларни ривожлантиради:**

- таҳлил қилиш
- амалий фаолият
- коммуникативлик
- изланувчанлик
- ижодийлик
- ўз-ўзини таҳлил қилиш.

### Кейснинг услубий паспорти

**1) педагогик аннотация**

**2) кейс**

**3) таълим олувчига услубий кўрсатмалар**

**4) ўқитувчи – кейсологнинг кейснихал этиш варианты**

**5) ўқитишнинг кейс-технологияси**

Кейснинг педагогик паспортини компонентлари бўйича кўриб чиқамиз.

**Педагогик аннотация** қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

1. Кейс мўлжалланган предмет, бўлим, мавзу, таълим даражаси, курс кўрсатилади.

2. Кейсданкўзланган мақсад (таълимий мақсад, режалаштириладиган ўқув натижалари).

3. Талабалар кейсни муваффақиятли ҳал этиш учун эгаллаши лозим бўлган дастлабки билим ва малакалар.

4. Кейс реал институционал тизим фаолиятини акс эттириши ёки унда кейсолог сунъий моделлаштирган вазият баён қилиниши ҳақидаги маълумот.

5. Ахборот олиш манбалари рўйхати.

6. Кейснинг ўзига хос белгиларига кўра тавсифномаси (сюжет, кейс объекти мавжудлиги, материални тақдим этиш усули, ҳажми, тузилмавий ўзига хос хусусиятлари, ўқув топшириғини тақдим этиш усули, чизмалаштириш усули).

7. Кейсданкўзланган мақсад ва тегишлича, ташкилий-услубий таъминоти ўзгарганида у қўлланилиши мумкин бўлган ўқув предметлари рўйхати.

**Мисол:КЕЙС Педагогик аннотация**

Ўқув предмети: “Ўсимликшунослик”.

Мавзу: Донли экинларнинг умумий тавсифи, ривожланиш шароити

Кейснинг асосий мақсади:

Таълим олувчиларни донли экинларнинг умумий тавсифи, ривожланиш шароити ҳақидаги билимларни ўрганиш. Донли экинларининг етиштиришга оид муаммоларни кейс асосида аниқлаш ва ечимини топишга ўргатиш.

Ўқув фаолиятдан кутилаётган натижалар:

- ўзлаштирилаётган мавзу бўйича билим ва кўникмаларни мустаҳкамлайди;
- мавзудаги асосий мақсадни аниқлай олади;
- донли экинларнинг умумий тавсифи ва ривожланиш боғлиқ муаммоларни аниқлаш ҳамда ечимини топиш бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлади;
- мантиқий фикрлашни ривожлантиради;
- ўқув ахборотларини ўзлаштириш даражасини текшириб кўриш имкониятига эга бўлади;
- мустақил тарзда қарор қабул қилиш малакаларини эгаллайди;
- дончилик Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини етакчи тармоғи эканлигини тушуниб етади;
- дончилик ўсимликшуносликнинг асосий тармоқларидан бири эканлиги, аҳолини тўйимли озиқ-овқат маҳсулотлари, енгил саноатнинг бир қанча тармоқлари учун хомашё ва чорвачиликни ем-хашак билан таъминлашда ўрни нақадар муҳим эканлигини англайди.

Ушбу кейс реал институционал тизим фаолиятини акс эттиради.

Кейс объекти - Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини етакчи тармоғи

дончиликни ривожлантирувчи ташкилотлар.

Манбалардан фойдаланиш учун тавсия этиладиган адабиётлар:

- маърузалар матни, уқув услубий ишланмалар;

Кейснинг ўзига хос белгиларига кўра тавсифномаси:

Кейс ҳаётий, сюжетсиз кейслар категориясига киради ва статистик материаллар асосида тузилади. Кейс қисқа, тузилмаланган. Бу кейс-топшириқдир.

Дидактик мақсадларга кўра кейс, ўтилган мавзу бўйича кўникма ва малакалар орттиришга мўлжалланган, шунингдек бу кейс донли экинларнинг умумий тавсифи, ривожланиш шароити оид ҳаётий муаммоларни ҳал этиб, таҳлил қилиш ҳамда ечимини топишга қаратилган.

Кейс эгалланган билим ва кўникмаларни ҳаётда қўллашга йўналтирилган.

Кейс электрон версияда тақдим этилган.

Кейсдан қуйидаги ўқув предметларини ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин: ”Ўсимликшунослик”, ”Дехқончилик”.

**Кейсни муваффақиятли амалга ошириш учун таълим олувчилар қуйидаги билимларга эга бўлиши лозим:**

- ўсимликшунослик фани бўйича билимга эга бўлиш;
- тупроқшуносликка оид билимларга эга бўлиш;
- мавзунинг асосий моҳиятини аниқлай билиш;
- донли экинларни етиштириш технологиясини билиш;
- донли экинларни юқори ҳосил етиштиришни таҳлил қилиш ва умумлаштириш.

**Таълим олувчи амалга ошириши керак:**

- мавзунини мустақил ўрганади;
- муаммоларни аниқлайди;
- фаразларни илгари суради;
- ўқув маълумотлар билан мустақил ишлайди;
- маълумотларни таққослайди, таҳлил қилади ва умумлаштиради;
- маълумотларни танқидий нуқтаи назардан ўрганиб чиқиб, мустақил қарор қабул қилади;
- ўз нуқтаи назарига эга бўлиб, яқуний хулоса чиқаради.

## КЕЙС

### “Ғаллачиликни ривожлантириш муаммоси”

Дончилик ўсимликшуносликнинг асосий тармоқларидан бири бўлиб, аҳолини тўйимли озиқ-овқат маҳсулотлари, енгил саноатнинг бир қанча тармоқлари учун хомашё ва чорвачиликни ем-хашак билан

таъминлайди. Дончиликда ўсимликшунослик каби ўзига хос хусусиятлари мавжуд: мавсумийлиги, муайян технологик тадбирларни маълум муддатларда ўтказиш, ташқи шароитни доимо ўзгариб туришидир.

Савол:

Қандай қилиб аҳолини тўлиқ дон маҳсулоти билан таъминлаш лозим?

Ғаллачиликни ривожлантириш учун Ўзбекистонда нима ишларни амалга ошириш керак?

### **ТАЛАБАГА УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР**

Кейс услубий паспортининг мазкур компоненти қуйидагиларни ўз ичига олади:

- кейсдаги муаммо ва кичик муаммолар ифодаси (агар кейс муаммони излаш ва ҳал этишга ўргатадиган кейслар тоифасига кирмайдиган бўлса);
- муаммо ечими алгоритми (ушбу элементнинг бўлишини ўқитувчи – кейсолог белгилайди);
- муаммоли вазиятни таҳлил этиш ва ҳал қилиш варағи ёки муаммоли вазиятни таҳлил этиш ва ҳал қилишга доир йўриқнома;
- кейс билан индивидуал ва гуруҳ бўлиб ишлашни баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари;
- ўқув-услубий материаллар: ҳисоб-китоблар қоидалари ва формулалари, услублар ва русумлар баёни ва бошқалар (кейсологнинг фикрига қараб).

#### **Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш ва ҳал этиш бўйича таълим олувчиларга услубий кўрсатмалар**

Иш босқичлари	Маслаҳатлар ва тавсияномалар.
1. Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан танишиш	Аввало кейс билан танишинг. Ғаллачиликни ривожлантиришга тўсиқ бўлувчи барча омиллар ва уларнинг сабаблари ҳақидаги ахборотни диққат билан ўқиб чиқиш лозим. Ўқиш пайтида вазиятни таҳлил қилишга шошилманг.
2. Берилган вазият билан танишиш	Маълумотларни яна бир маротаба диққат билан ўқиб чиқинг. Сиз учун муҳим бўлган сатрларни белгиланг. Бир абзацдан иккинчи абзацга ўтишдан олдин, уни икки уч маротаба ўқиб мазмунига кириб борамиз. Кейсдаги муҳим фикрларни қалам ёрдамида остини чизиб қўйинг. Вазият тавсифида берилган асосий тушунча ва ибораларга диққатингизни жалб қилинг. Ушбу

	вазиятдан ҳозирги Ўзбекистонда ғаллачиликни ривожлантириш учун нима ишларни амалга ошириш кераклигини аниқланг.
3. Муаммоли вазиятни таҳлил қилиш	Асосий ва кичик муаммоларга диққатингизни жалб қилинг. <b>Асосий муаммо: Ғаллачиликни ривожлантириш ва унга тўсиқ бўлувчи омилларни аниқлаш.</b>
4. Муаммоли вазиятни ечиш метод ва воситаларини танлаш ҳамда асослаш	Ушбу муаммонинг олдини олиш ҳаракатларини излаб топиш мақсадида қуйида тақдим этилган “Муаммоли вазият” жадвалини тўлдиришга киришинг. Муаммони ечиш учун барча вазиятларни кўриб чиқинг, муқобил вазиятни яратинг. Муаммонинг ечимини аниқ вариантлардан танлаб олинг, муаммонинг аниқ ечимини топинг. Жадвални тўлдиринг. Кейс билан ишлаш натижаларини ёзма шаклда илова этинг.

**“Муаммоли вазият” жадвалини тўлдиринг**

Муаммолар	Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари	Вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатлари

**Ўзбекистонда дон етиштириш босқичлари**

Йиллар	Экин майдон, минг.га			Ҳосилдорлик, ц/га		
	Жами	Сувли ерлар	Лалми ерлар	Жами	Сувли ерлар	Лалми ерлар
1991	789,5	240, 2	549, 3	11,9	-	7,4
995	1420,6	894, 9	525, 7	18,9	26, 2	6,4
2000	1418,0	1128, ,2	289, 8	25,5	30, ,3	2,7

2005	1302,6	1079	223,	39,9	46	7,2
		,3	3		,6	
2006	1286,0	1096	227,	41,3	46	4,1
		,7	5		,7	
2007	1296,8	1094	155,	41,3	48	6,9
		,6	2		,0	

### Ўқитувчи – кейсолог варианты

Кейс услубий паспортининг ушбу компоненти қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Кейсдаги муаммо ва кичик муаммолар ифодаси (агарулар талабага услубий кўрсатмаларда тақдим этилмаган бўлса);
- Муаммо ечими (кичик муаммолар ёки вазифалар бўйича);

Муҳокама учун саволларга жавоблар.

### Кейсологнинг жавоб варианты

#### Муаммо:

Қандай қилиб аҳолини тўлиқ дон маҳсулоти билан таъминлаш лозим? Ғаллачиликни ривожлантириш учун Ўзбекистонда нима ишларни амалга ошириш керак? Ғалла мустақиллигига эришиш учун нима иш қилиш керак?

### “Муаммоли вазият” таҳлили натижалари ва тавсиялар

Муаммоли вазият тури	Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаблари	Вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатлари
Қандай қилиб аҳолини тўлиқ дон маҳсулоти билан таъминлаш лозим? Ғаллачиликни ривожлантириш учун Ўзбекистонда нима ишларни амалга ошириш керак? Ғалла мустақиллигига эришиш учун нима	-Донли экинларни ривожланишини билмаслик; - дон ва дон-дуккакли экинлар бўйича ИТИ ташкил қилинмаганлиги ; - дончиликда маъдан ўғит ва кимё воситалари етарли эмаслиги; -хорижий ва маҳаллий навлардан қиёсий ўрганилмаганлиги;	-Илмий асос яратиш – дон ва дон-дуккакли экинлар бўйича ИТИ ташкил қилиш ва вилоятларда унинг филиалларини очиш; -моддий-техника базасини такомиллаштириш; -дончиликни маъдан ўғит ва кимё воситалари билан



<p>иш қилиш керак?</p>	<p>-уруғчилик тармоқлари ташкил қилинмаганлиги; - уруғ сифати назорат қилиш такомиллашмаганлиги; -ғаллани барча агротехник тадбирларни ўсимликнинг ривожланиш босқичларига қараб ташкил этилмаслиги; - ғаллани етиштиришни янги технологияларини яратилмаганлиги.</p>	<p>таъминлаш; -хорижий ва маҳаллий навлардан истиқболли-ларини танлаб олиш; -уруғчилик тармоқлари ташкил қилиш ва уруғ сифати назорат қилиш; -ғаллани барча агротехник тадбирларни ўсимликнинг ривожланиш босқичларига қараб аниқ ўтказиш зарур; - ғаллани етиштиришни янги технологияларини яратиш.</p>
------------------------	---	--

**Муаммоли вазиятларни ҳал этиш бўйича амалий машғулотдаўқитиш технологияси**

**Таълим технологиясининг модели**

<p>2 соат</p>	<p>Таълим олувчилар сони: 30 кишидан ошмаслиги лозим</p>
<p>Мавзу</p>	<p><b>Донли экинларнинг умумий тавсифи, ривожланиш шароити</b></p>
<p>Амалий машғулот: Режаси:</p>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Кейс мазмунига кириш.</li> <li>2. Таҳсил олувчилар билимларини фаоллаштириш мақсадида “Блиц - сўров” ўтказиш.</li> <li>3. Муаммони ва уни ечиш вазифаларини аниқ ифода этиш.</li> <li>4. “Кейс – стади”ни гуруҳларда ечиш.</li> <li>5. Натижалар тақдироти ва муҳокамасини ўтказиш.</li> <li>6. Якуний хулоса чиқариш. Эришилган ўқув</li> </ol>

	натижаларига кўра таҳсил олувчилар фаолиятини баҳолаш
<i>Машигулотнинг мақсади:</i> Таълим олувчиларни донли экинларин аҳамияти, тарқалиши, экин майдони, ҳосилдорлиги. Донли экинларнинг ривожланиш давлари. Бу даврларни ўтишига таъсир қиладиган омиллар. Экинларнинг ўсув даври. Ташқи муҳитнинг таъсири, бошқарув усуллари. Буғдойнинг биологияси, навлари, етиштириш технологияси - ҳосилни йиғиштириш услуби: муддати, қўлланадиган техника, донни тозалаш ва сақлашни ўрганиш ҳамда кейсда берилган муаммоли вазиятларни аниқлаш ва ечимини топишга ўргатиш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:.</i>
- кейс мазмунини мустақил ўрганиш учун асос яратади; -“Ғаллачиликни ривожлантириш муаммоси”га оид вазият билан таништиради; - муаммони ажратиб олишга ўргатади, таққослашга, таҳлил қилишга, умумлаштиришга кўмак беради; - муаммони ҳал этиш бўйича аниқ ҳаракатлар кетма – кетлигини тушунтириб беради; -муаммоли вазифаларни ечишга шарт - шароит яратади; - мантиқий хулоса чиқаришга кўмак беради	- кейс мазмуни билан олдиндан танишиб чиқиб, ёзма тайёргарлик кўради; -“Ғаллачиликни ривожлантириш муаммоси”ни ечиш бўйича аниқ вазиятларнинг кетма–кетлигини аниқлайди; - муаммоли вазифаларни ечишда назарий билимларини қўллайди; - муаммони аниқлаб, уни ҳал қилишда ечим топади; - яқуний мантиқий хулосалар чиқаради.
<i>Ўқитиш методлари</i>	“Кейс – стади”, “Муаммоли вазият” услуби, “Баҳс - мунозара”
<i>Ўқитиш воситалари:</i>	Маркерлар, қоғозлар, доска, бўр, органайзерлар
<i>Ўқитиш шакллари</i>	Жамоавий ва гуруҳларда ишлаш
<i>Ўқитиш шарт-шароити</i>	Гуруҳларда ишлашга мўлжалланган ўқув хонаси
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	муаммолар ечими, савол-жавоб, тақдимот

Амалий машғулотнинг технологик харитаси

<i>Иш жараёни ари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>Ўқитувчи</i>	<i>Таълим олувчи</i>
Тайёрлов босқичи	Мавзуни, вазият мазмунини аниқлайди, информаион таъминотга тайёргарлик кўради, “кейс-стади”ни расмийлаштиради, кейсни кўпайтириш муаммосини ҳал этади. Мустақил равишда тайёргарлик кўришни, тавсия этилган адабиётларни ўқиб ўрганишни тавсия этади	Тинглайдилар
I – босқич Мавзуга кириш(10 дақ)	1.1. Ўқув машғулоти мавзуси, мақсади, вазифалари ва ўқув фаолияти натижаларини айтади, долзарблиги ва аҳамиятига тўхталиб ўтади.	Тинглайдилар
	1.2. Мавзу бўйича таълим олувчилар билимларини фаоллаштириш мақсадида блиц – сўров ўтказидади (6-илова)	Саволларга жавоб билдиради
	1.3. “Кейс-стади” вазифаси, амалий машғулотнинг иш тартиби ва натижаларни баҳолаш мезонлари билан таништиради. Кейс мазмуни билан янада яқинроқ танишиб чиқишлари учун таълим олувчиларга материалларни тарқатиб чиқади	Танишадилар
II-босқич. Асосий (60 дақ)	2.1. Кейсда бор бўлган материалларни муҳокама қилишни ташкиллаштиради, диққатни кейс билан ишлаш қоидаларига, муаммони ечиш алгоритмига ва вазифани аниқлаштиришга қаратади.	Муҳокама қиладилар
	2.2. Мустақил равишда уйда ўқиб келинган вазият таҳлилини ўтказишни таклиф қиладди	Вазиятни таҳлил қиладилар
	2.3. Таҳсил олувчиларни кичик гуруҳларга ажратади. Мавзу бўйича тайёрланган топшириқларни “Муаммоли вазият” услубидан фойдаланилган ҳолда тарқатади (илова)	Гуруҳларга ажралади, ёзиб оладилар, топшириқлар устида ишлайдилар

	2.4. Кичик гуруҳларда кейс билан якка тартибда бажарилган ишлар натижаларини муҳокама қилишни ташкиллаштиради. Гуруҳларга топшириқларни бажариш учун ёрдам беради, қўшимча маълумотлардан фойдаланишга имкон яратади. Диққатларини кутиладиган натижага жалб қилади	Фаол қатнашадилар
	2.5. Ҳарбиргуруҳтопшириқларниватман-қоғозларгатушириб, тақдимотиниўтказишдаёрдамберади, изоҳберади, билимлариниумумлаштиради, хулосаларгаалоҳидаэътиборберади. Топшириқларнинг бажарилиши қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди	Бажарилган ишнинг тақдимотини ўтказадилар баҳс-мунозара юритадилар баҳолайдилар, хулоса чиқарадилар
	2.6. Таълим олувчиларнинг тақдимотда кўрсатилган фикрларини умумлаштиради	Тинглайдилар
III-босқич Якуний (10 дақ)	3.1. Иш якунларини чиқаради. Бугунги мавзу долзарб эканлигига тўхталиб ўтади. Фаол таҳсил олувчиларни баҳолаш мезонлари орқали рағбатлантиради.	Эшитадилар, аниқлайдилар
	3.2. Тавсия этилган муаммо ечимларига изоҳ беради. Яна бир бор “Кейс-стади”нинг аҳамиятига атрофлича тўхталиб ўтади	Тинглайдилар

Кейс билан ишлаш жараёнини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари(мустақил аудиторияда ва аудиториядан ташқари бажарилган иш учун)

**Аудиториядан ташқари бажарилган иш учун баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари**

Талабалар рўйхати	Асосий муаммо ажратиб олиниб, тадқиқот Обьекти аниқланган макс. 6 б	Муаммоли вазиятнинг келиб чиқиш сабаби ва далиллари аниқ кўрсатилган макс. 4 б	Вазиятдан чиқиб кетиш ҳаракатлари аниқ кўрсатилган макс. 10 б	Жами макс.20 б

**Аудиторияда бажарилган иш учун баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари**

Гуруҳлар рўйхати	Гуруҳ фаол макс. 1 б	Маълумотлар кўргазмалари тақдим этилди макс.4 б	Жавоблар тўлиқ ва аниқ берилди макс.5 б	Жами макс.10 б
1.				
2.				
3.				

8-10балл – аъло, 6- 8 балл – яхши, 4- 6 балл – қониқарли, 0 -4балл – қониқарсиз

**Назорат саволлари:**

1. Кейс-стади таълим услуби сифатида қандай дидактик ўзига хос хусусиятларга эга?
2. Кейс-стадининг моҳиятли белгиларини ифодаланг.
3. Кейслар типологияси ҳақида тушунча беринг?
4. Қишлоқ хўжалик фанларини ўқитишда кейс – стади методидан фойдаланишнинг афзалликлари нимада деб ўйлайсиз?

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Олимов Қ.Т. Педагогик технологиялар. Фан ва технология. 2011. 275 бет.
2. Олимов Қ.Т. Замонавий таълим ва илғор хорижий тажрибалар модули. 2015 йил.
3. Ходиев Б.Ю., Голиш Л.В., Рихсимбоев О.К. Кейс-стади “Иқтисодий олий ўқув юртидаги замонавий таълим технологияси”: Илмий-услубий қўлланма (“Замонавий таълим технологиялари” туркуми). – Т.: ТДИУ, 2009. – 150 бет.
4. Мазкур қўлланманинг дизайнини яратишда “The Commonwealth of Learning” ва “The Southern African Development Community (SADC) Ministries of Education” томонидан тайёрланган “Multigrade Teaching” модули фояларидан фойдаланилди.
5. Meeri Hellstén • Anna Reid Editors “Researching International Pedagogies” Australia 2008

## IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

**1-амалий машғулот:****Қишлоқ хўжалик фанларини ўқитишда модулли ёндошувни амалга ошириш йўллари.**

**Амалий машғулотнинг мақсади:** тингловчиларда модуль таълим технологияси бўйича кўникмаларини шакллантириш.

Қишлоқ хўжалик фанларини ўқитишни модулли ёндошувни амалга ошириш учун ўқитувчи қуйидаги ишларни босқичма-босқич бажариши лозим:

- ўзингиз ўқитишга мутассади бўлган мутахассислик фаннинг ишчи дастурида келтирилган талабалар томонидан эгалланиши лозим бўлган билим, кўникма, малака ва компетенцияларга аниқлик киритиш ва уларни талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун фойдаланилаётган назорат топшириқларини таҳлил қилиш;

- қишлоқ хўжалик фанларининг ишчи дастурларида келтирилган талабалар томонидан эгалланиши лозим бўлган билим, кўникма, малака ва компетенцияларга аниқлик киритиш;

- ўрганилаётган курс мазмунини модульларга ажратиш ва модуль давомида талабалар томонидан эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма, малака ва компетенцияларни аниқлаш;

- модуль таркибидаги ҳар бир мавзу мазмунини таҳлил қилиш ва талабалар томонидан эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма, малака ва компетенцияларни аниқлаш;

- мавзу мазмунини таҳлил қилиш ва модуль (режа)ларга ажратиш, мавзунинг ҳар бир модулини талабалар томонидан ўзлаштириши учун ўқув топшириқларини тузиш;

- модуль мазмуни бўйича талабалар томонидан билим, кўникма, малака ва компетенцияларни эгалланганлик даражасини аниқлаш учун назорат топшириқларини тузиш;

Қишлоқ хўжалик фанларни ўқитишда модулли ёндошувни амалга ошириш қуйидаги дидактик мақсадларга эришишга имкон беради:

1. Қишлоқ хўжалик фанларни модульларга ажратиш Блум таксономияси бўйича идентив ўқув мақсадларнинг шакллантириш, таълим-тарбия жараёнидан кўзланган натижаларга босқичма-босқич эришиш;

2. Блум таксономияси бўйича белгиланган ўқув мақсадларига эришиш учун модулни ўрганишда фойдаланиладиган инновацион ва ахборот технологияларни аниқлаш;



3. Модул мазмунига боғлиқ ҳолда тақдимот ва назорат топшириқларини мақсадга мувофиқ тайёрлаш;

4. Модулдан ўрин олган мавзулар ўрганиладиган машғулотларни инновацион ва ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланган ҳолда лойиҳалаш;

5. Маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларда талабалар томонидан бажариладиган ўқув ва назорат топшириқларидан фойдаланиб курс силабуси, ўқув-методик мажмуа, методик ва дидактик таъминотини талаб даражасида ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

Мазкур қишлоқ хўжалик фанларни ўқитишда модулли ёндошувни амалга ошириш босқичларини қуйидагича тасаввур қилиш мумкин.

### Олий таълим муассасаларида қишлоқ хўжалик фанларни модулли ўқитишга ўтиш босқичлари

	<b>4- босқич</b>	модул мазмуни бўйича талабалар томонидан билим, кўникма, малака ва компетенцияларни эгалланганлик даражасини аниқлаш учун назорат топшириқларини тузиш
	<b>3- босқич</b>	мавзу мазмунини таҳлил қилиш ва модул (режа)ларга ажратиш, мавзунинг ҳар бир модулини талабалар томонидан ўзлаштириши учун ўқув топшириқларини тузиш
	<b>2- босқич</b>	модул таркибидаги ҳар бир мавзу мазмунини таҳлил қилиш ва талабалар томонидан эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма, малака ва компетенцияларни аниқлаш
<b>1-босқич</b>		ўрганилаётган курс мазмунини модулларга ажратиш ва модул давомида талабалар томонидан эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма, малака ва компетенцияларни аниқлаш

тайёргарлик босқичи	<p>кишлоқ хўжалик фаннинг ишчи дастурида келтирилган талабалар томонидан эгалланиши лозим бўлган билим, кўникма, малака ва компетенцияларга аниқлик киритиш ва уларни талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун фойдаланилаётган назорат топшириқларини таҳлил қилиш</p>
------------------------	---

***Талабаларнинг мотивацияси ўқиш жараёнида ўта муҳим аҳамиятга эга.***

*Баъзи талабалар маърузаларда фойдаланиладиган анъанавий таълим усулларида қониқиб ўқийди, баъзилари амалиётни маъқул кўради, баъзилари эса илмий-тадқиқод ишларни, муаммоли вазиятларни, катта чақириқли таълим усулларни хуш кўради ва ўшанга жавоб беради. Талабалар турли хил усуллар орқали таълим олиши ўта муҳим. Ҳисоблаш фанида фаоллик тан олинган ва мотивация катта куч деб ҳисобланади, шу тўғрисида рағбатлантириши муаммоларини таъминлайди. Ўзида ишонч ҳосил қилишида таълимни кучайтириши учун вақтида конструктив боғланиш бўлиши, баҳолаш мезонли, тизимли бўлиши шарт.*

*Ҳисоблаш фани ҳисобот, дастурий таъминот ишланмалар, аналитик фикрлаш, режаслаштириши ва тақдим этиши каби кўп кўникмаларда юқори стандартларга амал қилишни талаб этади. Аҳоли талабаларнинг дастураларида эҳтиёж сезаётганини, талабалар индукцияси муҳим аҳамиятга эга. Талабалар индекси олий таълим муассасага қабул қилинишидан олдин мавжуд бўлиши лозим. Фойдаланувчининг муассаса ҳақида тасаввурга эга бўлиши шарт, барча эълонлар, ўқув ҳисоблаш фанига кучли мотивация эътироф ва таълим муаммоларни рағбатлантириши тақдим этилади. Масалан, ривожланиши даврида улар ўз таълим учун катта масъулиятни ўз зиммасига олиши керак. Яна, тайёр иш устида конструктив қайта боғлиқлик мунтазам равишда мукамалликга эришиши йўллари ҳақида маълумот етказиб беради.*

*Тан олиши керак талабалар орасидаги технологиялар улар таълим олишини таъминлайди, кунчилигини қўлида мобил телефонлар мавжуд бўлиб тармоқларда иштирок этишади. Ахборотлардан фойдаланиши манбайнида, замонавий технологияларнинг талабаларнинг феъл атворига, ўқишга бўлган ёндошувида таъсири бор. Талабалар кутиши вақти шундан иборатки уларда бор уяли телефон, ноутбукга бирор бир киши маълумотни жойлаштириши. Бу “мобилтаълим” ёки т- таълим деб аталмиши талабалар ўрганишига олиб келди (Васселл ва бошқ., 2006). Масалан, аудиотанишиши ва СМСлар дарсларга қисман ёки сабабларга кўра кела олмаган талабалар учун маълумотларни олишида алтернатив восита ҳисобланади. Таълимда ушбу механизмлар ва ўқув воситаларидан*

фойдаланиши аста-секин биринчи босқичда қўллаб-қувватланиб келмоқда ва талабалар билим олишида кенг имкониятлар яратади.<sup>11</sup>

**Тингловчининг ўз-ўзини назорат қилишига мўлжалланган ўқув дастури**  
**Ўқув дастурининг дидактик мақсади:**

Сиз мазкур дастур ёрдамида кичик гуруҳларда мустақил ишлаб, ўзингиз ўқитадиган қишлоқ хўжалик фаннинг ишчи дастурини таҳлил қилишингиз, талабалар томонидан эгалланиши лозим бўлган билим, кўникма, малака ва компетенцияларга аниқлик киритишингиз ва уларни талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун фойдаланаётган назорат топшириқларини таҳлил қилишингиз керак. Шу билан бирга мавжуд камчиликларни аниқлашингиз, курс мазмунини модулларга ажратиб, ҳар бир мавзу мазмунини таҳлил қилиш ва талабалар томонидан эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма, малака ва компетенцияларни аниқлаш учун стандарт ва ностандарт назорат топшириқларини тузишингиз, методик билим, кўникма ва малакаларингиз, касбий маҳоратингизни, нутқ ва мулоқот маданиятингизни ривожлантиришингиз зарур.

	<b>Амалий машғулот бўйича ўқув топшириқлари</b>	<b>Кўрсатмалар</b>	<b>балл</b>
1.	<p><b>Мақсад:</b> Қишлоқ хўжалик фанларни ўқитишда модулли ёндошувни амалга оширишнинг тайёргарлик босқичида амалга ошириладиган ишларни ўрганиш.</p> <p>Берилган маълумотларни диққат билан ўқиб чиқинг ва қуйидаги топшириқларни бажаринг:</p> <p>1. Ўзингиз ўқитишга мутассади бўлган Қишлоқ хўжалик фаннинг ишчи дастурини таҳлил қилинг.</p> <p>2. Унда келтирилган талабалар томонидан эгалланиши лозим бўлган билим, кўникма, малака ва компетенцияларга аниқлик киритинг.</p> <p>3. Курс бўйича талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун фойдаланилаётган назорат топшириқларини таҳлил қилинг.</p>	<p>Кичик гуруҳ аъзолари билан хамкорликда ишланг</p>	0,5-балл

<sup>11</sup>A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter V: Lecturing to large groups, Ann Morton, 296-297 p.

	<p>4. Мазкур жараёнда йўл қўйилаётган камчиликларни аниқланг ва уларни бартараф этиш йўллари белгиланг.</p>		
2.	<p><b>Мақсад:</b> ўқитишда мутасадди бўлган курс мазмунини модулларга ажратиш ва модул давомида талабалар томонидан эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма, малака ва компетенцияларни аниқлашни ўрганиш.</p> <p>Қуйидаги топшириқларни бажаринг:</p> <p>1. Ўрганиладиган курс мазмуни (боблар)ни модулларга ажратинг.</p> <p>2. Ҳар бир модул давомида талабалар томонидан эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма, малака ва компетенцияларни аниқланг;</p> <p>3. Мазкур билим, кўникма, малака ва компетенцияларни аниқлаш учун фойдаланилган топшириқларни таҳлил қилинг.</p> <p>4. Бу жараёнда йўл қўйилаётган камчиликларни аниқланг.</p>	<p>Кичик гуруҳ аъзолари билан ҳамкорлик да ишланг</p>	<p>0,5-балл</p>
3.	<p><b>Мақсад:</b> Ўқув курси модуллари мазмуни бўйича талабалар томонидан билим, кўникма, малака ва компетенцияларни эгалланганлик даражасини аниқлаш учун назорат топшириқларини тузишни ўрганиш.</p> <p>Қуйидаги топшириқларни бажаринг:</p> <p>1. Ўқув курси модуллари мазмунини таҳлил қилинг.</p> <p>2. Мазкур модул бўйича талабалар томонидан билим, кўникма, малака ва компетенцияларни аниқланг.</p> <p>3. Талабалар томонидан мазкур модул мазмунидаги билим, кўникма, малака ва компетенцияларни эгалланганлик даражасини аниқлаш учун назорат топшириқларини тузинг.</p> <p>4. Мазкур жараёнда йўл қўйилган камчиликларни аниқланг ва фикрингизни билдиринг.</p>	<p>Кичик гуруҳ аъзолари билан ҳамкорлик да ишланг</p>	<p>1-балл</p>

<p>4.</p>	<p>Ўқув дастурини яқунлаш.                  Мақсад: Ўз фаолиятини таҳлил қилиш, ўз-ўзини баҳолаш.                  1. Ўқув дастурининг дидактик мақсадини ўқиб чиқинг. Кўзланган мақсадга қай даражада эришдингиз?                  2. Ўқув топшириғидаги модуллардан кўзда тутилган дидактик мақсадларни такрорланг. Уларни бажаришда қандай қийинчиликларни енгишга эришдингиз?                  3. Ушбу ўқув дастури сизнинг педагогик фаолиятингизда қандай ўзгаришлар бўлишига замин тайёрлайди деб ўйлайсиз?                  4. Мустақил ишлаш жараёнидаги фаолиятингизни 3 балл билан баҳоланг.                  5. Машғулот давомидаги ўз фаолиятингиздан қониқиш ҳосил қилган бўлсангиз танлаган мавзуингиз бўйича қийинчилик даражалари турлича бўлган назорат топшириқларини тузинг.                  6. Машғулот давомидаги ўз фаолиятингиздан қониқиш ҳосил қилмаган бўлсангиз матн ва ўқув дастури устида такроран ишланг.</p>	<p>Тўплаган балларингизни жамланг ва кейинги қаторга ёзинг</p>	
	<p>Гингловчининг машғулот давомида тўплаган баллари</p>	<p><b>Жами 5 балл</b></p>	

Замонавий педагогик технологияларни бир неча турга бўлиш мумкин

1. Муаммоли таълим технологиялари.
2. Дидактик- ўйинларга асосланган технологиялар.
3. Ҳамкорлик технологиялари.
4. Модулли технологиялар.

#### ***Технологияларнинг роли***

*Айрим маърузачилар таълимга асосланган ва муаммолардан, ўйин ва моделлаштиришдан фойдаланган ҳолда янада кенг ва кўп ёндашувлар билан тажриба ўтказишни бошлашди. Ушбу турли стратегиялардан фойдаланишдан мақсад талабаларни таълим жараёнидаги фаоллигини оширишдир. Иқтисодиёт синфларида бу энг кўп тарқалган бўлиб, бунда*

ўқитувчига лидер талабалар ҳамда ёрдамчи талабалар катта ёрдам берадилар ва аудиторияни бошқарадилар.

Маърузачилар учун алоҳида муаммо талабаларнинг вазифаларни тайёрлашга эришиши. Маърузачиларнинг доимий норозиликлари талабаларнинг берилган топшириқларни бажармай келишлари билан боғлиқ. Кўпинча талабалар дарсларга тайёрланмай келадилар ёки жавобнинг бошқалардан жавобни кўчириб олиши, ўтган йилги жавобларга ишониб қолиши ва ҳ.к.каби осон йўللарни излайдилар.<sup>12</sup>

Маърузалар: Кўплар бу усулни нотўғри талқин қилиб самараси паст техник усули деб талқин қилади, шунга қарамасдан талабаларни билим олишида маъруза театр тажриба сифатида ҳамда фанларни ўқитишида алоҳида ўрин эгаллайди. Маърузага қарши аргументлар жуда кўп ва кучли баъзиларини таъкидлашча ўқитувчининг фаоллиги ҳамда талабанинг нофаоллиги ноқулай вазиятларни туздиради; ўқитувчи эътиборни талаб қилади; ўқитувчининг манологи билимларни алоҳида модел бўлиб тузулиши талабани фикрини узоқлаштиради, талаба фақат ёзув билан банд бўлиб суҳбатда ўзи иштирок этмагандан сўнг фаоллик сусаяди. Бу қарама-қаршиликлардан келиб чиққан ҳолда маъруза ҳақида ўқитиши ҳодисаларини ичида энг ёмони маъруза деган фикр келиб чиқиши мумкин.

Аммо, лекин юқоридаги фикрга қарши маъруза шаклини оқловчи ва жлар бор. Улардан бирортаси ҳам ёмон маърузани оқлаши учун етарлича эмас ва таълимни мақсадига эришиши йўлида пайдо бўлаётган тўсиқлардан ҳимояланмаган. Маъруза шаклидан таълим мақсадига қараб унинг турларидан ўринли фойдаланган ҳолдагина оқлаши мумкин. Шунинг учун бу ерда маъруза каби ўқитиши шаклига семинар, ўқитиши дастурлари каби бошқа таълим шаклларига нисбатан эътибор кўпроқ қаратилган, чунки улар етарлича ёритилган.

Катта гуруҳларда ресурсларни тежаб, билимларни бериши мақсадида маърузалар бугунги кунга қадар сақланиб келмоқда. Энг оддий маъруза шакли кўп таркибли талабалар гуруҳларини бирданига ўқитиши самарасини кўрсатади. Шунга қарамасдан: Маъруза бизга нима беради? - деган савол тузилади. Бу саволга: Маърузаларни турлари кўп, мақсадига қараб танлаши керак - деб жавоб берсак бўлади.

**Кўргазмали маъруза** - аналитик мисолларга таянган ҳолда ишлаб чиқилган маъруза. Ушбу маъруза шакли адабиётни ўрганаётган талабалар мисолида кўрсак талабага таниши бўлган мавзу матни ва энди танишиадиган мавзу матни турлича услубларда намоиши этилади. Бу фойдаланилган услубларни камчиликлар ва ютуқларни кўрсатиб беради ва энг зукко талабани аниқлашида ёрдам беради.

**Тезисли маъруза** аксинча кўп ҳолатларда далиллар қисми, тортишувга ундайдиган, баъзида провакацион вазиятлар ечимини топшига ундайдиган таълим шакли. Маърузани ўқишини ушбу тури жавобни айтишига ундайдиган ёки

<sup>12</sup>A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter V: Lecturing to large groups, Ann Morton, 260 p.



таниши нарсаларга ажойиб назар ташлаш учун ишлаб чиқилган. Тезисли маъруза тушунтириши маъруза билан чамбарчас боғлиқ бўлиб энг қийин қисмларни тушунарли қилиб ўқишда, маърузачининг имкониятларидан келиб чиқиб тушунчаларни ва зояларни намоишлар орқали талабаларни билимини баравар, мунтазам равишда текшириб боришига имконият яратиб беради. Маърузалар шунинг билан шартлар ёки матнга таянган ҳолда шаклланиши мумкин: таалуқли бўлган мавжуд материалларни бирлаштириши ва шу орқали тадқиқод объектларини ёритиши. Маъруза-кенг категория бўлиб бир қатор кичик жанрлардан ташкил топади, улар эса ўз йўлида аниқ мақсадни кўзлайди. Хар бир ҳолатда маъруза бошқа шакиллар таъминлаб бера олмайдиган ишни таъминлайди.

Хулоса қилиб шунни айтишимиз жоизки таълимнинг маъруза шакли кўпқиррали, мақсадига қараб ўзгаручанг, ўзига хос хислатларга эга шаклдир. Улар интерфаол бўлиши мумкин, талабаларни савол-жавобга, диалог, полилог, муҳокамага ундаб қарама қарши фикрларни, аргументларни кичик маърузалар орқали бир нечта одам беи-ўн дақиқа мобайнида баён этиши мумкин.

### **Семинарлар.**

Семинарлар, уларнинг соф шаклда, албатта, жуда катта фарқ қилади. Семинар деган сўз латинча қатор деган терминдан пайдо бўлган, аниқроғи семинар бу талабалар қаторида, орасида муҳокама ва рефлекслар орқали ўтказиладиган интеллектуал ривожланиш жараёни. Семинарларда гуруҳ

лардаги талабалар сони чегараланмаган кўп вазиятларда ўн кишидан иборат ёки унданда кўп бўлиши мумкин.<sup>13</sup>

### **“МОДУЛЬ” ТУШУНЧАСИГА ТЕГИШЛИ БЎЛГАН ХУСУСИЯТЛАР**

- Мақсад;
- Турли хил турдаги ўқув фаолияти интеграцияси;
- Услубий таъминот;
- Мустақил ривожланиш;
- Таълим жараёнидаги талабанинг мустақиллиги;
- Ўқув ахборотини таҳлил қилиш ва тузиш кўникмаси;
- Назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш;
- Талабанинг таълим олишдаги шахсий траекторияси.

### **Модулнинг таркибий қисмлари:**

- 1. Модулнинг номи.
- 2. Модулни ўзлаштиришдан мақсад.
- 3. Модуль билан ишлаш учун услубий тавсиялар.
- 4. Назарий ахборот банки ва таянч тушунчалар.

<sup>13</sup>A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter V: Lecturing to large groups, Ann Morton, 315-317 p.

- 5. Семинар, амалий ва лаборатория ишларининг мазмуни, топшириқлар ва уларни бажаришга ёрдам берувчи тавсиялар.
  - 6. Жорий назорат топшириқлари.
  - 7. Якка ҳолда бажариладиган мустақил топшириқлар.
  - 8. Ёзма назорат вариантлари.
  - 9. Ўз-ўзини текшириш учун саволлар.
  - 10. Талаба тўплаши мумкин бўлган рейтинг баллари.
- Хулоса қилиб айтганда, модулли ёндашувнинг **мақсади** - ахборотни ўзлаштириш, идрок этилган ахборотни мустақил таҳлил қилиш, ўз мустақил фикрларини билдиришни тақозо этувчи ва қисқа муддатда оптимал усуллар ёрдамида белгиланган мақсадларга эришишдир.

### **Модуль бир неча блоклардан иборат бўлиши мумкин:**

1-Блок. Кириш назорати- янги мавзунинг ўрганиш учун мавжуд базавий ва қолдиқ билимларни текширишга қаратилган.

2-Блок. Назарий блок. Мавзунинг ҳар бир мантиқий бўлаги учун тузилган ахборот ва кўргазмалар материаллардан иборат.

3-Блок. Назарий ахборотни ҳар бир бўлагини талабалар билан биргаликда таҳлил этишга қаратилган.

4-Блок. Амалий блок. Назарий билимлар асосида талабаларнинг амалий фаолиятини ташкил этиш.

5-Блок. Чуқурлашиб борувчи блок. Мавзуга оид соҳа бўйича мураккаб топшириқларни бажариш.

6-Блок. Назорат блоки. Бажарилган топшириқларни назорат қилиш.

7-Блок. Назорат натижаларини таҳлил этиш. Умумий йўл қўйилган хатоликларни аниқлаш ва таҳлил қилиш.

8-Блок. Чиқиш назорати. Мавзу бўйича белгиланган топшириқларни бажариш ва топшириш.

Модуль дастурларнинг мақсади - малакали мутахассисни етиштиришга хизмат қилади. Модуль дастурнинг мақсадини белгилашда ана шу мутахассисга қандай талабалар тизими қўйилаётганини аниқлаб олишдан бошланади.

### **Модуллارни ишлаб чиқишда зарурий 3 та асосий лаёқат**

1. Модуль спецификацияси.
2. Модулнинг назорат блокини ишлаб чиқиш.
3. Модулнинг ўқув материални ишлаб чиқиш.

### Модуль спецификацияси

**Модуль спецификацияси** - ана шу модуль ҳақида тўлиқ маълумотни ўзида ақс эттиради. Унинг таркибига қуйидагилар киради:

**1. Модулнинг номи.** Модулларнинг номлари мазмунга мос бўлиши ва такрорланишига йўл қўймаслик лозим.

**2. Ўқитишнинг мақсади.** Мана шу модулни ўзлаштириш натижасида қандай фаолият юритиш имкони туғилиши, касбий тайёргаликдаги ахамияти ёритиб берилиши лозим.

**3. Ўқитиш натижалари.** Модулни ўрганиш натижасида қандай билимларни эгаллаши, қандай кўникма ва малакалар шакллантирилиши санаб ўтилади.

#### Модулнинг назорат блокини ишлаб чиқиш

**1. Баҳолаш мезонлари.** Баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишда фаолият объекти, бажариладиган фаолият тури, фаолият сифати, бажарилган фаолиятнинг стандартлари кўриб чиқилади.

**2. Ўзлаштириш даражаси.** Ўзлаштирилганлик даражасини чуқурлигини кўрсатувчи мезонлар ишлаб чиқилади. Ўзлаштириш объекти тайёрланган предмет, амалий топшириқ, оғзаки ёки ёзма жавоблар тарзида бўлиши мумкин.

**3. Модулга кириш назорати.** Модулни ўрганиш учун зарур бўлган таълим ва билимлар тизимини кўрсатади.

**4. Ўқув жараёнининг давомийлиги.** Давомийлик ўқув соатлари ёки синов бирликлари кўринишида ақс этади.

**5. Баҳолаш.** Баҳолаш тизимини ишлаб чиқаётганда, унинг ҳаққонийлигига ва ишончли бўлишига эътиборни қаратиш лозим. Якуний назорат алоҳида ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Баъзи модулларда ягона баҳо ҳам қўйилиши мумкин.

**6. Модулнинг тушунтириш хати.** Ушбу хат тавсиялар кўринишида бўлиб, педагог шахсига йўналтирилган. Унда педагогга қўшимча тавсиялар, баҳолаш жараёнини олиб боришнинг янги имкониятлари, қўллаш мумкин бўлган усулларга тавсиф берилади. Лойиха, портфолио каби усуллардан ҳам фойдаланиш мумкин.

#### Ўқув материални ишлаб чиқиш

Ўқув материали ахборот матнини ва дидактик воситаларни ўзида ақс эттиради. Ахборот матнида адабиётлар, иловалар ва ҳаволалар ўз аксини топади. Жавоб алоқани амалга ошириш учун ахборотни ишлаб чиқишда жорий назорат учун топшириқлар ва уларни ишлаб чиқиш намуналарини киритиш тавсия этилади. Ахборот материали тушунарли, лўнда ва

кўргазмали бўлиши лозим.

Модулли таълим якка ёндашув воситасидир. Талаба мустақил равишда ёки педагогнинг маълум маслаҳатларидан фойдаланган ҳолда қўйилган дидактик мақсадга эришади. Ўқитувчи ва талаба ўртасида ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилади. Ўқитувчига ўзлаштириш жараёнини тўғри баҳолаб бориш, талабанинг мустақил фаолиятини самарали ташкил этиш, унинг тараққиётини кузатиб боришдек масъулият юклатилади.

#### **Назорат саволлари:**

1. Модул қандай таркибий қисмлардан ташкил топади?
2. Модуль блоклари ҳақида тушунча беринг?
3. Модуллارни ишлаб чиқишда зарурий 3 та асосий лаёқатни айтинг.
4. Модуль спецификацияси таркибини нималар ташкил этади?

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter V: Lecturing to large groups, Ann Morton.
2. Голиш Л.В., Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш. Т.: “Иқтисодиёт”, 2011. – 208 б.
3. Олимов Қ.Т. Педагогик технологиялар. Фан ва технология. 2011. 275 бет.

#### **2-амалий машғулот:**

##### **Талабалар билимини баҳолаш ва назорат қилиш бўйича хориж тажрибаси**

**Амалий машғулотнинг мақсади:** тингловчиларда инновацион характердаги назорат усулларида фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш.

#### **Таълим натижаларини рейтинг асосида баҳолаш**

Кредит тизими ўз навбатида рейтинг балларига асосланади. Европа кредит жамлаш тизимида балли рейтинг тизими қабул қилинган. У икки тузилмага бўлинади:

1. Ўрганилган курс бўйича ўқитувчининг баҳоси. У 70 баллдан ошмаслиги керак.
2. Якуний имтиҳон баллари . У максимал 30 баллни ташкил этади.

Жамланган баллар ўзлаштириш кўрсаткичи сифатида қабул қилинади.

Лекин тажрибалар шуни кўрсатдики, барча фанларнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда рейтинг баллари турлича тақсимланиши мумкин. Турли фаолият турларига турлича балларни тақсимлаш лозим (аудитория соатлари, назорат ишлари, курс ишлари, лабаротория ишлари, амалий фаолият, манбааларни ўрганиш, илмий тадқиқот ишлари ва б.).

Рейтинг балларини тақсимлаш жараёнида ҳар бир фаолият турининг мураккаблик даражасига қараб балл тақсимланади. Ушбу тақсимотни ўтказишда ҳар бир фаолиятнинг ҳаракатлар тизимини (қадамларини) ишлаб чиқиш ва ана шу ҳаракатлар тизимига балларни тақсимлаб чиқиш лозим. Бу ўзлаштириш қадамларида баллар тақсимоти кўрсатилган жадвал талабаларга тақдим этилади ва талабалар ўз фаолиятини мустақил баҳолаш имконига эга бўлади. Масалан битта лабаротория ишини бажариш 9-18 балл, маълум масалани ҳал этиш 4-7 балл билан баҳоланиши мумкин. Баъзан, барча мутахассислик фанлари учун 100 баллик тизим тўғри келмаслиги мумкин, чунки бажариладиган фаолият турлари кўп. Шунга қарамасдан йиғилган жами балларни 100% деб ҳисоблаб, ягона кредитга мослаштириш мумкин. Балларни фоизларга ўтказиётганда ҳам 70% ва 30% муттаносиблик сақланиб қолиши лозим.

Мажбурий фаолият турларига маъруза ва амалий машғулотларда иштирок этиш киритилган ва бу 1 балл билан баҳоланади. Бу аудитория дарсларда иштирок этишга стимул бўлиб хизмат қилади, аммо мажбурий эмас. У ўртача 10% балларни ташкил этади. 60% баллар эса ўзлаштириш кўрсаткичини кўрсатади. Аммо, ҳар бир университет ўзининг рейтинг регламентларини ўрнатиш ҳуқуқига эга. Бу танланган рейтинг регламентлари европа кредит тизимининг диапазонида мос тушиши керак (А-Е). У қуйидагича А- (аъло) баҳони ўртача 10% талаба, В- (жуда яхши) баҳони 25% талаба, С- (яхши) баҳони 30% талаба, Д- (кониқарли) 25% талаба, Е- (ўртача) 10% талаба олиши лозим. Ушбу кўрсаткичдан оғишлар ортиқча ёки юмшоқлик, ёки ортиқча талабчанликни кўрсатади. Тажрибалар зачет бирликларини амалиётга киритиш беш баллик тизимдан самаралироқ эканини кўрсатди. Чунки, маълум ўтиш балларини йиғиш учун талаба бир қанча фаолият турлари бўйича маълум ҳаракатлар тизимини бажаришга мажбур. Бу тизим талабаларни ўз тараққиётини кўришга ва баҳолашга, ўртоқларининг тараққиётини кузатишга имкон яратади. Энг муҳими талаба ўзининг индивидуал ўқиш дастурини тузади, бу эса Баллония декларациясининг талабларидан биридир.

### Рейтинг баллари бир қанча турларга бўлинади:

1. Жорий рейтинг баллари- талаба модулни ўрганиши жараёнида бажарадиган барча фаолият турларини ўз ичига олади.

2. Назорат рейтинг баллари - модул бўйича билимларни текширишга ва натижаларни таҳлил қилишга қаратилган.

3. Якуний рейтинг баллари- жорий ва назорат балларининг йиғиндисидан иборат бўлиб, модулни ўзлаштирилганлиги ҳақида маълумот беради.

4. Семестрнинг якуний модул рейтинг баллари – семестр давомида ўзлаштирилган барча модуллар бўйича тўпланган балаларни ўзида акс эттиради.

5. Имтиҳон рейтинг баллари - имтиҳонда йиғилган балларни ёки етарли бўлса, жорий ва назорат балларидан ташкил топиши мумкин.

6. Якуний семестр рейтинг баллари- семестрнинг якуний модул рейтинг баллари ва имтиҳон рейтинг балларини йиғиндиси сифатида ташкил топади.

### 5-жадвал. Рейтинг балларини кредитдаги ифодаси

Баллар кўриниши-даги баҳо	Россия рейтинг баллари кўринишида	Европа кредит тизимида рейтинг баллари		Талабала р салмоғига нисбатан баллар тақсими
		Баҳо	Аниқлик	
90-100	<b>Аъло</b>	<b>A</b>	<b>Аъло</b> (аъло даражада бажарилган кичик камчиликларга йўл қўйилган)	<b>10</b>
82–89	<b>Яхши</b>	<b>B</b>	<b>Жуда яхши</b> (ўртадан кўра юқори баъзи камчиликларга йўл қўйилган)	<b>25</b>
75–81		<b>C</b>	<b>Яхши</b> (Умуман тўғри бажарилган, лекин кўплаб камчиликларга)	<b>30</b>



			йўл қўйилган.)	
67–74	Қониқарли	D	Қониқарли (ёмон эмас, лекин камчиликлар кўпроқ)	25
60–66		E	Етарли (талабалар минимал ҳолда қондирилган.)	10
35–59	Қониқарли эмас	FX	Қониқарли эмас (қайта топшириш имкони берилди)	-
1–34		F	Қониқарсиз (курсни қайта ўқиш талаб этилади)	-

### Назоратнинг тезкор усуллари.

Технологик ёндашув доимий тезкор назоратни талаб этади, шу сабабли назорат жараёни олиб бориш бўйича олиб борилган изланишлар тест назоратини таълим амалиётига кириб келишига сабаб бўлди. Педагог тестлар рейтинг тизимида ўз ўрнига эга.

Педагогик тест бу – талабанинг тайёргарлик даражасини сифатли ва самарали ўлчовчи, мураккаблашиб боровчи махсус топшириқлар тизимининг шаклидир.

Тест топшириқлари камида куйидаги талабаларга жавоб берган ҳолда тузилиши лозим:

- ахборот материалнинг мазмунига тўғри келиши;
- тест тузиш қоидаларига риоя қилган ҳолда тузилган бўлиши;
- амалиётда апробациядан ўтказилган бўлиши;
- талабалар учун тушунарли бўлиши лозим.

Тестларни апробациядан ўтказилаётганда учта **критерий** ҳисобга олиниши лозим:

- Ишонччилик** (бир хил шароитларда натижаларнинг қайтарилиши).
- Валидлик** (тестларнинг танлаб олинган маълум мақсадга қаратилганлиги).
- Объективлиги** (шароит ва талабларнинг бир хил қўйилиши).

Тест тузиш жараёнида қуйидаги қисмларига алоҳида аҳамият бериш керак:

1. Инструкция қисми (тест топширувчи қандай белгилар қўйиши тестни ишлаш тартиби аниқ кўрсатилади).
2. Тест топшириқлари (тест мазмуни ўқув ахаборотини мазмуни билан белгиланади).
3. Жавоблар қисми.

Бундан ташқари тест кимлар учун, қандай фан бўйича тузилганлиги, тестни ечиш учун қанча вақт ажаритилганлиги, тест тузувчини исми, шарифи кўрсатилшиши лозим.

#### Тестнинг шаклига кўра турлари

Тестнинг ёпиқ типига кирувчи 3 тест шакллари керакли сўз, рақам, формула ёки иборани ёзиб қўйишни талаб этади.

Тестнинг очик типига бир вариантли ёки бирнеча тўғри жавобли вариантларни аниқлаш, элементлар ўртасида мосликни ўрнатиш, тўғри ёки нотўғри элементларни ажаратиб олишни ҳамда тўғри кетма- кетликни ўрнатиш талаб этилади.

Тест топшириқларига қўйиладиган асосий талаб, ҳар бир тест топшириғи:

- муайян мазмун;
- таркиб;
- яхлитлик ва структура;
- топшириқни бажариш тартиби, қоидаси,
- топшириқни бажариш натижасида таҳсил олувчининг эгаллаши мумкин бўлган бали;
- тест натижаларини умумлаштириш бўйича кўрсатмалардан иборат бўлиши зарур.

Тест топшириқларининг яхлитлиги у бир мавзу, боб, бўлим ёки курс мазмунини қамраб, уларни назорат қилиш имкониятига эга эканлигида кўзга ташланади.

#### Тестларни тавсифи:

1. Стандарт тестлар.
2. Ностандарт тестлар

***Стандарт педагогик тестлар мазмуни ва моҳиятига кўра: гомоген ва гетероген тестларга ажратилади.***

Гомоген тестлар бу қийинчилик даражаси бўйича ўсиб борувчи, ўзига хос шаклга эга бўлиб, таҳсил олувчиларнинг муайян мазмун юзасидан тайёргарлик даражаси, билим, кўникма ва малакаларини сифатли ва

самарали назорат қилиш ва баҳолашга мўлжалланган битта ўқув курс бўйича тузилган топшириқлар тизими саналади.

Гетероген тестлар бу қийинчилик даражаси бўйича ўсиб борувчи, ўзига хос шаклга эга бўлиб, таҳсил олувчиларнинг муайян мазмун юзасидан тайёргарлик даражаси, билим, кўникма ва малакаларини сифатли ва самарали назорат қилиш ва баҳолашга мўлжалланган бир нечта ўқув курс бўйича тузилган топшириқлар тизими.

Тест топшириқларининг қийинлик даражаси мезони ўрганилаётган объектнинг хусусиятларини ўзида тўлиқ акс эттириб, у таҳсил олувчилар томонидан мазкур хусусиятларни аниқлаш учун бажарадиган ақлий операцияларига кўра:

- Оддий даража;
- Репродуктив даража;
- Продуктив даража;
- Ижодий (креатив) даражада бўлиши мумкин.

Тестлар икки типга ажратилади:

1. Очик;
2. Ёпиқ.

Очик типдаги тестлар шаклига кўра:

- Жавобли тестлар.
- Жавобсиз тестлар.
- Мутаносибликни ўрнатишга қаратилган тест.
- Изчилликни ўрнатишга қаратилган тест.

Ёпиқ типдаги тест шаклига кўра:

- Тўлдирувчи тестлар.
- Давом эттирилувчи тестлар.

Ностандарт тестлар

### **Тест топшириқлари мазмунини танлаш принциплари:**

1. Тест топшириқлари мазмуни синов мақсадига мослиги принципи.
2. Назорат ва баҳоланаётган билимларнинг муҳимлиги принципи.
3. Мазмун ва шакл бирлиги принципи
4. Тест топшириқларининг мазмунан тўғрилиги принципи
5. Тест топшириқлари мазмунида ўқув курси мазмунининг қайта тақдим этилиши принципи.
6. Тест топшириқлари мазмунининг фаннинг ҳозирги замон ҳолатига мослиги принципи.

7. Тест топшириқлари мазмунининг мажмуали ва мувозанатлашган бўлиши принципи.
8. Тест топшириқлари мазмунининг тизимлилиги принципи.
9. Тест топшириғи мазмунининг вариативлиги принципи

#### **Тест топшириқларига қўйиладиган талаблар:**

- Тест топшириғи мазмунининг тўғрилиги;
- Саволнинг мантикий жиҳатдан тўғри танланиши;
- Тест топшириғи шаклининг тўғрилиги;
- Тест топшириғининг савол ва жавобнинг қисқалиги;
- Тест топшириғи элементларининг тўғри жойлашганлиги;
- Тест топшириғининг тўғри жавоблари бир хил баҳоланиши;
- Таҳсил олувчиларга тест топшириғининг бажариш бўйича бир хил кўрсатма берилиши;

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, модулни назоратлар банки назоратнинг тури шаклларида фойдаланган ҳолда тезкор ўтказиш имконини берувчи ва мақсадга йўналган бўлиши лозим.

#### **Назорат саволлари:**

1. Педагогик тестлар мазмуни ва моҳиятига кўра қандай турларга ажратилади?
2. Тест топшириқлари мазмунини танлаш принципларини айтинг?
3. Тест топшириқларини тузишга қандай талаблар қўйилади?

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Толипова.Ж.О Педагогик квалиметрия.Тошкент 2015.
2. Хошимова М.К. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. (Маърузалар матни). Т.:ТДИУ.- 2012.- 50 бет.
3. A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter IV: Planning teaching and learning Curriculum design and development, Lorraine Stefani, 411 p.

#### **3-амалий машғулот:**

#### **Қишлоқ хўжалик фанларини ўқитишда стандарт ва ностандарт ўқув топшириқларидан фойдаланиш**

**Амалий машғулотнинг мақсади:** Тингловчиларни тест топшириқларнинг турлари ва уларнинг тавсифи билан таништириш. Тингловчиларда стандарт ва ностандарт тест топшириқларини тузиш ва

таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш учун зарур бўладиган методик билим, кўникма ва малакаларни таркиб топтириш.

Адабиётлар таҳлили педагогик тестлар стандарт (битта жавобли) ва ностандарт (кўп жавобли)ларга ажратилишини кўрсатди.

Стандарт тестлар амалиётга жорий этилаётганлиги сабабли унга таъриф ва тавсиф берилишнинг зарурати йўқ.

Стандарт тестлар мазмуни бўйича репродуктив ва продуктив даражада, таркиби жиҳатидан тест топшириғи саволи тўғри ва нотўғри жавоблардан иборат бўлса, ностандарт тестлар ўзининг мазмуни, тузилиши ва қўлланиш мақсадига кўра муайян даражада фарқ қилади.

Ностандарт тестлар мазмуни ва моҳиятига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратилади:

1. Интегртив тестлар;
2. Адаптив тестлар;
3. Мезонли-мўлжал олиш тестлари.

Интегртив тестлар интеграл мазмун, шакл, қийинчилик даражаси бўйича ўсиб боровчи, таълим муассасасининг битирувчисининг тайёргарлик даражаси ҳақида умумлашган якуний хулоса чиқаришга имкон берадиган тест топшириқлари саналади.

Адаптив тестлар автоматлаштирилган, талабаларга нисбатан индивидуал ёндошиш имконини берадиган, топшириқ мазмуни, бажариш тартиби, қоидаси, шу топшириқни бажариш натижасида талабанинг эгаллаши мумкин бўлган бали ва тест натижаларини умумлаштириш бўйича кўрсатмалардан иборат бўлади.

Адаптив тестларнинг асосий гуруҳини пирамидали адаптив тестлар ташкил этиб, қўлланиш мақсадига кўра: ўртача оғирликдаги, талабанинг танлашига кўра аралаш, топшириқлар банкидан фақат қийин даражали бўлиши мумкин.

Адаптив тестлар таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг модуль-кредит парадигмасида муваффақиятли қўлланиши мумкин. Бунинг учун педагог битта мавзу, боб, бўлим, курс мазмуни бўйича турли қийинчилик даражадаги бир неча вариантли тест топшириқларини тузиш ва амалда қўллаш маҳоратига эга бўлиши лозим.

Мезонли-мўлжал олиш тестлари талабаларнинг умумий тайёргарлик даражаси, мазкур курснинг ўқитилиш сифати, педагогнинг педагогик маҳорати, таълим-тарбия жараёни самарадорлигини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Мазкур тест топшириқларини тузиш учун аввало ўқув курси мазмуни ДТС асосида таҳлил этилади, билим, кўникма ва малакалар аниқланади,

уларни аниқлаш учун топшириқлар мажмуаси тузилади, мазкур топшириқлар тест топшириқларига айлантрилади ва синов ўтказилади, пировар натижада талабаларнинг шу курсни ўзлаштириш даражаси юзасидан хулоса тайёрланади.

Мезонли-мўлжал олиш тест синовлари орқали талабаларнинг билимларидаги бўшлиқлар аниқланади ва уларни бартараф этиш йўллари аниқланади.

Юқорида қайд этилган ностандарт тест топшириқларини таълим-тарбия жараёнида мақсадга мувофиқ фойдаланиш жараёни талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини ҳаққоний ва одилона назорат қилиш ва баҳолаш имконини беради.

Ностандарт тест топшириқларини тайёрлашда мазмун ва шакл асосий ўринни эгаллайди.

### **Амалий машғулот давомида тингловчилар томонидан бажариладиган топшириқлар юзасидан методик кўрсатма**

1. Тест топшириғининг таркиби, мазмуни ва самарадорлигига қўйиладиган талабларни ўрганинг.

2. Тест топшириқларининг қийинлик даражасига кўра ўзингиз ўқийдиган курс бўйича репродуктив, продуктив, қисман-изланишли ва ижодий даражадаги тест топшириқларини тузинг.

3. Тест топшириқларининг мазмуни ва сифатига ДТМ томонидан қўйиладиган талабларни ўрганиб чиқинг.

4. Ўзингиз ўқийдиган курс бўйича тузган репродуктив, продуктив, қисман-изланишли ва ижодий даражадаги тест топшириқларини ДТМ томонидан қўйиладиган талабларга мослаштиринг.

5. Қуйида берилаётган ностандарт тест топшириқларини таҳлил қилинг ва уларнинг турлари, талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш жараёнидаги ўрнини аниқланг.



**Агрономия йўналиши бўйича тузилган ностандарт тестлардан  
намуна**

**1. Мелиорация турлари берилган тўғри жавобларни катакларга жойлаштириб чиқинг?**

Механик мелиорация	
Гидротехник мелиорация	
Кимёвий мелиорация	
Биологик мелиорация	
Сув-хўжалик мелиорация	
Агротехник мелиорация	

А. Ихота дарахтзорларини барпо қилиш, Б. Тошлоқ ерга қум солиш, С. Селга қарши иншоатлар, Д. Сув исрофгарчилига қарши курашиш, Е. Туроққа органик ўғитлар солиш, Ж. К-4 ёки К-9 солиб яхшилаш.

**2. Республикамизнинг суғориш тармоқлари тўғрисидаги маълумотларни тўғри катакларга жойлаштириб чиқинг?**

Савол	жавоб
Суғориш тармоғининг узунлиги, км	
Сув иншоатлари сони, дона	
Сув омборлари, дона	
Сув омборларининг ҳажми, м <sup>3</sup>	
Тик қудуқлар, дона	
Очиқ коллектор тармоқларининг узунлиги, км	
Дренаж тармоқларининг узунлиги, км	
Тик қудуқлар сони, дона	
Кузатув қудуқлари, дона	

А. 55 дона., Б. 4124 та дона., С. 180 минг.км., Д. 2.160 минг. км., Е.19, 2 млрд.м<sup>3</sup>., Ж. 102,8 минг.км., дона, З. 24839 дона.И. 38,3 минг. км., К. 3451 та


**2.Сувни манбадан олиб экин экилган майдонга олиб боришнинг кетма-кетлигини ифодалаган ҳолда тегишли рақамларни катакларга жойлаштинг?**

1) ариқ; 2) канал; 3) дарё; 4) шох ариқ; 5) ўқ ариқ; 6) эгатлар; 7) бешамаклар;



**4.Ортиқча ва зах сувларни даладан ташқарига олиб чиқариб боришнинг кетма-кетлигини ифодалаган ҳолда тегишли рақамларни катакларга жойлаштиринг?**

1) ариқ; 2) коллектор; 3) зовур; 4) вақтинчалик зовур; 5) ёпиқ зовур;



**5. Далага сув олиб келиш ва олиб чиқиб кетишда қайси тармоқлардан фойдаланишни жадвалда тўғри ифодаланг?**

**Тармоқларнинг вазифалари**

A. Сувни олиб келувчи

B. Сувни олиб чиқувчи

тармоқлари

C. Сувни тенг тақсимловчи

D. Сувни тўпловчи

**Тармоқлар**

1) Суғориш тармоқлари

2) Коллектор-зовур

A	B	C	D


**6. Суғориш (A) ва коллектор-зовур (B) тармоқларининг вазифаларини аниқланг ва мос ҳарфларни жадвалнинг ўнг томонига ёзинг.**

Даладан ортиқча сувларни олиб чиқиб кетади	
Экин экилган майдонга сув олиб келади	
Ер ости сувларидан фойдаланишда ишлатилади	
Муваққат суғориш тармоқлари	
Муваққат зовур тармоқлари	
Ўқ ариққа сув олиб келади	


**7. Сизот сувлар жойлашиш чуқурлигига қараб тупроқлар гидрогеологик районини аниқлаб беринг?**

т/р	Сизот сувларининг жойлашиш чуқурлиги, метрда		ЖАВОБ
1	0,5-1	А	1-
2	1-2	В	2-
3	2-3	С	3-
4	3 ва ундан чуқурда	Д	4-

**8. Коллектор-зовур тармоқларини кетма-кетлигини тартибли равишда жойлаштириб чиқинг.**



**1. Аралаш зовур, 2. Тик зовур, 3. Ёпиқ зовур, 4. Очик зовур, 5. Муваққат зовур. Жавоб**



**9. Амударёга қуюлувчи дарёларни тартибли равишда тўғри жойлаштириб беринг.**



1. Сурхандарё, 2. Қашқадарё, 3. Кофиркон, 4. Панж, 5. Бахш, 6. Зарафшон

**10. Республикамизнинг суғориш тармоқлари тўғрисидаги маълумотларни тўғри катакларга жойлаштириб чиқинг?**

Савол	жавоб
Суғориш тармоғининг узунлиги, км	
Сув иншоатлари сони, дона	
Сув омборлари, дона	
Сув омборларининг ҳажми, м <sup>3</sup>	
Тик қудуқлар, дона	
Очиқ коллектор тармоқларининг узунлиги, км	
Дренаж тармоқларининг узунлиги, км	
Тик қудуқлар сони, дона	
Кузатув қудуқлари, дона	

- А. 55 дона., Б. 4124 та дона., С. 180 минг.км., Д. 2.160 минг. км., Е.19, 2 млрд.м<sup>3</sup>., Ж. 102,8 минг.км., дона, З. 24839 дона. И. 38,3 минг. км., К. 3451

**11. Қуйидаги берилган фикрларнинг қайси тўғри? Жавоблар жадвалида “Ҳа” Ёки “Йўқ” сўзларини ёзинг.**

- А. Шўрланган тупроқларни ер остидан суғориб бўлади
- В. Енгил қумоқ тупроқларни ер устидан суғориб бўлади.
- С. Оғир тупроқларни ёмғирлатиб суғориш яхши натижа беради
- Д. Мураккаб рельефли тупроқларни томчилатиб суғориш нотўғри.
- Е. Катта нишабли ерларни ер остидан суғориш натижа бермайди
- Ғ. Минераллашган сизот сувлар яқин жойлашган ерларни томчилатиб суғориш зарур.
- Г. Сув ресурслари кам ерларда ёмғирлатиб суғориш натижа бермайди

**Javob:**

A	B	C	D	E	F	G


**12. Сувни манбадан олиб экин экилган майдонга олиб боришнинг кетма-кетлигини ифодалаган ҳолда тегишли рақамларни катакларга жойлаштиринг?**

1) ариқ; 2) канал; 3) дарё; 4) шох ариқ; 5) ўқ ариқ; 6) эгатлар; 7) бешамаклар;



**13. Ортиқча ва зах сувларни даладан ташқарига олиб чиқариб боришнинг кетма-кетлигини ифодалаган ҳолда тегишли рақамларни катакларга жойлаштиринг?**

1) ариқ; 2) коллектор; 3) зовур; 4) вақтинчалик зовур; 5) ёпик зовур;



**14. Жадвалда берилган ҳолатлар қачон юзага келишини аниқланг ва мос жавобларни жадвалнинг ўнг томониغا ёзинг.**

**A)** Сув ресурслари кам шароитларда; **B)** Шўрланган тупроқлар шароитларида; **C)** Рельеф нотекис бўлган шароитларда; **D)** шўр ювишда.

Томчилатиб суғориш энг яхши натижа беради	
Ёмғирлатиб суғориш яхши натижа бермайди	
Ер устидан суғориш энг яхши натижа беради	
Ер остидан суғориш энг яхши натижа бермайди	

**15. Суғориш (A) ва коллектор-зовур (B) тармоқларининг вазифаларини аниқланг ва мос ҳарфларни жадвалнинг ўнг томониغا ёзинг.**


Даладан ортиқча сувларни олиб чиқиб кетади	
Экин экилган майдонга сув олиб келади	
Ер ости сувларидан фойдаланишда ишлатилади	
Муваққат суғориш тармоқлари	
Муваққат зовур тармоқлари	
Ўқ ариққа сув олиб келади	

## 16. Суғориш усуллари нинг қўллаш мақсадларини кўрсатиб беринг?

Саволлар	рақамлар
Тупроқни намиқтириш –	1
Ҳаво намлигини ошириш–	2
Нам тўплаш–	3
Шўр ювиш–	4
Ўғитлаш–	5
Чиқинди сув билан суғориш–	6
Ҳароратни бошқариш–	7





Ер сатҳидан суғориш



Ер остидан суғориш



Ўмғирлатиб суғориш




Томчилатиб суғориш

**17. Суғориш усуллариинг қўллаш мақсадга мувофиқ бўлмаганларини кўрсатиб беринг**

саволлар	рақамлар
Тупроқни намиқтириш –	1
Ҳаво намлигини ошириш–	2
Нам тўплаш–	3
Шўр ювиш–	4
Ўғитлаш–	5
Чиқинди сув билан суғориш-	6
Ҳароратни бошқариш–	7

		<p>1, 2, 6, 8,</p>
--	--	--------------------

Ер сатҳидан суғориш

	 <p>Ер остидан суғориш</p>	1, 3, 5
	 <p>Ёмғирлатиб суғориш</p>	1, 5, 6,
	 <p>Томчилатиб суғориш</p>	1, 4, 5, 8

**18. Агротехник тадбирларни кетма-кетлигида қўйиб беринг?**

<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Шўр ювиш</li> <li>2. Ерларни текислаш</li> <li>3. Алмашлаб экиш</li> <li>4. Ихота дарахтзорлари экиш</li> </ol>	
---	--


**Жавоб:**

1	2	3	4

**Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш йўналиши бўйича тузилган ностандарт тест намуналари**

1. Ўсимликларнинг озикланишини яхшилаш учун тупроққа органик ўғит солинади. Органик ўғит (гўнг)нинг таркиби ва ҳайвонларнинг турига ва озуқасига, молларнинг тагига солинган ем-хашакларнинг миқдори ва сифатига боғлиқ. Аралашган гўнгда ўрта ҳисобда неча фоиз азот, фосфор, калий ва сув бўлади.

**Жавоб:**

	<b>Таркиби</b>	<b>Фоизи, %</b>
	1-	
	2-	
	3-	
	4-	

**Тўғри жавоб:**

<b>Таркиби</b>	<b>Фоизи, %</b>
<b>Азот</b>	<b>0.45...0.5</b>
<b>Фосфор</b>	<b>0.25...0.3</b>
<b>Калий</b>	<b>0.6...0.7</b>
<b>Сув</b>	<b>75-80</b>

2. Куйидаги гаплардан қайси бири органик ўғитлар синфига киради? Жавобларжадвалига “ҳа” ёки “йўқ” сўзлариниёзинг.

1) Органик ўғитлар- асосан чорвачилик фермаларидан олинган гўнг чириндиси, гўнг шилтаси ҳамда турли компослардан иборат.

2) Органик ўғитлар-таркибида бўр, мис, рух, кобалт, молибтен каби элементлар бўлади.

3) Органик ўғитлар-оддий ёки иккиламчи суперфосфат гранула (дона)ланган ҳамда кукунланган кўринишда тайёрланади. Унинг гидроскоплиги паст бўлиб, нам ҳавода сақланса ҳам бир-бирига ёпишиб, қотиб қолмайди.

4) Органик ўғитлар-таркибида азот, фосфор, калий, сув каби элементлар бўлади.

**Жавоб:**

1	2	3	4

Тўғри жавоб:

1	2	3	4
ҳа	йўқ	йўқ	ҳа

3. Органик ўғит сочиш машинасидаги тарқатиш транспортёри юритувчи механизми таркибий қисмларини жадвалга ёзинг?


	таркибий қисмлар номи	Рақамлар

Тўғри жавоб:

Транспортёр юритувчи механизми таркибий қисмлари	Рақамлар
Хроповик ғилдирак	1
Етакловчи вал	2
Сақлагич ва кичик етакловчи	3
Занжир	4
Кривошип механизм	5
Кривошип вали	6
Итаргич	7
Шатун	8
Карамисло	9




**4.Органикўғитнидарахтвобутасимонўсимликларилдизиёнигасоладиган  
машинаси ишчи қисмларини жадвалга ёзинг?**

	Ишчи қисмлар номи	Рақам лар


**Тўғри жавоб:**

ишчи қисмлар номланиши	Рақамлар
Гилдирак	1
Редуктор	2
Кўмгич	3
кўндаланг транспортёр	4
тувроқ тилгич	5
Рама	6
Тиргак	7
кардан вали	8
Гидросилиндр	9
майдаловчи барабанлар	10
майдаловчи барабанлар	11
Кузов	12

5. Органик ўғит сочиш машинаси қисмларга ажратилган, уларни тартиб билан номерлаб чиқинг. 1-сочгич томонлари; 2- бўйлама транспортёр; 3- таранглатувчи юлдузча; 4- айлантирувчи юлдузча; 5- таранглатувчи юлдузча; 6-сепгич;7-транспортёр вали;8-редуктор;9- битер вали;10-сочгичнинг тормоз тизими;11-воситачи вал;12- юритувчи вал;13-орқа воситачи вал;14-таянч;15-ўғит сочиш рамаси;16-карданли вал.



Тўғри жавоб.





## Ветеринария йўналиши бўйича тузилган ностандарт тест намуналари



### 1. Витаминларнинг эритувчиларда эриш хусусиятлари билан жуфтланг.

1	Сувда эрувчи	А	ёғда ва органик эритувчиларда яхши эриш хусусиятига эга бўлиб, организмда секинлик билан сўрилади.
2	Ёғда эрувчи	В	Сувда, ёғда ва органик эритувчиларда эриши
3	Поливитаминлар	С	Уларнинг кўпгина ҳосилалари ҳайвон организмда кўпинча сувли фаза ҳолатида бўлиб, организмда тўпланиб турмайди.

Савол:	1-	2 -	3 -
--------	----	-----	-----

#### Жавоби:

Жавоб:	1-С	2 -А	3 - В
--------	-----	------	-------

### 2. Витаминларга берилган тўғри таърифни жуфтланг.

1	К витамини-	А	етишмаганда ҳайвон, инсонларда ва айниқса паррандаларда вужудга келадиган салбий ҳолатлардан бири шаккўрлик касаллигидир
2	С витамини-	Б	урчиш витамини деб ҳисоблайдилар, чунки у организмда этишмаганида урғочи ва эркак ҳайвонларнинг жинсий органларида салбий

			ўзгаришларни вужудга келтиради.	
3	Евитамины-	С	Етишмаганда синга (лавша зангила) ёки скорбут деб аталадиган оғир касалликка олиб келади.	
4	А витамини-	Д	ҳайвон организмида қоннинг ивиш тезлиги сусаяди, яъни қон плазмасида қоннинг ивиши учун зарур бўлган оксил моддалардан бири протромбин миқдори камайиб кетади.	
Жавоб:	1-	2 -	3 -	4 -

Жавоби:

Жавоб:	1-Д	2 -С	3 - Б	4 - А
--------	-----	------	-------	-------

**3. Замонавий поливитаминлардан мултивит билан интравит препаратлари таркибидаги айрим фарқларни ажратинг ва мос рақамларни жадвалнинг жавоб рақамлар қисмига ёзинг.**

1) Вит.А- 50000 ХБ, Д<sub>3</sub>-25000 ХБ, э-4 мг Б<sub>1</sub>-10 мг, Б<sub>2</sub>-0,04 мг, Б<sub>3</sub>-4 мг;  
 2) Вит.А- 15 000 ХБ, Д<sub>3</sub>-7 500 ХБ, э-20 мг Б<sub>1</sub>-10мг.; 3) Б<sub>2</sub>-5 мг, Б<sub>6</sub>-3 мг, Б<sub>12</sub>-60 мг, пантенол-25 мг.; 4) Б<sub>4</sub>-5 мг, Б<sub>5</sub>-5 мг, Б<sub>6</sub>-1 мг, Б<sub>12</sub>-0,01 мг; инозитол-2 мг, 5) никотинамид-50 мг, фоли кислотаси-150 мг.; 6) магний сульфат-0,1 мг, мис сульфат- 0,1 мг, рух сульфат- 0,1 мг.; 7) биотин-125 мг, холин-хлорид- 12,5 мг, аминокислоталар -12мг; 8) коболт- 0,02 мг, метионин- 5 мг;

белгилар тури	жавоб рақамлар
Мултивит	
Интравит	

**Жавоби:**

белгилар тури	жавоб рақамлар
Мултивит	1,4,6,8
Интравит	2,3,5,7

**4. Б гуруҳ витаминларига берилган таърифни атамалар билан жуфтланг.**

1	<b>В<sub>1</sub> витамини-</b>	А	элементар таркиби $C_{17}H_{16}O_2N_4(OX)_4$ дан иборат бўлиб, у 1933 йилда сут зардоби таркибидан ажратиб олинди, лактофлавин деб аталган..
2	<b>В<sub>2</sub> витамини</b>	В	пиридоксол инсон ва ҳайвон

			организмларида асосан икки хил фаол ҳолатда алдегид ва амид, яъни пиридоксал ҳамда пиридоксамин ҳолида тузилган бўлиб, бу шаклларда фосфат кислоталарини бириктиради ва фаол пиридоксалфосфат ҳолида бўлади.	
3	<b>В<sub>6</sub> витамини</b>	С	тиамин деб аталишига сабаб унинг таркибида олтингугурт (грекчада-тио) ва аминогруппа (-NH <sub>2</sub> ) борлигидадир.	
4	<b>В<sub>12</sub> витамини</b>	Д	етишмаганда камқонлик касаллигининг, яъни қон таркибида гемоглабин миқдори камайишининг асосий сабабларидан бири илик, талоқ тўқималарида қон эритроцитлари синтезланишининг пасайишидир.	
Жавоб:	1 -	2 -	3 -	4 -

**Жавоби:**

Жавоб:	1-С	2 -А	3 - В	4 - Д
--------	-----	------	-------	-------

**5. Қуйида берилган таърифларнинг қайсилари тўғри?**

**А. Сувда эривчи витаминлар-** уларнинг кўпгина ҳосилалари ҳайвон организмда кўпинча сувли фаза ҳолатида бўлиб, организмда тўпланиб турмайди, шунинг учун озика билан доимо истеъмол қилиб турилиши шарт.

**В. Е витамини-** ҳайвонлар организмда қоннинг ивиш тезлиги сусаяди, яъни қон плазмасида қоннинг ивиши учун зарур бўлган оксил моддалардан бири протромбин миқдори камайиб кетади.

**С. Ёғда эрувчи витаминлар-** ёғда ва бошқа хил органик эритувчиларда яхши эриш хусусиятига эга бўлиб, организмда ёғли бирикмалар ҳолатида маълум бир миқдорда тўпланиб туриб кейин секинлик билан организм эҳтиёжи учун сарфланиши мумкин..

**Д. Р витамини-** Озуқа таркибида С витаминининг этишмаслиги синга (лавша зангила) ёки скорбут деб аталадиган оғир касалликка олиб келади.


**Е. Д витамини-**антирахитик витаминлардир. Одам ва ҳайвон организмда Д витаминининг этишмаслигида рахит касаллигининг келиб чиқишига олиб келади.

**Жавоб:** \_\_\_\_\_


Жавоб: А, С, Е.

6. Касалликни даволашни кетма - кетлигини ифодалаган холда тегишли рақамларни катакларга ёзинг.

1) патогенези; 2) сабаблари; 3) диагноз; 4) олдини олиш; 5) клиник белгилари; 6) даволаш; 7) патанатомияси.



Жавоби



7. Расмда берилган витаминларни кимёвий тузилиши бўйича номланишини ёзинг аниқланг.

	<b>препаратлар</b>	<b>номлар</b>
	А витамин	
	С витамин	
	К витамин	
	Е витамин	
	Б <sub>2</sub> витамин	
	Б <sub>6</sub> витамин	
	Д витамин	
	Б <sub>9</sub> витамин	
	Б <sub>12</sub> витамин	

Жавоби:

	<b>препаратлар</b>	<b>номлар</b>
	А витамин	Ретинол
	С витамин	Аскорбин кислота
	К витамин	Викасол
	Е витамин	Токоферол
	Б <sub>2</sub> витамин	Рибофлавин
	Б <sub>6</sub> витамин	Пиридоксин
	Д витамин	Холикалциферол
	Б <sub>9</sub> витамин	Фолий кислота

	В <sub>12</sub> витамин	Цианакоболамин
--	-------------------------	----------------

8. Ёш ҳайвонларда гиповитаминозларни олдини олиш усулларида қайсилари тўғри берилган? Жавоблар жадвалига “ҳа” ёки “йўқ” сўзларини ёзинг.

- А. Сифатли озуқалар берилмайди.
- В. Тўйимли витаминларга бой озуқалар билан боқилади
- С. Ҳар куни яйратиш майдончасига чиқарилади
- Д. Таркибида антибиотиклар бор препаратлар берилади.
- Е. Ҳар ойда витаминотерапия ўтказилиб турилади.

Жавоб:

А	Б	С	Д	Е

Жавоб:

А	Б	С	Д	Е
Йўқ	ҳа	ҳа	Йўқ	ҳа

9. Қуйида берилаган фикрларнинг қайсилари тўғри? Жавоблар жадвалига “ҳа” ёки “йўқ” сўзларини ёзинг.

- А. Витаминлар физик, кимёвий тузилиши жиҳатидан кичик гуруҳга бўлинади.
- В. **Сувда эрийдиган витаминларга витамин А, Д, э, Ф, К лар киради.**
- С. Витаминларни 1880 йилда (Н. И. Лунин), асосан 1911 йилда (К. Функ) кашф қилишган, улар ҳаётга (вита-ҳаёт) керакли витамин деб аталган.
- Д. Антибиотиклар комплекс поливитаминлар ҳисобланади.
- Е. Поливитаминларга ривит, тетрамаг, мултивит,  
интравит, витафлаш, аминовиталлар киради.
- Ф. **Ёғда эрийдиган витаминларга витамин А, Д, э, Ф, К лар киради.**

Жавоб:

А	Б	С	Д	Е	Ф

Жавоб:

А	Б	С	Д	Э	Ф
Ҳа	Йўқ	Ҳа	Йўқ	Ҳа	Ҳа

10. Тушириб қолдирилган сўзларни ёзинг.

- 1) Озиқа таркибида бирор хил витаминнинг этишмовчилиги натижасида содир бўладиган касалликлар \_\_\_\_\_ деб аталади.
- 2) Организмнинг талабини озуқалар таркибидаги айрим витаминлар қондира олмаслиги натижасида касаллик пайдо бўлиши мумкин. Бу касалликни бирламчи \_\_\_\_\_ касаллиги деб айтилади.

**Тушириб қолдирилган сўзларни ёзинг. (Жавоби)**

- 1) Озиқа таркибида бирор хил витаминнинг этишмовчилиги натижасида содир бўладиган касалликлар **авитаминозлар** деб аталади.
- 2) Организмнинг талабини озуқалар таркибидаги айрим витаминлар қондира олмаслиги натижасида касаллик пайдо бўлиши мумкин. Бу касалликни бирламчи **гиповитаминоз** касаллиги деб айтилади.

**Тингловчилар учун ўқув топшириқлари**

Ў Ф Э	Модулар бўйича ўқув топшириқлари	Методик кўрсатма	Балл
1.	<p><b>Мақсад:</b> Талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма малакалари ва компетенцияларини назорат қилиш ва баҳолашда стандарт ва ностандарт тест топшириқларини тузишни ўрганиш.</p> <p>Модуль мавзуси бўйича берилган материалларни диққат билан ўқиб чиқинг ва қуйидаги саволларга жавоб топинг.</p> <p>1. Стандарт ва ностандарт тест топшириқларининг ўхшашлиги ва фарқини эътиборга олган ҳолда Венн диаграммасини тузинг.</p> <p>2. Ностандарт тест топшириқларининг турларини аниқланг ва улардан педагогик фаолиятингизда фойдаланиш йўлларини белгиланг.</p> <p>3. Ностандарт тест топшириқларини ўрганинг ва ўзингиз ўқийдиган курс мазмунидан муайян мавзу бўйича тест топшириқларини шакллантиринг.</p> <p>4. Сиз қандай ўзгартиришлар киритишни таклиф этасиз?</p>	Кичик гуруҳ аъзолари билан ҳамкорликда ишланг	2-балл
2.	<p><b>Мақсад:</b> Тингловчилар томонидан талабаларнинг ўзлаштирган билим, кўникма малакалари ва компетенцияларини назорат қилиш ва баҳолаш мақсадида</p>		3-балл



	<p>шакллантирилган ностандарт тест топшириқларини таҳлил қилиш.</p> <p>1. Сизга тавсия этилган ностандарт тест топшириқларини намуна сифатида қабул қилиб, ўзингиз ўқийдиган курс бўйича 15 та тест топшириғини тузинг.</p> <p>2. Курс бўйича шакллантирилган ностандарт топшириқларини тақдимотга тайёрланг.</p> <p>3. Ўзингиз тузган тест топшириқларининг афзаллиги, камчилиги ва уни тузишда учраган қийинчиликлар юзасидан фикр билдиринг.</p>		
3.	<p>Модуль дастурини яқунлаш.</p> <p>Мақсад: Ўз фаолиятини таҳлил қилиш, ўз-ўзини баҳолаш.</p> <p>1. Модуль дастурининг дидактик мақсадини ўқиб чиқинг. Кўзланган мақсадга қай даражада эришдингиз?</p> <p>2. Ўқув топшириғидаги модуллардан кўзда тутилган дидактик мақсадларни такрорланг. Уларни бажаришда қандай қийинчиликларни енгишга эришдингиз?</p> <p>3. Ушбу модуль дастури сизнинг педагогик фаолиятингизда қандай ўзгаришлар бўлишига замин тайёрлайди деб ўйлайсиз?</p> <p>4. Мустақил ишлаш жараёнидаги фаолиятингизни 5 балл билан баҳоланг.</p> <p>5. Амалий машғулот давомидаги ўз фаолиятингиздан қониқиш ҳосил қилмаган бўлсангиз матн ва модуль дастури устида такроран ишланг.</p>	Тўпла-ган балларинг изни жамланг ва кейинги қаторга ёзинг	4-балл
	Тингловчининг машғулот давомида тўплаган баллари	жами	5-балл

### Назорат саволлари:

1. Ностандарт тестлар мазмуни ва моҳиятига кўра қандай гуруҳларга ажратилади?
2. Қишлоқ хўжалигига оид тузилган ностандарт тестни ўрганиб чиқинг ҳамда фикрингизни билдиринг?

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Толипова.Ж.О Педагогик квалиметрия.Тошкент 2015.
2. Хошимова М.К. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. (Маърузалар матни). Т.:ТДИУ.- 2012.- 50 бет.

#### 4- амалий машғулот:

##### Таълим олувчиларнинг мустақил фаолиятини ташкил этиш бўйича хориж тажрибаси

**Амалий машғулотнинг мақсади:** тингловчиларни мустақил ишларни ташкил этишда кўпроқ қайси услублардан фойдаланиш ҳамда ўқитиладиган курс моҳиятига ёндашган ҳолда танлаш учун зарур бўладиган методик билим, кўникма ва малакаларни таркиб топтириш.

##### Аудиторияда талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этиш

Мустақил фаолият муайян фандан ўқув дастурида белгиланган ҳамда талаба томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришни амалга оширишга ҳизмат қилади, ўқитувчи маслаҳати ва тавсиялари асосида аудиторияда ёки аудиториядан ташқарида бажарилади. Фаннинг хусусиятидан келиб чиқиб қуйидаги схемада келтирилган мустақил иш турлари бўйича топшириқлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Талаба томонидан мустақил равишда жавоб ёзишни ( реферат ёки ҳисобот шаклида) талаб этувчи саволлар ишлаб чиқилади. Талабанинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган топшириқлар ишлаб чиқилади.

Мустақил иш топшириқлариниқуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

Ёзма мустақил топшириқларга қуйидагилар киради: ҳисоблаш учун берилган вазифаларни бажариш, умумлаштирувчи ва такрорланувчи жадвалларни тўлдириш, технологик хариталарни ишлаб чиқиш, лаборатория, амалий ишлар тўғрисида ҳисоботлар тузиш, турли органайзерлар асосида талабалар фаолиятини ташкил этиш ва б.

График мустақил топшириқларга қуйидагиларни киритиш мумкин: турли лойиҳаларни тайёрлаш чизмачилик ишларини эскизлаштириш, кесмалар ва кесишмаларни тасвирлаш, (айрим детал ва тугунларни чизиб кўрсатиш ва х.з), схемалар, графиклар, диаграммаларни тузиш, кузатиш натижаларини тасвирлаш ва шунга ўхшаш вазифаларни ўз ичига олади.

Амалий характердаги мустақил топшириқларга қуйидаги вазифаларни киритиш мумкин: Ўқувчилар педагог топшириғи асосида мустақил ишни бажариш жараёнида буюм ва маҳсулотларни тайёрлаш, жиҳоз ва асбоб-ускуналарни таъмирлаш, маҳсулотга ишлов бериш, ҳисоблаш, янги мосламаларни лойиҳалаш, макет ва моделлар, намуналар тайёрлаш каби ишларни амалга оширадilar.

Мустақил ишларни индивидуал - дидактик мақсадларни амалга ошириш нуқтаи назаридан ҳам 4 гуруҳга ажратиш мумкин:

1) Билимларни дастлабки шаклланишига, идрок қилишга ундайдиган вазифалар. Бунда ўқувчилармақсадга эришиши учун нима талаб қилинишини билиши лозим. Вазифалар - ахборотларни, маълумотларни ўзлаштиришга қаратилган бўлади.

2) Ўзлаштиришга ахборот, маълумотларни хотирада сақлаш ва қайта жонлантириш ва қайта ишлашга қаратилган топшириқлар. Бунда аввал эгалланган билимларни тўғри жалб қилиш, фаоллаштириш асосида бажариладиган ҳамда аниқ шароитда татбиқ этиш талаб қилинадиган вазифалар берилади.

3) Аввал ўзлаштирилган, қолипга тушган, тажриба тўпланиши натижасидаги билим, малака, кўникмаларга янгича нуқтаи назардан ёндашишни талаб қилувчи топшириқлар. Уларда масаланинг моҳиятини излаш, янгича ечимлар топиш, янгича ғоя, фикрлар билан ифодалашни талаб этиладиган вазифалар берилади.

4) Ижодий фаолиятга ундовчи топшириқлар.

Бунда, янги ёки олдиндан маълум бўлсада, унғача бошқача нуқтаи назардан қаралган ғоя, фикрларни тадқиқ қилиш, яъни ахборотлар тўплаш, улар устида ишлаш, ўз фикрини билдиришга ундайдиган топшириқлар, вазифалар берилади.

Бугунги кунда малакали мутахассис тайёрлаш жараёнини мустақил ишларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки, айнан мустақил ишларни бажариш жараёнида ўқувчиларда танқидий, ижодий фикрлаш рефлекслари ривожлантирилади. Аммо мустақил ишларни ташкил этиш жараёнида маълум қийинчиликлар ва муаммолар ҳам мавжуд:

1. Тарқатма материалларни тайёрлаш масаласи. Педагог томонидан тайёрланган тарқатма материаллар ҳар бир талаба учун кўпайтирилиши лозим. Груҳда ўқувчилар сони ўртача 20 та бўлиши мумкин. Ҳар бир тарқатма материални 20 тадан кўпайтириш учун маълум маблағ талаб этилади. Педагог ҳар гал ўз ҳисобидан маблағ ажратиш имконига эга эмас.

2. Дарс жараёнида ташкил этилувчи мустақил ишларни баъзан кичик гуруҳларда ҳамкорликда ўқитиш усулидан фойдаланган ҳолда ўтказиш талаб этилади. Бунинг учун кичик гуруҳларда ишлашга қулай аудиториялар талаб этилади, аммо бундай имкониятлар олийгоҳларда ҳозирча йўқ.

3. Кўпчилик педагоглар мустақил ишларни ташкил этиш маҳоратига эга эмас.

4. Мустақил ишларни бажариш учун ўқувчилар талаб этилувчи билимлар билан яхши қуролланган, мавзунини чуқур ўзлаштирган бўлишлари лозим. Агар маъруза дарсида талаба етарли тушунчага эга бўлмаган бўлса, у топшириқни ижобий ҳал этиш имконига эга бўлмайди. Шунинг учун мустақил ишларни ташкил этишда аввалам бор билимларни фаоллаштириш, эслаш, коррективровка қилиш ва ягона хулосага келиш мақсадга мувофиқ.

Мустақил фаолиятни ташкил этиш жараёнида ўқитувчи кўпроқ дидактик материаллардан фойдаланади. Дидактик материалларга ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий ишлаш ҳамда фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган муаммоли, қизиқарли саволлар, ижодий топшириқлар, лойиҳалар ўйинлар, крассвордлар каби материаллар киради .

Шунингдек ўқитиш жараёнида ўқитувчи томонидан қўлланиладиган тарқатма материаллар, карточкалар, саволномалар, йўриқномалар, амалий ишни ташкил этиш бўйича технологик хариталар киради.

Дидактик топшириқлар ва материалларни ишлаб чиқишда қуйидагиларга эътибор бериш керак:

1. Муаммоларни ҳал қилишга йўналтириш;
2. Тадқиқотлар олиб боришга йўналтириш;
3. Турли вазиятлар ва ҳолатлар таҳлилига қаратиш;
4. Тажрибалар ва машқлар ўтказишга мўлжаллаш;
5. Янгиликларни излаш ва топишга йўналтириш.

Мустақил ишларни ташкил этишда “оддийдан-мураккабга” ҳамда “умумийдан-хусусийга”, “мавҳумдан-аниқликка” қараб ҳаракатланишни таъминлаш лозим. Аудиторияда мустақил фаолиятни ташкил этишга оид юқоридаги талабалар тизими билан танишиб чиққач, ўқитувчи аудиторияда олиб бориш мумкин бўлган дидактик ўйинлар билан тингловчиларни таништиради (Органайзерлар, интерфаол методлар, мустақил топшириқлар).

Тингловчиларни бир неча гуруҳга бўлади ва ҳар бир гуруҳга алоҳида вазифа топширади. Ҳар бир гуруҳ ўзига топширилган вазифа бўйича тақдимот тайёрлайди.

#### **Тавсиялар:**

Талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этишга бағишланган топшириқни бажариш вақтида ҳар бир гуруҳ қуйидагиларни бажариши лозим:

- ўз соҳаси бўйича мавзу танлаши керак;

- мавзуга мос бўлган мустақил фаолиятни ташкил этишнинг икки оптимал методини танлаши;
  - танланган метод асосида қандай кўникма ва малакани шакллантирмоқчи эканига изоҳ бериш;
  - вазифани бажаришга қанча вақт ажратилганлигини белгилаш;
  - топшириқни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;
  - танланган метод асосида талаба ўрнида ўзи фаолият кўрсатиб вазифани бажариш;
  - топшириқ натижалари бўйича тақдимот тайёрлаш.
- Ҳар бир гуруҳ тақдимоми бошқа гуруҳлар томонидан таҳлил қилинади ва, ютуқ ҳамда камчиликлар аниқланиб, баҳоланади.

### **Аудиториядан ташқарида талабалар мустақил фаолиятини ташкил этиш**

Кейинги йилларда таълим муассасаларида ўқувчиларнинг мустақил таълим олишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки эндиликда таълим олувчиларда мустақил фикр ва ижодий фикрни ривожлантириш масаласи таълимнинг долзарб вазифаларидан бирига айланди.

Мустақил ишларнинг ажралмас қисми бу мустақил таҳсилдир. Ўқувчиларнинг мустақил таҳсили уларни ўз билимларини кенгайтириш, чуқурлаштириш, мавжуд малака ва кўникмаларни такомиллаштириш ҳамда уларнинг янгиларини ўзлаштиришга бўлган интилишидир.

Мустақил таҳсилнинг асосий мақсади ўқувчиларни шахсий ва касбий сифатларини шакллантиришда ўз устида ишлаш устунлигидир. Мустақил таҳсилнинг асосий методи адабиётлар устида индивидуал ишлашдир. Бу метод ахборотлар оқимида энг зарур ахборотни топиш, унга баҳо бериш, ушбу ахборотдан ўзининг касбий фаолиятида фойдаланиш малакасини шакллантиради.

Талабалар мустақил ишини ташкил этишда муайян фаннинг хусусиятларини, шунингдек, ҳар бир талабанинг академик ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда куйидаги шакллардан фойдаланилади:

- айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;
- Президент асарлари ва иқтисодий масалаларни тадқиқ қилишга бағишланган илмий адабиётларни конспект қилиш;
- семинар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;
- берилган мавзулар бўйича реферат, ахборот тайёрлаш;

- ўрганилаётган фаннинг энг долзарб муаммоларини қамраб олувчи рефератлар ёзиш;

- муаммоли вазиятларни ечимини топиш;
- кейс-стади асосида мустақил фаолиятни ташкил этиш;
- касбга оид бўлган лойиҳаларни тайёрлаш;

Ўқув дастуридаги айрим мавзуларни мустақил ҳолда ўзлаштириш, уйга берилган вазифаларни бажариш, амалий ва лаборатория ишларига тайёргарлик кўриб келиш, ижодий ва илмий-тадқиқот характеридаги ишлар аудиториядан ташқарида амалга оширилган мустақил ишлар қаторига киради.

Биринчи тур ишлари талабаларнинг назарий ва амалий билимларини ўзлаштириб бориш даражаси, амалий машғулотларга (амалиёт, лаборатория, семинар дарслари) тайёргарлик савияси ва уй вазифаларининг бажарилиш сифатини текшириш мақсадида, одатда, назорат ишлари олиш, савол-жавоб, суҳбат, мунозара, амалий топшириқларни бажартириб кўриш ва ҳ.к.

Иккинчи тур ишлар фаннинг ишчи ўқув дастурида аудиториядан ташқарида ўзлаштирилиши белгиланган мавзу бўйича маълумот ва ахборотларни мустақил равишда излаб топиш, таҳлил қилиш, конспектлаштириш (ёки реферат тарзида расмийлаштириш) ва ўзлаштириш, ижодий ёндашишни талаб қиладиган амалий топшириқларни бажариш кўринишида амалга оширилади. Бу турдаги ишларни бажариш жараёни ва ўзлаштириш сифатининг назорати дарсдан ташқари пайтларда, махсус белгиланган консултация соатларида амалга оширилади. Курс иши ва лойиҳасини, ҳамда битирув ишларини ташкил қилиш бўйича олиб бориладиган фаолият ҳам аудиториядан ташқарида олиб бориладиган мустақил ишлар қаторига киради.

Мустақил ишлар жорий ўқув жараёни билан биргаликда ва узвий боғлиқликда олиб борилади. Мустақил равишда билиш доирасини кенгайтириш ҳамда қўшимча назарий ва амалий материални эгаллаш талаба эгаллаётган касбий малака ва ишлаб чиқаришда мустақил ишлай билиш кўникмасини орттириш билан чамбарчас боғланган.

Адабиётлар билан мустақил ишлаши, уни ўқиб чиқиб тушуниш, эслаб қолиш нуқтаи назаридан эмас, балки маълум бир ўқув масалаларни (масалан, масала ечишни, курс лойиҳаси ва битирув иши лойиҳаларини) ҳал этиш учун зарур бўлган материалларни топиш ва уларни тизимлаштириш, таҳлил этиш нуқтаи назардан қараш керак. Реферат, курс иши ва битирув ишларининг вазифаси махсус фанларидан олинган назарий билимларни мустақил билим орттириш йўли билан амалий



мустаҳкамлашдан иборатдир. Талабалар курс иши ёки битирув иши бажаришар экан, улар албатта, чизиш, ҳисоблаш, таҳлил ишлари билан бирга (бир вақтнинг ўзида) бажариладиган ишлар бўлиб, изланишлар ва истиқболни белгилашнинг илғор усуллари асосида мустақил равишда олиб борилади. Талабаларда курс ишини бажариш малакасини шакллантириш ҳамда талабаларнинг иқтисодий муаммони ечишдаги ижодий изланишлари қуйидаги усулларда олиб борилиши мумкин: муаммони атрофлича ўрганиш, унинг назарий жиҳатдан чуқур таҳлил этиш ва амалий ҳолатдаги четга чиқишларни аниқлаш, хатоликларни ахтариш ва уларни йўқотиш йўллари ахтариш. Мазкур фаолиятнинг ютуғи шундаки, у талабаларни ижодий изланишларга, мулоҳазалар юритишига, янги ечимларни ишлаб чиқишга ундайди.

Бугунги кунда фан-таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси жараёни кетмоқда. Шу сабабли, битирув малакавий иш мавзулари буюртмачилар билан маслаҳатлашган ҳолда танланмоқда. Битирув малакавий ишларининг натижалари буюртмачилар томонидан баҳоланади ва реал вазиятларда улардан фойдаланилади. Шундай қилиб, ўқувчиларнинг мустақил фаолияти ва ишлаб чиқариш ўртасида узвий алоқалар ўрнатилмоқда.

Аудиториядан ташқарида бажариладиган мустақил ишлар лойиҳа ва кейс-стади усулидан фойдаланган ҳолда ўтказилиши бугунги кунда хориж тажрибасида кенг қўлланилади.

Аудиториядан ташқарида талабаларнинг мустақил фаолиятини ташкил этишга оид юқоридаги фаолият тури билан танишиб чиқилгач, тингловчиларга қуйидаги вазифани тақдим этиш мумкин.

Тингловчилар фаолияти якка ҳолда ташкил этилиб, ўзлари дарс берадиган курс бўйича аудиториядан ташқарида мустақил фаолиятни ташкил этиш жадвалини тўлдириш таклиф этилади (1- жадвал). Ушбу фаолият натижаларини таҳлил этиш учун экспертлар гуруҳи тайинланади.

Фан бўйича мавзуларнинг номлари	Мавзуга ажаратилган соатлар миқдори	Мавзуга мос бўлган аудиториядан ташқарида бажариладиган фаолият тури	Мустақил фаолиятга ажаратилган вақт	Танланган мустақил фаолиятдан кутилаётган натижага изох

### **Тавсиялар:**

-танланган мустақил фаолият тури мавзунинг мақсади ва вазифаларига мос эканлигига эътибор қаратинг;

-эришиладиган натижага изоҳ беринг;

-танланган мустақил фаолиятга ажратилган вақт муддатини аниқланг;

-танланган мустақил фаолият эришиш лозим бўлган натижани таъминлашда оптимал эканини асосланг;

Ҳар бир тингловчи ўз фаолият натижаси бўлмиш жадвални тақдим этгач, экспертларнинг фикрлари билан танишиш мақсадга мувофиқ.

Амалий машғулотга доир топшириқлар юқорида “Модулни ўқитишда фойдаланиладиган интерфаол методлар” бўлимида берилган. Машғулотга доир топшириқларни бажаринг?

### **Назорат саволлари:**

1. Мустақил ишлар қандай гуруҳларга ажратилади?
2. Мустақил ишларни индивидуал-дидактик мақсадларни амалга ошириш нуқтаи назаридан нечта гуруҳга ажратиш мумкин?
3. Мустақил ишларни амалга оширишда гуруҳ кўпи билан неча кишидан ошмагани маъқул ва нима учун?
4. Хориж тажрибасида аудиториядан ташқаридаги мустақил ишлар кўпроқ қайси услублардан фойдаланган ҳолда ўтказилади?

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Хошимова М.К. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. (Маърузалар матни). Т.:ТДИУ.- 2012.- 50 бет
2. Бордовской.Н.В. Современные образовательные технологии: учебное пособи. – М.: КНОРУС, 2010.

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

### Мавжуд вазият

#### *“Дон ўриш комбайнларини ўрганиш”*

Ўзбекистоннинг жанубий қисмида жойлашган “Аброр бобо” фермер хўжалиги раиси лалми жойга эрта баҳор ерни экишга тайёрлаб, ғалла эгган эди, аммо йил қурғоқчил келганлиги сабабли ғалланинг бўйи паст ва ҳосилдорлиги 3 ц/га дан ошмас эди. Ундан ташқари ғалла эрта пишганлиги учун ва уни тез фурсатларда сифатли ўриб олиш керак эди. Бу топшириқни ғалла ўриш комбайнининг оператори вазифасига энди янгидан ишга қабул қилинган Худайқулов Асрор ўз зиммасига олди. Техникани энди-энди тушунадиган Асрор эрта тонгдан ғалла комбайни билан ғаллани ўриб олди, натижада ўриб олинган ғалла ҳосилдорлиги 2,2-2,5 ц/га дан ошмади, кесилган пояннинг баландлиги 34-35 см дан баланд эди. Буни кўрган Аброр бобо фермер хўжалиги раиси Асрорни ишдан ҳайдаб юборди.

#### **Савол:**

1. Юқоридаги вазиятни таҳлил қилинг?
2. Фермер хўжалиги раиси Асрорни ишдан ҳайдаганини тўғри деб ўйлайсизми?
3. Ушбу ҳолатда Асрор қандай йўл тутиши керак эди?
4. Асрор ғаллани комбайнда ўришга қўйиладиган агротехник талабларни бажаришда қандай хатоликка йўл қўйди?
5. Ғалла ўриш комбайнининг асосий ишчи қисмлари қандай ва нимага қараб ростланади?

### Мавжуд вазият

Дончилик ўсимликшуносликнинг асосий тармоқларидан бири бўлиб, аҳолини тўйимли озиқ-овқат маҳсулотлари, енгил саноатнинг бир қанча тармоқлари учун хомашё ва чорвачиликни ем-хашак билан таъминлайди. Дончиликда ўсимликшунослик каби ўзига хос хусусиятлари мавжуд: мавсумийлиги, муайян технологик тадбирларни маълум муддатларда ўтказиш, ташқи шароитни доимо ўзгариб туришидир.

#### *Савол: “Ғаллачиликни ривожлантириш муаммоси”*

*Қандай қилиб аҳолини тўлиқ дон маҳсулоти билан таъминлаш мумкин?*

*Ғаллачиликни ривожлантириш учун Ўзбекистонда нима ишларни амалга ошириш керак?*

### Мавжуд вазият

Заводга келтирилган хом ашё партияси тўлиқ текширувдан ўтмасдан қабул қилинди. Барча ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилди. Орадан бироз вақт ўтди ва қабул қилинган хом ашё партиясида нуқсон борлиги маълум бўлди. Яъни, хом ашё партиясининг пишиш даражаси меъёр тўғри келмаслиги, ҳамда ифлослиги ҳам рухсат этилган кўрсаткичдан баланд эканлиги аниқланди.

Зудлик билан мажлис чақирилди. Сифатсиз хом ашё партияси қабул қилинаётган пайтда ишлаб чиқариш амалиётига келган талаба намуна таҳлил қилганлиги, лаборантлар эса лаборатория мудирини хузурига мажлисга кириб кетганлиги маълум бўлди.

Мазкур ходиса юзасидан лабораториядаги катта лаборант Н.Абдуллаева жавобгар деб топилди, унга нисбатан интизомий ва моддий жавобгарлик чоралари кўрилди. Катта лаборант буни ўзига нисбатан ноҳақлик деб баҳолади ва ўз хоҳишига биноан ишдан бўшашга ариза ёзиб, меҳнат шартномасини бекор қилди.

**Бу ҳолат юзасидан қандай фикрдасиз ва сиз қандай йўл тутган бўлардингиз?**

*Юқорида келтириб ўтилган вазиятни таҳлил этинг. Сиз Н.Абдуллаеванинг ўрнида бўлганингизда қандай йўл тутган бўлар эдингиз? Н.Абдуллаеванинг ишдан бўшаб кетиши тўғри бўлдими?*

### Мавжуд вазият

Қадоқлаш жараёнида кенг қўлланиладиган нанотехнологиялар, қадоқланган маҳсулотларни узоқ муддатга сақланишини сифат хусусиятларига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни чеклаш орқали сақланувчанлигини узайтириши фанга маълум, бироқ мева ва сабзавотларни қайта ишловчи нуфузли бир корхонанинг ишчиларидан бири сифат хусусиятларига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни чеклашда қўлланиладиган нанотехнологиялар бу корхона маҳсулотларига салбий таъсир кўрсатаётганини сезиб қолди.

**Муаммоли савол:** *Юқорида келтириб ўтилган вазиятни таҳлил этинг. Нима сабабдан қўлланилган нанотехнология акс таъсир кўрсатди. Бу ҳолатни олдини олиш учун нима қилиш даркор?*

**Мавжуд вазият**

## Саволли кейс

Ёшлар маънавий-ахлоқий онг ва эътиқодга эга эмасликлари. Бу эса уларнинг “оммавий маданият” таъсирига тушиб қолишлари учун асосий сабаб бўлмоқда.

Сизнингча, бу фикр қанчалик тўғри?

Оммавий ахборот воситаларининг салбий роли ёшларни “оммавий маданият” таъсирига берилишига сабаб бўлмоқда. Ушбу фикр қанчалик асосли?

Масалан: Топшириқли кейс

1. Ёшларни “оммавий маданият”нинг салбий таъсиридан ҳимоялаш омилларини аниқланг.
2. Ёшларда “оммавий маданият”га қарши иммунитетни самарали шакллантириш йўллари белгиланг?

**Мавжуд вазият****Кейс: Педагогик низо ва уни ҳал этиш йўллари**

Маълум муддат тиббий даволанишда бўлиб, янги ўқув йилидан яна қайтадан ишга қайтган “Kasbiy ta’lim” кафедраси ўқитувчиси Н.Хафизов менежмент бакалаврият таълим йўналиши 303 гуруҳида касбий педагогика фанидан семинар машғулоти ўтказиётган эди. Семинар машғулотида талабаларни кичик гуруҳларда ишлашларини ташкиллаштирди. Талабалар кичик гуруҳларда ишларни давом эттираётган бир пайтда, машғулот бошланганига ўттиз дақиқа бўлганида мазкур гуруҳ талабаси А.Петрова эшиқни очиб, аудиторияга киришга рухсат сўради. Ўқитувчи эса машғулот бошланганига анча вақт бўлганини, у бир неча маротабадан бўён кечикиб келаётганини айтиб, машғулот вақтида кечга қолган талаба А.Петрованинг аудиторияга киришига рухсат бермади. Талаба эса, аудиториядан чиқиб кетишни хоҳламади. Ўқитувчи ундан аудиториядан чиқиб кетишни талаб этди ва охир-оқибат хонадан чиқариб юборди. Эртаси куни аудиторияга киритилмаган қизнинг онаси номидан факультет деканатига шикоят хати келиб тушди. Шикоят хатида талаба-қизнинг онаси ҳомиладор эканлигига қарамасдан ва ҳар қандай ҳолатда ҳам ўқитувчи талабани машғулотга киритмасдан, уни туртиб аудиториядан чиқариб юборгани педагогик этика зид иш эканлиги, ўқитувчининг компетентлигини аниқлаш учун Давлат тест марказидан холис экспертлар чақириб, синовдан ўтказиш ва шикоятга ёзма равишда жавоб қайтариш, агар керакли чора кўрилмаса, юқори ташкилотларга мурожаат қилиши ҳақидаги талабни қўйган эди.

Эртаси куни факультет декани ва ўринбосари Н.Хафизовни бу ҳақида огоҳлантирди. Ўқитувчи эса деканга у ҳеч қандай ортиқча ҳаракат қилмагани, талаба қиз ҳамма вақт дарсга кечикиб келишини айтиб қўпол муносабатда бўлди. Бир ҳафта муддат ўтиб, декан кафедра мудиридан мазкур масалани йиғилишда муҳокама қилиб, қарор чиқариб беришни сўради.

Кафедра мажлисида мазкур масала муҳокама этилди. Кафедра профессор-ўқитувчилари ҳар қандай вазиятда ҳам Н.Хафизовни қўллаб-қувватлашларини билдирди. Бироқ талаба-қизнинг ҳомиладор эканлигини ҳисобга олиб, ундан узр сўраш ҳақидаги таклифни киритишди. Н.Хафизовга сўз берилганда эса, у педагоглик одобига зид ҳеч қандай хатти-ҳаракат содир этмаганлигини, талаба-қиздан узр сўрамаслигини билдирди. Орадан бир ҳафта муддат ўтиб, Н.Хафизов кафедра мудирининг ишдан бўшамаслиги ҳақидаги илтимосига карамасдан, ўз аризасига кўра вазифасидан озод этилди.

*Юқорида келтириб ўтилган вазиятни таҳлил этинг. Сиз Н.Хафизовнинг ўрнида бўлганингизда қандай йўл тутган бўлар эдингиз? Н.Хафизовнинг ишдан бўшаб кетиши тўғри бўлдимми?*

### Мавжуд вазият

Камол исмли бола касбининг энди ёқмай қолганини айтиб ўтди. Айрим касбий фаолият элементларидан норозилик пайдо бўлади. Касбий танловнинг тўғрилигига иккилана бошлашади. Касбига қизиқиш пасаяди. Касбий танлов инқирози кузатила бошлайди. Одатда у иш даврининг биринчи ва охириги йилларида аниқ намоён бўлади. Аммо касбий фаолият талабларининг йилдан йилга ошиши касбга йўналтирилганлиги қоникмасликни пасайтиради. Камол ўз касбий фаолиятини бошлаб меҳнат жамоаларига кириб борди. Ривожланишнинг касбий вазияти кескин ўзгаради: янги турли ёшдаги жамоа, бошқа муносабатлар, янги ижтимоий касбий кадриятлар, янги ижтимоий рол ва албатта асосий фаолиятнинг янги тури ва бошқалар.

Ишнинг биринчи ҳафталари, ойлари катта қийинчиликлар билан боғлиқ, аммо улар инқирозли ҳодисаларни келтириб чиқармайди, асосий сабаб психологик сабаб ҳисобланади. Унга кўра реал касбий ҳаёт шаклланиб бўлган тасаввурлар билан тўғри келмаслигини айтиш мумкин. Касбий фаолиятнинг тасаввурларга номувофиқлиги, касбий инқирозни келтириб чиқаради.



**Бу ҳолат юзасидан қандай фикрдасиз ва сиз қандай йўл тутган бўлардингиз?**

*Юқорида келтириб ўтилган вазиятни таҳлил этинг. Сиз Камолнинг ўрнида бўлганингизда қандай йўл тутган бўлар эдингиз? Касбий инқироздан самарали чиқиш йўллари кўрсатинг.*


**Тингловчиларни модул юзасидан Б.Блум таксономияси бўйича ўқув мақсадига эришилганлик даражаларини назорат қилиш ва амалий кўникмаларини баҳолашда фойдаланиладиган ностандарт тест топшириқлари**

**1.Расмда берилган “педагог-талаба(лар)” муносабатининг ташкил этилишини таъминловчи таълимий характердаги технология номини аниқланг?**

	<b>Таълим технологиялари турлари</b>
	<b>Компьютерли таълим</b>
	<b>Эркин таълим</b>
	<b>Ҳамкорлик таълими</b>
	<b>Анъанавий таълим</b>
	<b>Дастурлаштирилган таълим</b>
	<b>Табақалаштирилган таълим</b>
<b>Тўғри жавоб:</b>	

**2.График организерлар турларини аниқланг ва жадвалга ҳар бир расмга мос рақамларни ёзинг.**

1) Кластер; 2) Бенн-диаграммаси; 3) балиқ скелети; 4) БББ жадвали; 5) инсерт жадвали; 6) арра.



**Жавоблар:**

--	--	--	--	--	--

**3.Таърифда тушуриб қолдирилган сўзларни ёзинг.**

*Педагогик технология*бу - муайян лойиҳа асосида ташкил этиладиган, ----- хамда ушбу мақсаднинг натижаланишини кафолатловчи педагогик фаолият жараёнининг мазмунидир.

**4.Таърифда тушуриб қолдирилган сўзларни ёзинг.**

*Ўқитиш технологияси*бу -ўқув машғулотининг ҳар бир босқичини -- -----, кутиладиган натижаларни олдиндан аниқлаштириш, ҳар босқичда қўлланиладиган шакл, метод ва воситаларини оқилона танлаб олиш, профессор-ўқитувчи ва талабанинг вазифаларини ойдинлаштиришга қаратилган алгоритмик кетма-кетлик.

**5.Б.Блум таксаномияси кетма – кетлигини ифодалаган ҳолда тегишли рақамларни катакларга ёзинг.**

1) тушуниш; 2)таҳлил; 3)баҳолаш; 4)билиш; 5)қўллаш; 6)синтез.



**6. Келтирилган таърифни атамаси билан жуфтланг.**

№	Хусусиятлари	№	Б.Блум таксономияси категориялари			
1	Эгаллаган билимлардан амалда фойдаланиш	А	Билиш			
2	Фактларни, тушунчаларни, категорияларни ва таърифни айтиб бериш	В	Тушуниш			
3	Ўз сўзлари билан мазмунни ёритиш, изоҳлаш, тавсифлаш	С	Баҳолаш			
4	Объектни элементларга ажратган ҳолда чуқур ўрганиш, классификациялаш	Д	Синтез			
5	Умумлаштириш, хулоса қилиш	Е	Таҳлил			
6	Объектга нисбатан муносабат билдириш ва заруратни аниқлаш	Ғ	Қўллаш			
<b>Жавоби</b>	1 -	2 -	3 –	4 –	5 –	6 -

**7. Анъанавий ва модулли таълим тизимини таққосланг, ўзига хос ва ўхшаш жиҳатларни аниқланг ва жадвалнинг “жавоб” қисмига ёзинг.**

**А – анъанавий таълим, В - модулли таълим, С – ўхшаш жиҳатлари.**

1. Бир хиллик	6. Такрорланиш		
2. Ўрта меъёрий ёндашув	7. Тизимлилиқ		
3. Самарали натижани кафолатлаш	8. Бошқарувчанлик		
4. Аниқ илмий лойиҳа	9. Концептуаллик		
5. Ягона ёндашув			
<b>Жавоб:</b>	<b>А –</b>	<b>В –</b>	<b>С –</b>

**8. Модулли ўқитишга оид тушунчаларни уларнинг таърифи билан жуфтланг.**

№	Таъриф	№	Атама
1	Мазмуний ва мантиқий яқунга эга бўлган, дидактик жиҳатдан ишлаб чиқилган, натижага	А	<b>Модулли технологиял</b>

	қаратилган, кириш ва чиқиш назоратларидан иборат бўлган бирликдир.		<b>ар</b>
<b>2</b>	Бир фан доирасидаги модуль блокларининг йиғиндисидир бўлиб, эришиш лозим бўлган дидактик мақсад, қўлланиладиган усуллар ва воситалар йиғиндисидир.	<b>B</b>	<b>Модуль</b>
<b>3</b>	Энг замонавий технология бўлиб, модуль блокларидан ташкил топган ахборотни тизимли равишда қайта ишлаш ва таҳлил қилишга, талабанинг мустақил фаолиятига асосланган яхлит жараён.	<b>C</b>	<b>Ўқув модули</b>
<b>4</b>	Нисбатан мустақил, мантиқий яқунга эга бўлган ўқув курсининг бўлагидир. У ўқув-методик таъминотдан, назарий ва амалий қисмлардан, топшириқ ва жорий ҳамда якуний назорат каби қисмлардан иборат	<b>D</b>	<b>Модуль дастур</b>
<b>Жавоби:</b>	1 –	2 –	3 – 4 -

**9.Замонавий ўқув режаси бўйича, ECTS бир кредитнинг тахминий қиймати талабанинг неча соат меҳнат сарфига тенгдир.**

1. 12 соат
2. 34,4 соат
3. 36 соат
4. 54 соат **жавоб:**

**10. Танқидий фикрлашни ривожлантириш босқичларига тааллуқлисини танланг.**

<b>№</b>	<b>Элементи</b>	<b>Мослиги</b>
<b>1</b>	<b>Blended learning</b>	-талаба эришган даражасини сифатини баҳоловчи балл тизими.
<b>2</b>	<b>Рейтинг (рейтинг баҳоси)</b>	-ўлчов бирлиги бўлиб, талабанинг аудиторияда ва мустақил ўқув фаолиятини, баҳолайди (ўқув юкламасини).
<b>3</b>	<b>Кредит (зачет бирлиги)</b>	-аралаш ўқитиш

**Жавоблар**

<b>1-</b>	<b>2-</b>	<b>3 -</b>
-----------	-----------	------------

11. “Модулли таълим” тушунчаси биринчи бор қачон ва ким томонидан киритилган?

	Олимлар		Йиллар
	Б.М.Гольдшмид		1971
	Дж.Рассел		1972
	Г.Оуэнс		1975
Жавоби:	1 –	2 -	33 –

12. Б.Блум таксаномияси кетма-кетлигини рақамланг.

Тушуниш	Таҳлил	Баҳолаш	Билиш	Қўлаш	Синтез

13. График органайзерларга тегишли бўлмаган методни белгиланг.

1. Нима учун?
2. Қандай?
3. Венн диаграммаси
4. Бумеранг
5. Зинама-зина
6. Концептуал жадвал
7. Инсерт

Жавоб:

14. ECTSнинг асосий тамойилларини таърифига мосини келтиринг.

№	Тамойиллар	Таърифлар
1	<i>Transferancy</i>	А Host университетида (қабул қиладиган университет) муваффақиятли ўтилган барча фанлар Post – университетда ( талабани бошқа ОТМга жўнатган университет) ҳисобга олиниши зарур.
2	<i>Agreement</i>	В -бу шахснинг турли таълим хизматларига бўлган эҳтиёжини қондириши ва таълим жараёнида инсон қобиятининг очилишини англатади. ECTS

			таълимни давом эттириш учун олий таълим муассасасини, ўқув фанларини ва ўқитувчиларни танлиш имкониятини беради.
<b>3</b>	<b>Credits</b>	<b>C</b>	-бу ҳар бир талабанинг индивидуал режа ва таълим дастурларига эга эканлигини ифода этади. Талаба танлови асосидаги фанлар 70%ни, мажбурий фанлар эса 30% дан ошмайди. Талабанинг мустақил иш ҳажми 70%ни, аудиториядаги иши эса 30%ни ташкил этади. Ушбу кўрсаткичлар индивидуал таълимни ташкил қилишга асос бўлиб хизмат қилади.
<b>4</b>	<b>Таълимнинг инсонпарвар лашуви</b>	<b>D</b>	-гуруҳда индивидуал ўқитишли аудитория машғулотлари ва талабанинг муставқил ишларини уйғунлаштириш орқали таъминланади. Аудитория ўқув вақтининг 70% гача қисмини индивидуал ўқитишга, шунингдек умумий ўқув вақтининг 70%гача қисмини мустақил ишга ажратилиши ўқув фанларининг талабалар томонидан ўз қобилиятлари даражасида ўзлаштиришга имкон яратади.
<b>5</b>	<b>Таълимнинг индивидуал лаштируви</b>	<b>E</b>	- -бу ECTS тизимида хоҳлаган шахс ёки ташкилотнинг тўсиқсиз киришига шарт-шароит яратиш. Ушбу шарт-шароит кучли ахборот тарғиботи воситасида яратилади, унинг натижасида умумий янгилик, аниқлик ва очиқлик муҳити шакллантирилади.
<b>6</b>	<b>Таълимнинг самарадорли ги</b>	<b>F</b>	-талаба билан иккала олий таълим муассасасининг ECTS координаторлари орасида тайёрлаш мазмуни, ўқув тартиби ва муддатлари, аттестация тадбирлари, ўқув режаларидаги фарыни бартараф этиш тартиблари ҳақида ўзаро келишувларини англатади.

**Жавоблар:**

<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>	<b>5</b>	<b>6</b>

**15.Қуйида берилган методлардан график органайзерлар сирасига кировчи методларни жавоблар жадвалига “ҳа” ёки “йўқ” сўзлари орқали ифодаланг.**



A) “Балиқ скелети” B) “Чархпалак” C) “Эркин ёзиш” D) “Нима учун?”  
G) “Қандай?” E) “Б-Б-Б чизмаси” F) “Нилуфар гули”

<b>Жавоблар:</b>	<b>A</b>	<b>B</b>	<b>C</b>	<b>D</b>	<b>G</b>	<b>E</b>	<b>F</b>

**16. “Синквейн” методини тузиш қоидалари кетма-кетлигини бажариш тартибини мос ҳолда танланг.**

<b>№</b>	<b>қоидаси</b>	<b>хусусияти</b>
<b>1</b>	1 - қоида	A ушбу мавзу бўйича хатти-харакатлар уч сўз билан тавсиф этилади.
<b>2</b>	2 - қоида	B темага алоқадорликни кўрсатувчи тўрт сўздан иборат гап (ибора) ёзилади.
<b>3</b>	3 - қоида	C мавзу моҳиятини такрорловчи бир сўздан иборат синоним ёзилади.
<b>4</b>	4 - қоида	D бир сўз билан мавзу ёзилади (одатда от туркумидаги оид сўз билан).
<b>5</b>	5 - қоида	E мавзу икки сўз билан тавсиф қилинади (сифат туркумига оид икки сўз билан).

**Жавоблар**

<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>	<b>5</b>

**17. “SWOT – таҳлил” методини тузиш қоидалари кетма-кетлигини бажариш тартибини мос ҳолда танланг.**

<b>№</b>	<b>Тушунчалар</b>	<b>№</b>	<b>Хусусиятлари</b>
1	<b>S – (strength)</b>	A	Тўсиқлар
2	<b>W – (weakness)</b>	B	Имкониятлари
3	<b>O – (opportunitu)</b>	C	Кучсиз томонлари

4	<b>T – (treat)</b>	D	Кучли томонлари	
Жавоби:	1 –	2 -	3–	4-

**18. “ФСМУ” методини тузиш қоидалари кетма-кетлигини бажариш тартибини мос ҳолда танланг.**

№	Тушунчалар	№	хусусиятлари	
1	<b>Ф</b>	A	<b>фикрингизни <u>умумлаштиринг</u></b>	
2	<b>С</b>	B	<b><u>фикрингизни</u> баён этинг</b>	
3	<b>М</b>	C	<b>фикрингизнинг баёнига <u>сабаб</u> кўрсатинг</b>	
4	<b>У</b>	D	<b>кўрсатилган сабабингизни исботлаб <u>мисол</u> (далил) келтиринг</b>	
Жавоби:	1 –	2 -	3 –	4 -

**19. Келтирилган таърифни атамаси билан жуфтланг..**

№	Таъриф	Атама
<b>1</b>	Гуруҳлардаги фаолият натижасини самарали баҳолаш, муаммонинг илмий ечимини топишга йўналтириш, гуруҳдаги коммуникацияни ривожлантириш каби вазифаларни бажаради.	<b>МОДЕРАТОР</b>
<b>2</b>	Французча сўздан олинган бўлиб талабаларнинг индивидуал ҳолда битирув малакавий иши, курс лойиҳаларини бажаришда маслаҳатчи ролини бажаради.	<b>ТҲЮТОР</b>
<b>3</b>	Қабул қилинган қоидаларга амал қилишни текширади, талабаларнинг мустақил фикрлаш ва ишлаш қобилиятларини ривожлантириш, билиш фаолиятини фаоллаштиришга ёрдам беради.	<b>ЭДВАЙЗЕР</b>
<b>4</b>	<i>Лотинча</i> сўздан олинган бўлиб устоз, мураббий вазифасини бажаради. Баъзи ҳолларда маъруза ўқитувчиси билан талаба орасидаги боғловчи ролини ҳам бажаради.	<b>ФАСИЛИ-ТАТОР</b>

	Бунда маърузачи томонидан берилган билимларни кенг эгаллашда маслаҳатчи ва устоз ролини бажаради.			
<b>Жавоби :</b>	1 –	2 –	3 -	44 –

**20. Кейс қандай тузилишга эга?**

1. Кириш
2. Ўқув –услугий материал
3. Кейс объектининг тарихий баёни
4. Вазият
5. Муҳокама учун саволлар ва кейсга саволлар
6. Ташкилий-услугий таъминот

**Жавоб:**

**21. Тўғри жавобни аниқланг. Жавоблар жадвалига “ха” ёки “йўқ” сўзлари орқали ифодаланг.**

1. Кейс бу - реал ҳаётнинг бир парчасидир.
2. Кейс бу - вазиятлар комплекси.
3. Кейс бу - вазиятни тушуниш ва баҳолашга имкон берадиган ягона ахборот комплекси.
4. Кейс бу - назарий билимларни амалда қўллаш.
5. Кейс бу – амалий вазиятларни таҳлил этиш ва ҳал қилиш.

**Жавоблар**

1.	2.	3.	4.	5.

**22. Кейс-стадининг педагог фаолиятида қўлланилиши босқичлари белгиланг.**

- 1) тайёргарлик босқичи;
- 2) кейс билан индивидуал танишиш босқичи;
- 3) асосий (кейс-стади методини амалда қўллаш) босқичи;
- 4) таҳлилий, баҳоловчи босқич
- 5) муҳокама учун саволлар босқичи.

Жавоб:

**23. Муаммоли таълимга келтирилган таърифда тушириб қолдирилган сўзларнинг мосини топинг.**

*муаммоли, ижодий изланишга, изланишга, асослаш.*

Билимларни ----- баён қилишнинг маълум босқичларида талабаларни ----- ундаш, кичик илмий тадқиқотларни олиб бориш.

**24. Қуйида келтирилган методлар қандай методларга тегишли.**

*Тадқиқот методи, эвристик метод, муаммоли вазиятларни яратиш методи, муаммоли баён қилиш методи, ижодий метод, қисман ижодий метод.*

1. Муаммоли таълим методлари;
2. Ривожлантирувчи таълим методлари;
3. Табақалаштирилган таълим методлари.

Жавоб:

**25. Хитой файласуфи Конфуцийнинг қуйидаги фикрини тўлдириг.**

*эслаб, айтсанг, англаб, унутаман*  
*Айтсанг -----, кўрсатсанг ----- қоламан, ўзим*  
*бажарсам----- етаман.*

**“Қишлоқ хўжалик фанларини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар”**

**МОДУЛИ**

**Ассесмент вариантлари**

*Тузувчи: Мирзаева С.Р.*

**“Қишлоқ хўжалик фанларини ўқитишда илғор хорижий тажрибалар” модули бўйича тингловчиларга мўлжалланган**

**“Ассесмент” техникаси, жорий назорат топшириқлари**

Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 баллгача баҳоланиши мумкин.

**1-вариант**

<p style="text-align: center;"><b>ТЕСТ</b></p> <p><b>Педагогик технологиядан кўзланган мақсад ... дан иборат</b></p> <p>А. Юқори сифат ва самарадорликка эришиш</p> <p>В. Таълимни табақалаштириш</p> <p>С. Ўқитувчининг вазифаларини енгиллаштириш</p> <p>Д. Таълимни индивидуаллаштириш</p>	<p style="text-align: center;"><b>МУАММОЛИ ТОПШИРИҚ</b></p> <p>Сиз дарс бераётган мутахассислик фанидан Кейс стади методидан қандай мавзуларда фойдаланган бўлардингиз ва нима учун?</p>
<p style="text-align: center;"><b>СИМПТОМ</b></p> <p>Модуль – бу ...</p>	<p style="text-align: center;"><b>АМАЛИЙ КЎНИКМА</b></p> <p>Модулни ўзлаштириш давомида қандай график органайзерлар сирасига кирувчи методларни ўргандингиз. Мутахасислигингиз мисолида намуна келтиринг.</p>

2-вариант

<p style="text-align: center;"><b>ТЕСТ</b> <b>Инновация бу..</b></p> <p>А. Янги ғоя В. Янгилик киритиш С. Таълимни ташкил этишнинг замонавий шакли Д. Такомиллаштириш</p>	<p style="text-align: center;"><b>МУАММОЛИТОПШИРИ Қ</b></p> <p>Қишлоқ хўжалик фанларини ўқитишда кейс методининг қайси туридан фойдаланиш энг самарали деб ўйлайсиз ва нима учун, изоҳланг?</p>
<p style="text-align: center;"><b>СИМПТОМ</b></p> <p>Модул дастур бу -</p>	<p style="text-align: center;"><b>АМАЛИЙ КЎНИКМА</b></p> <p>Ўзингизга таниш бўлган ва бевосита амалиётда қўллаб кўрган</p> <p>Актив; Пассив; Интерактив ўқитиш методларидан мисол келтиринг</p>

3-вариант

<p style="text-align: center;"><b>ТЕСТ</b></p> <p>Интерфаол таълимга асос солган, ўқув мақсадлар таксономиясини тадқиқ қилган муаллифни топинг</p> <p>А. Ушинский В. Лев Вигоцкий С. Джон Дюи Д. Бенжамин Блум</p>	<p style="text-align: center;"><b>МУАММОЛИ ТОПШИРИҚ</b></p> <p>Касбий тайёргарликни шакллантиришда анъанавий таълимнинг ўрнини қандай баҳолайсиз.</p> <p>Мутахассислик фанларингизни ўқитишда қандай таълим туридан фойдаланиш афзал деб биласиз?</p>
<p style="text-align: center;"><b>СИМПТОМ</b></p> <p>Модул технологияси – бу ...</p>	<p style="text-align: center;"><b>АМАЛИЙ КЎНИКМА</b></p> <p><b>График органайзерлар</b> сирасига кирувчи методларга мисол келтиринг?</p> <p>Битта методикани моҳиятини ўз мутахассислигингиз мисолида тушунтиринг?</p>

4-вариант



<p style="text-align: center;"><b>ТЕСТ</b></p> <p>Мустақил ишларни индивидуал-дидактик мақсадларни амалга ошириш нуқтаи назаридан нечта гуруҳга ажратиш мумкин?</p> <p>А. 3 та В. 4 та С. 5 та Д. 6 та</p>	<p style="text-align: center;"><b>МУАММОЛИ ТОПШИРИҚ</b></p> <p>Касбий тайёргарликни шакллантиришда ноанъанавий таълимнинг ўрнини қандай баҳолайсиз.</p>
<p style="text-align: center;"><b>СИМПТОМ</b></p> <p>Кичик гуруҳларда ишлаш – бу ...</p>	<p style="text-align: center;"><b>АМАЛИЙ КЎНИКМА</b></p> <p>Ўз мутахассислигингиз мисолида ностандарт тест тузинг?</p>

**5-вариант**

<p style="text-align: center;"><b>ТЕСТ</b></p> <p><b>Европа кейслари ҳажми</b></p> <p>А. Кам ҳажмли В. Кўп ҳажмли С. Ўнлаб саҳифали матн Д. Кўплаб чизмалардан иборат</p>	<p style="text-align: center;"><b>МУАММОЛИ ТОПШИРИҚ</b></p> <p>Мутахассислик фанини ўқитишда модул таълим технологиясидан фойдаланишнинг ижобий томонлари аниқланг?</p>
<p style="text-align: center;"><b>СИМПТОМ</b></p> <p>Кредит тизими бу ...</p>	<p style="text-align: center;"><b>АМАЛИЙ КЎНИКМА</b></p> <p>Қишлоқ хўжалик фанларини ўқитишда ихтиёрий мавзуда топшириқли кейстужинг?</p>

**6-вариант**

<p style="text-align: center;"><b>ТЕСТ</b></p> <p style="text-align: center;"><b>Таълим жараёнида қайси тест туридан фойдаланилади?</b></p> <p>А. Педагогик В. Психологик С. Социологик Д. Илмий</p>	<p style="text-align: center;"><b>МУАММОЛИ ТОПШИРИҚ</b></p> <p>Мутахассислик фанини ўқитишда модул таълим технологиясидан фойдаланишнинг қандай тўсиқлари мавжуд, мисоллар орқали изоҳланг?</p>
<p style="text-align: center;"><b>СИМПТОМ</b></p> <p>Кейс бу -</p>	<p style="text-align: center;"><b>АМАЛИЙ КЎНИКМА</b></p> <p>Мустақил ишларнинг гуруҳларини айтинг ва ўз амалиётингизда фойдаланиш ҳолатини изоҳланг?</p>

**7-вариант**

<p style="text-align: center;"><b>ТЕСТ</b></p> <p style="text-align: center;"><b>Кейс-стадининг илк марта қўлланиш соҳаси бу...</b></p> <p>А.Бизнес соҳасида В.Мухандислик соҳасида С.Ҳуқуқ соҳасида Д.Қишлоқ хўжалик соҳасида</p>	<p style="text-align: center;"><b>МУАММОЛИ ТОПШИРИҚ</b></p> <p>Мустақил ишларни амалга оширишда гуруҳ кўпи билан неча кишидан ошмагани маъқул ва нима учун? Мутахассислик фанларингизни ўқитишда мустақил таълимни ташкил қилишда қандай ёндашув туридан фойдаланиш афзал деб биласиз?</p>
<p style="text-align: center;"><b>СИМПТОМ</b></p> <p>Эдвайзер бу -</p>	<p style="text-align: center;"><b>АМАЛИЙ КЎНИКМА</b></p> <p>Саволли кейс ва топшириқли кейсни фарқини изоҳлаб беринг?</p>

8-вариант

<p style="text-align: center;"><b>ТЕСТ</b></p> <p><b>Ассесмент –бу</b>                  А.Интервью, суҳбат, ўрганиш                  В.Ингл. Сўз бўлиб, “баҳо”,                  “баҳолаш” маъносини билдиради                  С.Сўровнома ўтказиш                  Д.Интервью олиш</p>	<p style="text-align: center;"><b>МУАММОЛИ ТОПШИРИҚ</b></p> <p>Хориж тажрибасида аудиториядан ташқаридаги мустақил ишлар кўпроқ қайси услублардан фойдаланган ҳолда ўтказилади ва нима учун?</p>
<p style="text-align: center;"><b>СИМПТОМ</b></p> <p><b>Таксономия бу...</b></p>	<p style="text-align: center;"><b>АМАЛИЙ КЎНИКМА</b></p> <p>Модул технологиялардан қишлоқ хўжалик фанларини ўқитишда фойдаланиш қандай аҳамияти эга фикрингизни баён этинг?</p>

9-вариант

<p style="text-align: center;"><b>ТЕСТ</b></p> <p><b>Кейснинг қуйидаги турлари мавжуд бу</b>                  А.Ўтмишдан ҳозирга келиш тартибидаги Кейс                  В.Табиий шароитдаги, кабинетли, илмий-тадқиқотчилик                  С.Сюжетли Кейс                  Д. Сюжетсиз Кейс</p>	<p style="text-align: center;"><b>МУАММОЛИ ТОПШИРИҚ</b></p> <p>Қишлоқ хўжалик фанларини ўқитишда кейсларнинг асосан қайси туридан фойдаланилган маъқул, нима учун изоҳланг?</p>
<p style="text-align: center;"><b>СИМПТОМ</b></p> <p><b>ECTS кредитлари- бу</b></p>	<p style="text-align: center;"><b>АМАЛИЙ КЎНИКМА</b></p> <p>График органайзерлар сирасига кирувчи методларга мисол келтиринг?                  Битта методикани моҳиятини ўз мутахассислигингиз мисолида тушунтиринг?</p>

10-вариант

<p style="text-align: center;"><b>ТЕСТ</b></p> <p style="text-align: center;"><b>Европа-кредит тизими</b></p> <p><b>қачон қабул қилинди?</b></p> <p>А. 1988 йил          В. 1989 йил          С. 1990 йил          Д. 1999 йил</p>	<p style="text-align: center;"><b>МУАММОЛИТОПШИРИҚ</b></p> <p>Машғулотингизга келган талабалардан бири “Мен сизнинг фанингизни мустақил ўзлаштиришим мумкин, бунга менинг имкониятим етарли” – деди.          Сизнинг жавобингиз.</p>
<p style="text-align: center;"><b>СИМПТОМ</b></p> <p>Гомоген тестларга хос хусусиятларни топинг...</p>	<p style="text-align: center;"><b>АМАЛИЙ КЎНИКМА</b></p> <p>Сиз ўз педагогик амалиётингизда аудиториядан ташқаридаги мустақил ишларни кўпроқ қайси услублардан фойдаланган ҳолда ташкил этасиз?</p>

## VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

### Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;

- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;

- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;

- махсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;

- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

- ҳар бир йўналиш тингловчиси ўз мутахассислиги мисолида кейс вазиятлар яратишни ўрганиш ҳамда кейс ечимларининг жавоб вариантларини ишлаб чиқиш.

- ҳар бир йўналиш тингловчиси инновацион назорат усулларини ўз мутахассислиги мисолида жумладан: ностандарт тестлар ҳамда ассесмент вариантлар тузишни ўрганиш.

### Мустақил таълим мавзулари

1. Қишлоқ хўжалик фанларни ўқитишда мутахассислик йўналишлари мавзуларига мос кейс - вазиятларини яратиш.

2. Қишлоқ хўжалик фанларни ўқитишда ностандарт тестлар тузиш ва уни амалиётга тадбиқ этиш.

**VII. ГЛОССАРИЙ**

<b>Термин</b>	<b>Ўзбек тилидаги шарҳи</b>	<b>Инглиз тилидаги шарҳи</b>
<b>Модулли технологиялар</b>	Энг замонавий технология бўлиб, модуль блокларидан ташкил топган ахборотни тизимли равишда қайта ишлаш ва таҳлил қилишга, талабанинг мустақил фаолиятига асосланган яхлит жараён.	<b>Module technologies</b> – the most contemporary technology, module consists of blocks it's process of student's self education which is based on analysis systematically process of information.
<b>Модуль</b>	мазмуний ва мантикий яқунга эга бўлган, дидактик жиҳатдан ишлаб чиқилган, натижага қаратилган, кириш ва чиқиш назоратларидан иборат бўлган бирликдир.	<b>Module</b> – has content and logical ending, produced by didactic way, interested in result, entry and exit test units.
<b>Модуль дастур</b>	бир фан доирасидаги модуль блокларининг йиғиндиси бўлиб, эришиш лозим бўлган дидактик мақсад, қўлланиладиган усуллар ва воситалар йиғиндиси.	<b>Module curriculum</b> -it in total collection of blocks of a particular area of a subject, and means and ways which are used to gain for didactic purpose.
<b>Ўқув модули</b>	нисбатан мустақил, мантикий яқунга эга бўлган ўқув курсининг бўлагидир. У ўқув-услубий таъминотдан назарий ва амалий қисмлардан, топшириқ ва жорий ҳамда яқуний назорат каби қисмлардан иборат	<b>Curriculum module</b> -comparatively independent, a part of a course which has logical ending. It comprises theoretical practical parts of curriculum, which have tasks, current and final

		tests.
<b>Тьютер</b>	(лот. <i>tutorem</i> – маслаҳатчи) фаолияти талабаларга ўқув жараёнига мослашиш, вужудга келувчи айрим саволларга жавоб топишга ёрдамлашишга қаратилган.	Tutor-(latin-tutorem-counsellor) activity is to facilitate solutions of some problems and adaptation of students to teaching process.
<b>Эдвайзер</b>	(advisor - қадимги француз сўзи “avisen”, “ўйламоқ” сўздан олинган) яққа ҳолда диплом иши, курс ишини ишлаб чиқиш, илмий тадқиқот олиб бориш, яққа дастурларни ишлаб чиқиш жараёнида маслаҳатчидир.	Advisor (ancient French word “avisen ” which taken from the word,to think)-who of reseach or diploma and course activities
<b>Фасилитатор</b>	(ингл. <i>facilitator</i> , лот. <i>facilis</i> — “енгил, қулай” деган маънони билдиради) фасилитаторгуруҳлар да фаолиятни ташкил этишда кўмаклашади.	Facilitator-(inglish. Facilitator, latin <i>facilis</i> gives the meaning “light, convenient”) facilitator assists to form group activities.
<b>Модератор</b>	(лот. <i>moderor</i> — меъёрлаш тираман, текшираман) қабул қилинган қоидаларга амал қилишни текширади, талабаларнинг қобилиятларни очилишига, билиш фаолиятини активлаштиришга ёрдам беради.	Moderator-(Lat.moderor-normalization, check)checks activation of learning activity and forming of students abilities and abide accepted rules.
<b>Супервизор</b>	қуйидаги тўрт вазифани бажаради: ўқитувчи сифатида ўргатади, фасилитаторлик, маслаҳатчи, эксперт вазифани бажаради.	Supervisor-does 4tasks, teaches as a teacher facilitator,advisor and expert.
<b>Супервизия</b>	ўзаро муносабатлар тизими бўлиб, супервизор томонидан касбий фаолиятга оид бошқа	Supervision-gives advice to other specialists on their



	мутахассисга маслаҳатлар беришни кўзда тутди.	professional, activities and interrelation system.
<b>Кредит (зачет бирлиги)</b>	ўлчов бирлиги бўлиб, талабанинг аудиторияда ва мустақил ўқув фаолиятини, баҳолайди (ўқув юкмасини).	Kredit (standard units) it is a unit of dimension which is assisted independent curriculum activity of a student in the room.
<b>Рейтинг баҳолаш тизими</b>	жорий, модулли ва семестр назоратида талабанинг бажарган ўқув фаолиятини ва эгаллаган билимлари ва шаклланган кўникма, малалкаларини баллар кўринишида баҳолаш тизими.	Assessment system-it is point of system as the score the skills and knowledge of students which formed during the academic activity in current, module and semester.
<b>Рейтинг (рейтинг баҳоси)</b>	талаба эришган даражасини сифатини баҳоловчи балл тизими.	GPA-score of system which learner's obtained quality level the quality of level of knowledge assessment system.
<b>Креативлик</b>	термини англия-америка психологиясида 60-йилларда пайдо бўлди. У индивиднинг янги тушунча яратиши ва янги кўникмалар ҳосил қилиш қобилияти, хислатини билдиради.	Creativess-appeared in the 60s America psychology and termin England to create new conception and form new abilities and qualities (characteristics)
<b>Креатив таълим</b>	бу таълим олувчининг ижодий қобилиятини ривожлантиришга, такомиллаштиришга йўналтирилган таълим бўлиб, у таълим олувчидаги яратувчанлик, бунёдкорлик қобилиятларини	Creative learning- this education is directed (trend) to perfection of development creative abilities of a learner and services to rise the

	ўстиришга хизмат қилади.	abilities of creative ness and to produce something new or a work of art.
<b>Муаммоли таълим</b>	илмий билишни ривожлантиришга асосланган таълим шакли бўлиб, муаммоли вақтнинг яъни, жамият ривожланиши жараёнида билиш ва билмаслик ўртасида объектив равишда вужудга келадиган вазият.	Problematic learning- it is based on to develop scientific learning,problematic time,it is a sitivation which appear between knowledge and ignorant in the process of development society.
<b>Transferancy</b>	бу ECTS (European Credit Transfer System) тизимида хоҳлаган шахс ёки ташкилотнинг тўсиқсизкиришига шарт - шароит яратиш.	Transferancy- ECTS(European Credit, Transfer System)- creation entry facilities for any person or organization to this system without any challenges.
<b>Синтез</b>	элементлардан, бўлимлардан янгиликка эга бўлган яхлитликни яратиш кўникмасини англатади.	Syntheses- expresses totally creation skill which combined elements and units.
<b>Технология</b>	юнонча “tehne”, яъни “маҳорат”, “санъат” ва “logos” – “фан”, деган сўзлардан олинган. Унинг ёрдамида манбаларда сифат ўзгаришлар рўй беради. Технология - бирор ишда, маҳоратда, жараёнда, санъатда қўлланиладиган йўллар, услублар тўпламидир (талқинли луғат).	Technology-greek word which derived from “tehne e i”, “competence”, ”art” and “logos”-“science” with the help it quality changes of seources will happen.Technology- collection of using ways and methods in the competence, process and art.
<b>Масофали</b>	масофада туриб ўқув	Distance learning

<b>таълим</b>	ахборотларини алмашиш воситаларига асосланувчи махсус ахборот таълим муҳити ёрдамида таълим хизматлари тўпламидан иборат.	it is collection of education services with the help of exchanging academic information based on special information environment from a distance
<b>Blended learning</b>	(аралаш ўқитиш)	Blended learning (interference teaching)
<b>Вебинар</b>	маъруза, семинар ёки конференция Интернет орқали бир вақтда ҳозир бўлган талабалар билан аудио видео билан жонли олиб борилади.	Webinarreport seminar or conference.It is conducted with lively audio visual through the internet.
<b>Эвристик методлар</b>	эвристик методи ўқитувчилардан ижодий хусусият касб этувчи юқори даражадаги билиш фаолиятини ташкил эта олиш кўникма ва малакаларига эга бўлишни тақозо этади. Бунинг натижасида ўқувчилар мустақил равишда янги билимларни ўзлаштира оладилар.	Evrisik methods- it requires to organize high level of knowledge skills from students.As a result of it learners will obtain new knowledge independently.

## VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ишмухаммедов Р. Таълимда инновация. – Тошкент:»Фан», 2010.
2. Олимов Қ.Т. Педагогик технологиялар. Фан ва технология. 2011. 275 бет.
3. Ходиев Б.Ю., Голиш Л.В., Рихсимбоев О.К. Кейс-стади “Иқтисодий олий ўқув юртидаги замонавий таълим технологияси”: Илмий-услубий қўлланма (“Замонавий таълим технологиялари” туркуми). – Т.: ТДИУ, 2009. – 150 бет.
4. Хошимова М.К. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. (Маърузалар матни). Т.:ТДИУ.- 2012.- 50 бет
5. Толипова.Ж.О Педагогик квалиметрия.Тошкент 2015.
6. A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter IV: Planning teachingand learningCurriculum design anddevelopment, Lorraine Stefani.
7. Мазкур қўлланманинг дизайнини яратишда “The Commonweith of Learning” ва “The Southern African Development Community (SADC) Ministries of Education”томонидан тайёрланган “Multigrade Teaching”модули ғояларидан фойдаланилди.
8. Meeri Hellstén • Anna Reid Editors “Researching International Pedagogies”Australia 2008

### Интернет ресурслари:

1. [www.lugat.uz](http://www.lugat.uz), [www.glossaiy.uz](http://www.glossaiy.uz)
2. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: [www.uz](http://www.uz)
3. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
4. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
5. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
6. [www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)
7. [www.booksee.org](http://www.booksee.org)
8. <http://sgp.uz>
9. (<http://www.ola.bc.ca>)